

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат
педагогика институти

М.Н.Холбеков

ИНГЛИЗ АДАБИЁТИ КЛАССИКЛАРИ

био-библиографик қўлланма

иккинчи нашри

Жиззах – 2014

**Холбеков М.Н. Инглиз адабиёти классиклари. Био-
библиографик қўлланма. - Жиззах: ЖДПИ, 2014, – 96 бет.**

Ушбу қўлланмада инглиз адабиёти тарихидан муносиб ўрин эгаллаган адиблар ижоди, асарларининг инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нашрлари хусусида кенг маълумот берилади.

Қўлланмадан олий ўқув юртлари талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари фойдаланиши мумкин.

Тақризчилар: Гулистон давлат университети доценти Қ.Тожиев;
Жиззах давлат педагогика институти доценти Д.Багишев.

Жиззах Давлат педагогика институти илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

Жиззах давлат педагогика институти, 2014 й.

Сўз боши ўрнида

Инглиз адабиёти жаҳон адабиёти тарихида залворли ўрин эгаллайди. Бу адабиёт дунё цивилизациясига Жеффри Чосер, Кристофер Марло, Уильям Шекспир, Жон Милтон, Даниэл Дефо, Роберт Бёрнс, Жорж Байрон, Вальтер Скотт, Уильям Теккерей, Чарлз Диккенс, Роберт Стивенсон, Майн Рид, Оскар Уайльд, Бернард Шоу, Редьярд Киплинг, Жон Голсуорси, Сомерст Моэм, Томас Элиот, Ричард Олдингтон, Ивлин Во, Жеймс Жойс сингари етук қаламкашларни тортиқ этди. Юқорида номлари тилга олинган адиблар ўзбек ўқувчисига ҳам яқиндан танишдир. Улар ҳаёти ва ижоди Республикамиз олий ўқув юртларида, лицей ва коллежларида ўрганилмокда, асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб келинмокда.

Дарвоқе, инглиз адабиёти тарихини кенг ёритувчи дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳали ўзбек тилида яратилган эмас, борлари ҳам давр ўтиши билан эскирди, замон талабига жавоб беролмай қолди. Шу бонс, муаллиф “Инглиз адабиёти тарихи” дарслигини яратишга киришаркан, авваламбор бу адабиёт тарихида муҳим ўрин эгалловчи йирик ёзувчилар ҳаёти, ижоди, асарларининг инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги нашрлари хусусида маълумот берувчи ушбу қўлланмани ёзишга жазм этди. Қўлланмани яратиш чоғида педагогика институтларининг хорижий тиллар факультетлари ўқув режасидаги “Инглиз адабиёти тарихи” фани дастурига амал қилинди.

Қўлланма ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни муаллиф самимият билан қабул қилади ва келгусида шу мавзудаги дарсликни ёзиш жараёнида инобатга олади.

“Беовульф” қахрамонлик достони

Қадим англо-саксон қабилалари ҳаётига оид воқеалар тарихидан ҳикоя қилувчи илк асар - "Беовульф" ("Beowulf") қахрамонлик достони ҳисобланади. Достон матни 3000 мисрадан иборат бўлиб, қадим инглиз (англо-саксон) тилида ёзилган. Илмий манбаларда достоннинг яратилган вақти ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Баъзи олимлар уни VI-VII асрларда яратилган дейишса, бошқалари VIII-IX асрларда илк бор ёзиб олинган, дея эътироф этишади. Аслида достоннинг X асрга мансуб ягона қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган. Ҳозирда у Британия музейида сақланади. Қўлёзма 1815 йидда илк даъфа нашр қилинган. Достон матнининг академик нашри Р.Чэмберс тарафидан тайёрланиб, ўтган асрда бир неча марта қайта нашр этилди.

"Беовульф" достони икки қисмдан иборат. Достоннинг дебочасидаги воқеалар англо-саксонларнинг қадимий ватани бўлган Дания тарихига мансуб бўлиб, қирол Скильд Скефинг ва унинг набираси қирол Хротгар даврида содир бўлиб ўтади. Қирол Хротгар ўзининг зафарли юришларидан сўнг катта обрӯ-эътибор қозониб, саройдаги базму-жамшидлар учун ҳашаматли қаср қурдиради. Қасрга "Хеорот" деб ном беради ва ўз рицарлари билан айшу-ишратда яшайди. Аммо бу хушнуд кунлар узокқа чўзилмайди. Қироллик ерларида пайдо бўлган Грендель номли баҳойбат маҳлуқ ўн икки йил тажовуз қилиб, Хротгарнинг сараланган баҳодир рицарларини нобуд этади. Бу шум воқеадан хабар топган қўшни гаутлар қабиласи паҳлавони рицар Беовульф Хротгарга ёрдамга келади. Беовульф яккама-якка олишувда одамхўр маҳлуқ Грендель устидан ғалаба қозониб, уни ўлдиради. Ўғлининг ўлимидан хабар топган Гренделнинг онаси ярим тунда паҳловон Беовульфга хужм қилади. Олишувда Беовульф Гренделнинг ёвуз онасини ҳам ўлдиради ва Дания мамлакатини улар тажовузидан холос этади. Шон-шуҳратга кўмилган баҳодир Беовульф ватанига қайтиб, гаутлар ерида подшо бўлади.

Достоннинг иккинчи қисмида эллик йил гаутлар* қироли бўлган паҳлавон Беовульф кексайган чоғида ватанига тожовуз

* Гаутлар – ҳозирги Швециянинг жанубида яшаган скандинав қабилаларидан бири.

қилган аждаҳо билан олишиб, ўзи ҳам оғир ярадор бўлади. Жароҳатдан заҳарлаган Беовульф ҳаётдан кўз юмади. Достондаги воқеалар давоми паҳловон Беовульфни тантанали кўмиш маросими ва матом русумлари билан якунланади.

"Беовульф" достони эпик жанрга мансуб асар бўлиб, унда ватан ҳимояси ва қаҳрамонлик туйғулари юксак бадий пафосда тараннум этилгандир. Шунингдек асарда она табиат гўзаллиги, унга бўлган меҳр-муҳаббат ҳиссиёти, қаҳрамонларнинг табиат бағридаги ҳаёти жангу-жадаллардаги юришлари билан уйғун ҳолатда тасвирланади. Достон матни ва унинг тил хусусиятлари ҳам ўзига хос ифодали тарзда бўлиб, VI-VIII асрларда шаклланган инглиз (англо-саксон) адабий тилининг барча имкониятларини ўзида мужассам қилган.

Айниқса матнда тез-тез учраб турувчи такрорлар ва параллелизмлар, она табиат гўзаллиги тасвирлари ҳамда ифодали метафораларнинг бетакрор қўлланиши ўқувчини ўзига ром этади. Масалан, асар матнида беғубор денгиз "whale-road" (наҳанглар йўли), "playground of winds" (шамоллар майдони); кескир қилич "light of battle" (жанг чироғи); гўзал аёллар эса "peace-weaver" (асойишталик тўқувчилари), "dwelling-ornament" (уй безаги) каби маънодор метафораларда улуғланади.

Хулоса қилиб айтганда "Беовульф" достони ҳам ўша даврга мансуб французларнинг "Роланд ҳақида кўшиқ", испанларнинг "Сид ҳақида кўшиқ", олмонларнинг "Нибелунглар ҳақида кўшиқ", русларнинг "Игорь полки жангномаси", ўзбекларнинг "Алпомиш" каби қаҳрамонлик достонлари қаторида туради ва ўрта асрлар Европа адабиётининг илк намунаси сифатида улуғланади.

"Беовульф" достонидан сўнг, яъни X-XI асрларда яратилган "Финсбург яқинидаги жанг" (The Fight of Finnsburg), "Вальдере ҳақида афсона" (Waldere), "Мальдоне жанги" (The Battle of Maldon) қаҳрамонлик достонлари ва "Эксетер кодекси" (Exeter Book) деб номланувчи қўлёзмадан иборат шеърлар мажмуаси ҳам англо-саксонлар ҳаёти тарахидан ҳикоя қилувчи илк асарлар сирасига киради.

"Беовульф" достони нашрлари:

Beowulf / A verse translation by M. Alexander.- Harmondsworth (Midd'x), 1973.-175 p.

Беовульф Перевод с древнеанглийского. // В кн: Беовульф. Старшая Эдда. Песнь о Нибелунгах. – М., 1975, с. 27-180. (Б-ка всемирной лит).

“Беовульф” хақида:

Chambers R.W. – Beowulf. – London; New York: Cambridge Univ. press, 1959. – XVII, 629 p.

Алексеев МП. Поэма о Беовульфе. // История английской литературы. – М: Л., 1943, том 1, вып. 1, с. 17-23.

Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы.- М.: Высшая школа, 1982. – с. 7-11.

Томас Мэлори (Thomas Malory. ? - 1471)

Томас Мэлори то бизга қадар етиб келган "Артурнинг ўлими" (Le Morte Darthur, 1485) романининг муаллифидир. Асар муаллиф вафотидан сўнг унинг дўсти Вильям. Кэкстон тарафидан нашр этилган. 1934 йил романнинг яна бир қўлёзмаси топилди. Қўлёзма 1947 йилда адабиётшунос Ю.Винавер тарафидан чоп қилинди.

"Артурнинг ўлими" романининг Уильям Кэкстон нашри йигирма бир китобдан иборат. Ю.Винавер янги топилган қўлёзмани саккиз китобга бўлиб нашр эттиради.

Романнинг ҳар иккала нусхаси мазмунида Англияда яшаган қадим бриттлар қироли Артурнинг V-VI асрларда босқинчи англо-саксларга қарши олиб борган мардонавор кураши тасвирланади. Қирол Артур асарда рицарлар сардори, мард жангчи қиёфасида гавдаланади. Шунингдек китобда Европа адабиётида муҳим ўрин эгалловчи "Артур цикли" ва "Думалок стол рицарлари" ҳаёти ҳамда жасоратини таъриф этувчи ўзга ривоятлар ҳам баён қилинган.

Томас Мэлорининг "Артурнинг ўлими" романи инглиз адабиётининг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Масалан, ундаги воқеалар XIX асрда америкалик ёзувчи Марк Твеннинг “Янкилар қирол Артур саройида” (A Connecticut Yankee in King Arthur’s court) номли роман пародиясида акс эттирилган.

Томас Мэлори асарлари нашри:

The works: In 3 vol / Ed. by Vinaver.- Oxford: Clarendon Press, 1947.

Смерть Артура. Изд.подгот. И.М.Берншейн и др.- М: Наука, 1971-899 с. - (Лит. памятники).

Томас Мэлори хақида:

Allen W. The English novel. A Short critical history – Hammondsport: Penguin books, 1963.-376 p.

Oxford companion to English literature. In 4 v./Comp. and ed. by P. Harvey – 4 ed. – Oxford: Clarendon press, 1967.-X. 961p.

Михайлов А.Д. Артуровские легенды и их эволюция //Мэлори Т. Смерть Артура. - М., 1974-с. 793-828.

Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы. -М., Высшая школа, 1982.-с. 15-16.

Жеффри Чосер (Geoffrey Chaucer. 1540-1400)

Жеффри Чосер ўрта аср инглиз адабиётининг сўнги йирик вакили бўлиб, унинг ижоди инглиз адабий тили ва инглиз адабиётининг камол топишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, уни инглиз тили ва инглиз реалистик адабиётининг асосчиси ҳам деб аташади.

Чосер поэтик мероси кенг камровли ва кўпқиррали бўлиб, унда ўрта асрлар воқелиги янги замон гуманизми руҳида ўзининг бадий ифодасини топгандир. У замонасида шаклланган итальян ва француз ренессанс адиблари ижодидан шеърият шакллари ўзлаштирди, маҳорат сирларини ўрганди. Чосер ижодига айниқса итальян адиби Жованни Боккаччо асарларларининг таъсири катта бўлди. Масалан. адиб ўзининг илк асарларидан бири "Троил ва Хризейда" (Troilus and Griseyde. 1372-1384) поэмасини Боккаччонинг "Филострата" асарига таассуб ҳолида ёзганди. Машҳур "Кентерберий ҳикоялари" (The Canterbury Tales. 1387-1400) нинг юзага келишида Боккаччо қаламига мансуб "Декамерон" новеллалари туркумининг таъсири ёққол сезилиб туради.

"Кентерберий ҳикоялари" мазмунида Англиянинг турли худудларидан келган ҳар хил табақага мансуб кишилар авлиё Томас Бекет қабрини зиёрат қилиш ниятида Соуеркдаги "Табард" меҳмонхонасига йиғилишади ва вақтларини бекор ўтказмаслик учун ҳар бир зиёратчи ўзи билган, бошидан кечирган саргузашт воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Улар орасида турли табақага мансуб одамлар. довюрак рицарлар,

художўй монахлар, ҳуқуқ пешволари, савдогарлар, талабалар, тўқувчилар, ошпазлар, тегирмончилар, хуллас ҳар ҳил касб эгалари бор эди. Ўқувчи улар ҳикоялари мазмунидан ўша давр Англия ҳаёти, давлат тузуми, халқнинг ижтимоий аҳволи, феодалларнинг ўзбошимчаликлари, черков схоластикасининг фожеавийлигини англаб олиш имконига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда адиб ватани Англиядаги ноқобил тузум ва унда кечаётган ноқобил турмуш тарзини ҳаётий воқеалар замирида кескин қоралайди, сатирик образларда кинояли ёритиб беради.

"Кентерберий ҳикоялари"ни ўқирканмиз Англиядаги ўрта аср феодал тузумнинг инқирозга юз тутиб бораётгани, черков схоластикаси ақидаларининг илоҳий куч-қудрати зайифлашиб янги замон яъни ренессанс гуманизмининг ҳаётта кириб келаётгани кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Чосер ўзининг "Кентерберий ҳикоялари" билан инглиз шеъриятига янги шакл яъни француз поэзиясидаги ямб услубини олиб кирди. Айни пайтда соф инглиз адабий тилини яратиш учун курашди, унинг луғат бойлигини янада бойитди. Адиб ижодининг яна бир қирраси унинг моҳир таржимон бўлганида ҳам кўринади. У ўрта аср француз шоири Гийом де Лорриснинг машҳур "Атиргул ҳақида роман" (The Romaunt of the Rose) асарини инглиз тилига таржима қилди, Данте ва Боккаччо ижоди билан инглиз китобхонини илк бор таништирди. Чосер мероси ўзидан кейинги инглиз адиблари ижодига катта таъсир кўрсатди. Айниқса, Марло, Шекспир ва Бен Жонсон асарларида Чосер анъаналари ёққол сезилиб туради.

Жеффри Чосер асарлари нашри:

The works.- Cleverland; New York: The World publ coop., 1958. - XIX. 554 p.

Canterbury tales: Chaucer for presentday readers /Ed. with a pref. by J. Benjeman. -London: Murray, 1956-XV. 169 p.

Кентерберийские рассказы / Пер. И. А. Кашкина и О. Б. Румера. Вступ. статья и коммент. И. А. Кашкина – М.: Худож. литература, 1973.-527 с. (Б-ка всемирной лит.)

Джеффри Чосер ҳақида:

Howard E. Geoffrey Chaucer. London: Macmillan, 1976. - 219 p.

Norton-Smith I. Geoffrey Chaucer.-London, 1974 - XII. 274 p.

Джеффри Чосер // Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы: - М.: Высш/ школа, 1982, с 21 -26.

Джеффри Чосер (1340-1400)// История всемирной литературы: В 9 - томах. Том 3.- М: Наука, 1985, с. 285-288.

Томас Мор (Thomas More. 1478-1535)

Томас Мор инглиз ренессанс даври адабиётининг илк намояндаси, гуманист ёзувчи ва файласуфидир. У Кирилл Ҳенрих VIII сарайида йирик лавозимларда фаолият кўрсатади, ҳатто кириллинг бош вазири (лорд-канцлер) лавозимида ҳам ишлаган. Оксфорд университетини тугатган Мор даврининг билимдон зиёлиси, қадим юнон ва латин тилларини билган, антик фалсафани чуқур ўрганган маърифатли шахс бўлган. Шу боис уни қуршаган сарой амалдорлари заковатли бош вазир атрофида бухтону-фитналар уюштиришган. Оқибатда Томас Мор ҳукуматдан четлаштирилади ва ватан хоини деган айб қўйилиб, қатл этилади.

Ёзувчининг энг машҳур асари "Утопия" (A fruteful and pleasaunt work of the baste state of publyque weaee, and of the new yee called Utopia) романидир. "Утопия" (афсонавий мамлакат) китоби замонасидаги феодал тузумнинг, ҳукмрон синф ва католик черкови тазйиқининг кучайиб бораётганини қораловчи асар бўлиб, унда ҳамма хушнуд яшайдиган янги бир жамият, адолатли давлат яратиш орзуси мадҳ этилади. Муаллиф ўз орзу-хаёлларини рўёбга чиқариш ниятида "Утопия" деб аталмиш афсонавий мамлакат (орол) ни кашф қилади. Асар марказида муаллифнинг ўзи ҳикоячи ролини бажариб, бош қаҳрамон Гитлодей билан суҳбат қуради. Дунё кезган Гитлодей муаллифга узок бир оролда Утопия деган мамлакат борлиги, унинг фуқаролари тинч-тотув яшаётганини, ҳамма тент ҳуқуқли, бадавлат кун кечираётгани, бой ва камбағал деган табақанинг йўқлиги ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Томас Мор ўзининг "Утопия" китобида илк бор хусусий мулк ҳукмрон бўлмаган, жамоа мулкининг ҳимоячиси бўлмиш давлат бошқарувини тузушни таклиф этади. Бу давлатда ҳамма аҳил, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоғи, бунинг эвозига ҳузур - ҳаловатда яшамоғи зарурлигини уқтиради. Хуллас, адиб хусусий мулкчилик бўлмаган, ҳукмрон синфлар шаклланмаган,

хурфикрли одамлар яшайдиган жамиятни орзу қилади. Бу жамиятда оилавий бошқарув ҳамма нарсани ҳал қилади, оила жам бўлиб ерда ишлайди, мол боқади, қосибчилик қилади. Оролда яшовчилар диний эътиқодга эга бўлсаларда унинг кулига айланмаганлар, динни руҳий изтиробларга таскин берувчи илоҳий куч, деб тушинадилар ва ҳоқазо.

Томас Морнинг "Утопия" асари кейинчалик Т.Кампанелла, Ф. Бэкон, Гаррингтон ва Э.Кабэ каби файласуфларнинг гуманистик қарашларига ижобий таъсир кўрсатди.

Томас Мор асарлари нашри:

Utopia. London: Dent, 1955. - 444 p.

Утопия. Перевод и примеч. А.Малеина и Ф.Петровского.

Вступ. статья Л.Воробьева.// Утопический роман XVI -XVII веков. -М.; 1971, с. 41-143-(Б-ка всемирной лит.)

Томас Мор ҳақида:

Chambers R. Thomas More. London: Penguin, 1963. -413 p.

Осиновский И.Н. Томас Мор. –М.: Наука, 1974, 166 с

Томас Мор. 1478-1535 // История всемирной литературы. В 9-ти томах. Том 3. - М.: Наука, 1985, с. 292-297.

Кристофер Марло (Christopher Marlowe. 1964-1593)

Кристофер Марло инглиз ренессанс даври адабиётининг йирик вакили, таниқли драматург ва шоирдир. Ҳунарманд қосиб оиласида дунёга келади. Кембридж университетиде ўқиб бокалавр ва магистр дипломларига эга бўлади. У даврининг "университет ақли" тоифасига мансуб зиёлиларидан эди. Марло қаламига мансуб "Буюк Темур" (Tamburlaine the Great, 1587-1588) "Доктор Фаустнинг фожеавий тарихи" (The Tragical History of Dr. Faustus, 1589) ва "Малталик яхудий" (The Famous Tragedy of the Jew of Malta, 1590) трагедиялари инглиз адабиётида ренессанс драматургияси ва театр санъатига асос солди.

Марло ўзининг "Буюк Темур" фожеасида шарқнинг буюк саркардаси соҳибқирол Амир Темур образини яратади. Асарда соҳибқирон Темур жисмонан бақувват ва собит ҳукмдор, ренессанс ғояларини ўзида мужассам этган фалсафана фикрловчи шахс. У ўзини худонинг ерда адалат ўрнатувчи

вакили, “жазо қиличи” деб ҳис этади. Хуллас, оддий халқ орасидан чиққан “чўпон йигит” ўз ақл-идроки билан халқларни бирлаштириб, қудратли империя яратади, зафарли урушлар олиб боради, қон тўкиб бўлсада ўз ниятига эришади.

"Доктор Фаустнинг фожеавий тарихи" трагедиясида муаллиф немис халқ эпоси "Фауст" китоби мазмунини қайта ишлайди. Фожеа марказида олим Иоганн Фауст образи ва унинг халқчиллик ғоялари туради. Фауст ўз илми ва тажрибаларини халқнинг фарован турмуш кечиришига бахшида этади. Унинг нияти мислсиз бойлик орттириб оддий одамлар ҳаётини яхшиламоқ, дунёнинг сиру-асрорларини ўрганиб, унинг устидан ҳукмронлик қилмоқ экан, кези келганда бу йўлда ўз руҳи (жон)ни иблис Мефистофелга гаровга топширади, дўзах соҳиблари Люцифер ва Велзевул билан битим ҳам тузади. Натижада йигирма тўрт йил иблис Мефистофел кўмагида қудратли шахс, улуғ кохинга айланади, катта бойлик ва шон-шуҳрат соҳиби бўлади. Ва ниҳоят, шартномани бузган Фауст у дунёнинг дўзахида азоб-укубатга маҳкум қилинади. Адиб ўз асарида инсон куч-қудрати чекланган бўлсада, аммо улуғ ишларни бажаришга қодир эканлигини гуманизм ғоялари замирида таърифлаб беради.

"Малталиқ яхудий" трагедиясида Марло италян гуманисти Макиавелли ғояларига таассуб қилиб, шахснинг сиёсий дунёқараши, унинг қайси динга мансублиги билан белгиланмайди, балки ундаги шаклланган маънавий қиёфа ва жамиятга муносабати ҳосиласи тарзида шаклланади, деган ақидани олдинга суради. Фожеадаги ёхудий Варрава шундай қиёфадаги шахсдир. Варрава образи кейинчалик Шекспирнинг "Венециялик савдогар" комедиясидаги ишбилармон Шейлок қиёфасида янада такомиллашганини кузатамиз.

Макиавелли гуманизми таълимоти Марлонинг "Эдуард II" (The Troublesome Reigne and Lamentable Death of Edward the Second) драмасида яққол кўзга ташланади. Асардаги лорд Мортимер бор куч-ғайратини Англияни бошқаришга, қиролга яқин шахс бўлишга қаратади. У ўз урунишлари билан ёш қирол Эдуард III нинг регенти лавозимини эгаллайди. Бироқ отаси Эдуард II га қараганда дадил, мустақил фикрга эга бўлган ёш қирол икки юзламачи регент Мортимерни фош этади ва қатл

килади. Унинг ҳамтавоғи бўлмиш ўз онаси киролича Изабеллани Тауэр қамоқхонасига йўллайди. Мортимер образи Шекспирнинг "Ричард III" пьесасидаги қирол Ричард киёфасида янада такомиллашганини кўрамиз.

Марло ижоди инглиз адабиётининг кейинги тараққиётига, театр санъатининг такомиллашувига, қолаверса Шекспир драматургиясининг шаклланишида муҳим омил бўлди.

Марло асарлари нашрлари:

The complete works: In 2 vol. / Ed. by Fredson Bowers. –London; New York: Cambridge univ. press., 1973.

Сочинения /Вступ статья и коммент. А.Парфенова. - М.: Гослитиздат, 1961.-660 с.

Марло ҳақида:

Kholl R.E. Christopher Marlowe. – New York: Twayne, 1969. – 160 p.

Кристофер Марло//Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М.: Высш. школа, 1982, с. 40-45.

Холбеков М. Марло ва Шекспир. Икки тақдир ҳиқояти. // Шарк юлдузи, 2008, 1 – сон

Уильям Шекспир (William Shakespeare. 1564-1616)

Уильям Шекспир ижоди инглиз ва жаҳон драматургияси ҳамда театр санъати шохсупасидан ўрин олгандир. Адиб асарлари таржима қилинмаган дунёда биронта тил, саҳналаштирилмаган биронта театр бўлмаса керак.

Шекспир Англиянинг Стрэтфорд шаҳарчасида қўлқопфуруш қосиб оиласида таваллуд топди. Дастлаб маҳаллий грамматика мактабида саводини чиқаради. Бироқ мактабни тугатмасдан, отаси ёнида ишлай бошлайди. Ўн саккиз ёшида қўшни фермер қизи Анна Хэтуэйга уйланади, уч фарзанд кўради. 1587 йил Шекспир иш ахтариб Лондонга келади. Дастлаб Лондон театрларида кичик ролларда иштирок этади. 1593 йилдан Бербедж театр да актёр, драматург ва пайчи бўлиб фаолият кўрсатади.

Шекспир ўзининг биринчи асари "Венера ва Адонис" (Venus and Adonis. 1593) поэмасини саройда обрӯ-эътиборли бўлган граф Саутгемптонга бағишлаб катта шуҳрат қозонади ва графнинг ҳамийлигига мушарраф бўлади. Шундан сўнг у

Ўзининг қатор комедия ва фожеаларини, поэма ва сонетларини ёзади. Адиб ўз ижоди давомида икки поэма, ўттиз еттита пьеса ва 154 та сонетдан иборат шеърий тўпламини ёзиб қолдирди. У 1616 йилнинг 23 апрелида туғилиб ўсган шахри Стрэтфордда вафот этади.

Олимлар Шекспир ижодини уч даврга бўлиб ўрганадилар. Биринчи давр 1591-1601 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда адиб "Венера ва Адонис", "Лукреция" (Lucrece, 1594) поэмаларини, "Ҳенрих VIII" (The Famous History of the Life of King Henry VIII, 1613) тарихий хроникасини, "Тит Андроник" (Titus Andronicus, 1594), "Ромео ва Жулетта" (Romeo and Juliet, 1595), "Юлий Цезарь" (Julius Caesar, 1599) трагедияларини, "Қийиқ қизнинг қуйилиши" (The Taming of the Shrew, 1594) "Икки Вероналик" (The Two Gentlemen of Verona, 1594-1595), "Ёз тунидаги туш" (A Midsummer Night's Dream, 1594-1595), "Венециялик савдогар" (The Merchant of Venice, 1595), "Ҳеч нарсадан бир талай ғавфо" (Much Ado about Nothing, 1598-1599), "Ўн иккинчи кеча" (Twelfth Night; or What You Will, 1600) каби қатор комедияларини ёзди.

Шекспир ўз ижодининг иккинчи даврида (1601-1608) машҳур трагик асарларидан "Ҳамлет" (Hamlet Prince of Denmark, 1600-1601), "Отелло" (Othello the Moor of Venice, 1604), "Қирол Лир" (King Lear, 1605-1606), "Макбет" (Macbeth, 1606), "Афиналик Тимон" (Timon of Athens, 1608) ни яратди.

Шекспир ижонинг учунчи даври 1608-1612 йилларга тўғри келади. Бу даврда адиб ўзининг "Перикл" (Periclus, 1608-1609), "Цимбелин" (Cymbeline, 1609), "Қиш эртаги" (The Winter's Tale, 1610), "Бўрон" (The Tempest, 1661) трагикомедияларини ёзди. Шунингдек Шекспир ижодининг турли даврларида "Ҳенрих VI" (King Henry VI), "Ричард III" (King Richard III), "Ричард II" (King Richard II), "Ҳенрих IV" (King Henry IV), "Ҳенрих V" (King Henry V) номли тарихий хроникаларини ҳам яратди.

Шекспир қаламига мансуб сонетлар ҳам инглиз ренессанс шеъриятининг гултожи ҳисобланади. 1609 йил илк нашр қилинган "Сонетлар" ("Sonnets") китобида муаллиф лирик қаҳрамон яъни ўзининг келишган дўстига садоқатини ва қора соч, буғдойранг юз хоним (The Dark Lady) га мухаббатини

ошкора баён айлайди. Қизиғи шундаки "Сонетлар" китобининг титул варағида "Ушбу сонетларнинг ёзилиши" (begetter) га асосий сабабчи бўлган сирли дўстим жаноб W.N. га бахт-саодат ва узоқ умр тилайман", деган бағишловнинг ечими устида шекспиршунос олимлар то ҳозирга қадар бош қотириб келадилар. Шоирнинг сир тутган садоқатли дўсти ким бўлгану, таъриф қилинган маҳбубаси "қорасоч, буғдойранг хоним" ким эди. Дарвоқе, Шекспир сонетлари ҳақида юзлаб мақола ва тадқиқотлар яратилган, Гёте, Вордсворд, Оскар Уайлд каби сўз усталари уларни таҳлил қилганлар. Бироқ улардан биронтаси ҳам шоир пинхон тутган қадрдон дўсти W.N. нинг, ёхуд кўнгли мойил бўлган "қорасоч, буғдойранг хоним" нинг асл исму-шарифини очиқ айтолмаган.

Шекспир ўзининг тарихий хроникаларида ўтмишдаги воқеаларга кўпроқ бадий тус бериб, улар орқали ўзи яшаётган замонага мурожаат қилди. Хроникалардаги қироллар ва улар саройида кечган тарихий воқеалар марказида адиб яшаган жамиятнинг сиёсий тузими ва ижтимоий ҳаёти ўз ифодасини топганини кузатамиз. Шекспир тарихий хроникаларига мазмунни тарихчи Р.Холинshedнинг "Англия, Шотландия ва Ирландия тарихи" (Holinshed R. Chronicles of England, Ireland and Scotland) китобидан олади. Хроникаларни ёзишга Шекспир яшаётган давр сиёсати яъни Англияда қудратли қирол ҳокимиятини ўрнатиш, ягона инглиз миллатининг шухратини ошириш иштиёқи авж олган, қиролича Елизавета монархияси Европа иқлимида ўз мавқеини ошираётган палла туртки бўлган эди. Шу боис хроникаларда ўрта аср Англиясида яшаган йирик феодаллар, довюрак рицарлар ва оддий халқ орасидан чиққан қаҳрамонлар образи баббаробар кўтаринки руҳда талқин этилади.

Шекспир комедиялари қаҳрамонлари эса ҳаётга завқ-шавқ билан боқувчи, табиатан хушчақчоқ, ишбилармон ва ўз тақдири учун курашувчи, бахт-саодатга интилувчи кишилардир. Адиб ўз комедиялари мазмунини қадим юнон ва рим адабиётидаги машҳур асарлардан, итальян ва испан ёзувчилари ижодидан олади. Улар мазмунига бадий баркамоллик ва замонавий руҳни сингдиради. Хуллас, Шекспир пьесаларининг бош қаҳрамонлари удабурро граф

Фалстаф, судхур Шейлок, судья Шеллоу кабилар бадий адабиётда кўчиб юрувчи комик персонажларга айланиб қолди.

Шекспир ўз трагедиялари сюжетини ҳам олдин яратилган тарихий ва бадий китоблар мазмунидан олади. Масалан, машхур "Ҳамлет" фожеасининг сюжетини Саксон Грамматикнинг "Данияликлар тарихи" ва Томас Киднинг "Испан фожеаси" трагедияси мазмунидан ўзлаштирган бўлса, "Юлий Цезарь" фожеаси сюжетини Плутархнинг "Қўшалок таржимой ҳоллар" китобидан, "Ромео ва Жульетта" мазмунини Артур Брукнинг "Ромео ва Жульетта" номли китобидан олади. Ёки "Отелло" трагедияси сюжетини италиялик Жералда Чинтионинг "Венециялик мавр" новелласи мазмунидан олгани маълум. Трагедияларда воқелик тарихнинг узок даврларидан олинсада, муаллиф уларни ўзи яшаётган даврдаги конфликтларга яқинлаштириб тасвирлади, улар мазмунига ренессанс гуманизми ғояларини сингдирди. Хулоса қилиб айтганда Шекспир асарларининг замонавийлиги ва халқчиллиги ҳам мана шунда. Энг мухими, Шекспир асарларининг тили халқ тилига яқин, образли ибораларга бой, айна пайтда содда ва лондонликлар шевасини ўзида акс эттириб туради. Шунингдек, драмалардаги персонажлар нутқи индивидуал характерга эга бўлиб, ўзига хос образлилик касб этади.

Шекспир асарлари ўтган асрнинг 30-йилларидан ўзбек тилига таржима қилина бошланди Чўлпон. Ғ.Ғулом, М.Шайхзода, Уйғун, Т.Тўла, А.Мухтор, Ю.Шомансур, Ж.Камол каби таниқли адиблар Шекспир ижодидан таржима қилиш билан машғул бўлдилар. 1981-1985 йиллар Шекспир асарларининг беш жилдлиги, 1991 йил бир жилдлиги ва 2007-2008 йилларда уч жилдлиги чоп қилинди. Аброр Ҳидоятлов, Олим Хўжаев, Наби Рахимов, Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева, Тўлқин Тожиев, Турғун Азизов, Ёкуб Ахмедов, Ойдин Норбоева каби етук санъаткорлар ўзбек сахнасида Шекспир қахрамонлари образини яратдилар.

Шекспир асарлари нашри:

The complete works /Ed with introd and glossary by P.Alexander. -
А

new ed.- London: Glasgow: The Englisht lang. book soc. and Collins, 1964.- XXXII. 1376 p.

The complete works. Compact edition. General Editors St Wells and G.Taylor. With Introduction by St. Wells. - Clarendon Presse, 1998. -1274 p.

Полное собрание сочинений. В 8-ми томах / Под общ ред. А.Смирнова и А. Аникста - М.: Искусство, 1957-1960.

Трагедии; Сонеты /Вступ. статья А. Аникста. -М.: Худож. лит, 1968-791 с.(Б-ка всемирной лит).

Пьесалар. - Тошкент: Ўзадабийнашр, 1960. - 755 бет.

Тангланган асарлар. Беш жилдлик. Тўпловчи Жамол Камол. Сўз боши муаллифи В.Зохидов.- Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 -1985.

Сонетлар. Русчадан Ю.Шомансур таржимаси. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

Отелло: Трагедиялар. Инглизчадан Жамол Камол таржималари. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. - 784 бет.

Сайланма. 3 жиддлик. Сўз боши муаллифи И.Хаққул: Инглизчадан Ж. Камол таржимаси. -Тошкент: Фан, 2007 - 2008.

Сонетлар. Инглизчадан Ж.Камол таржимаси - Тошкент: Victor - Press, 2009. - 154 бет.

Шекспир хақида:

Arthos T. The art of Shakespeare. – London: Bowes a Bowes, 1964. -198p.

Holliday F.E. The life of Shakespeare. – London: Duckworth, 1961- X 248p.

Schoenbaum S. William Shakespeare: A documentary life. – O ford: The Clarendon press, 1975-XVIII. 273 p.

Аникст А. Шекспир. – М.: Мол.гвардия, 1964. – 367 с.

Морозов М.М. Статья о Шекспире. – М.: Худож. Лит., 1964. – 311 с.

Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. –Тошкент: Фан, 1978. -152 б.

Холбеков М.Уильям Шекспир. Рисола. – Жиззах: ЖДПИ, 2007 -60 б.

Хаққулов И. Шекспир маъшали // Тафаккур, 2008,1 – сон.

Холбеков М. Марло ва Шекспир. Икки тақдир ҳикояти. // Шарқ юлдузи, 2008,1 –сон.

Холбеков М. Шекспир бепоён... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009, 27 февраль.

Холбеков М. Шекспирнинг хуштаб сонетлари. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2009, 10 июль.

Умарова М. Тарихий драмада бадиий вақт: Шекспир ва Фитрат. – Тошкент: 2013. 129 бет.

Бен Жонсон (Benjamin Jonson. 1573-1637)

Бен Жонсон ижоди инглиз ренессанс даври драматургиясининг сўнги бўғинини ташкил қилади. Антик давр цивилизацияси ва адабиётининг билимдони бўлган адиб, ўзига замондош қаламқашлар орасида катта ҳурмат-эътиборга молик бўлган.

Бен Жонсон адабиётга "хулқ-атвор комедияси" устаси сифатида кириб келди. Бен Жонсон қаламига мансуб романтик саргузаштлар ва тарихий воқеалар бирмунча сатирик талқинда биринчи ўринга олиб чиқилган эди. Айниқса адиб асарлари мазмунида "юмор" ибораси ва юмористик кайфият сахнада ўзининг ҳақиқий ифодасини топади. Юмористик мазмундаги асар руҳини Бен Жонсон ўзининг "Ҳамма нарса феълингга яраша" (Every Man in His Humour, 1598) ва "Ҳамма нарса феълингдандир" (Every Man out of His Humour, 1599) комедияларида тавсиф этиб беради. Бу асарлар мазмунида "юмор" ва юмористик кайфият том маънода ижобий хислатга молик тарзда намоён бўлади.

"Вольпоне" (Volpone, or the Fox, 1605) комедиясида ёзувчи шаклланиб келаётган буржуа тузуми ва унда катта мавқега эга бўлган олтин ҳукмронлигини кескин танқид остига олади. Комедиядаги персонажларнинг исми-шарифи кўчма маъно касб этиб, ҳар бири уларнинг феъл-атвориغا яраша номланади. Масалан, Вольпоне-қари тулки, Моска - ифлос чивин, Волторе-бургут, Корбаччо-кекса карға, Корвино-карғача қиёфасида ҳаракат қиладилар. Вольпоне бой-бадавлат бўлишига қарамасдан ҳаётда ўта очкўз, нафс балосига грифтор буржуй, ўзгаларни камситиш ва уларни масхара қилишдан завқ олувчи бадфеъл шахс. Бонарио ва Челия ҳақгўй, тўғри сўз кишилар бўлсада, Вольпоненинг хийла-найранглари олдида ожиздирлар. Пьеса сўнгида Вольпоненинг кирдикорларини

фақат Венеция сенати фош қила олади. Шу бонс "Вольпоне" комедиясида классицизм адабиёти анъаналари илк бор ўз кўринишига эга бўлганини кузатамиз.

Бен Жонсоннинг 1614 йилда ёзилган "Барфоломей ярмаркаси" (The Bartholomew Fair) драмасидаги воқеалар Лондонда содир бўлиб ўтади. Унда шаҳар ярмаркаси ўз замонасида буржуа жаллоблари ва лаганбардорларининг хийланайранглари амалга оширувчи бозор эканлиги танқид қилинади. Ярмаркада жамиятнинг турли табақага мансуб амалдорлари лоф урадилар, қонунбузарлик қиладилар.

Бен Жонсон ўзининг сатирик комедиялари билан бирга, қатор трагедияларини ҳам яратди. Улардан "Сеяннинг мағлубияти" (Sejanus: His Fall, 1603), "Катилинанинг фитнаси" (Catiline, His Conspiracy, 1611) каби фожеалари машҳурдир.

Бен Жонсон ижоди ренессанс давридан классицизмга ўтиш даври инглиз адабиётида муҳим ўрин тутди. Адиб мероси кейинчалик Филдинг, Смоллет, Диккенс, Теккерей каби инглиз ёзувчилари ижодига сезиларли таъсир кўрсатди.

Бен Жонсон асарлари нашрлари:

Ben Jonson: The Works In 5 vol /Ed. by C.H. Herford and P. Simpson. - Oxford: Clarendon press, 1954.

Volpone, or the Fox. - Cambridge: Univ. tutorial press., 1951. - XIX 196 p.

Пьесы /Ред. и вступ. статья А.Смирнова - Л.: М: Искусство, 1960. - 750 с. (Б-ка драматурга).

Бен Жонсон ҳақида

Knoll R.E. Ben Jonson's plays: An introduction. - Lincoln: Univ. of Nebraska press., 1964. - XVII. 206 p.

Smith G. Ben Jonson. - London: Macmillan, 1926. - VI. 310 p.

Ромм АС. Бен Жонсон. 1573-1637.- Л.; М.: Искусство, 1958-124 с.

Аникин Г.В., Михальская Н.Л. История английской литературы -М.. Высш. школа, 1982, с.90-93.

Жон Мильтон (John Milton. 1608-1671)

Жон Мильтон XVII аср инглиз биржуа инқилоби воқеаларини ва бу даврда яшаган инглиз халқи руҳиятини ўз асарларида тараннум этган машҳур шоирдир. Мильтон шоир,

публицист ва жамоат арбоби сифатида ренессанс гуманизми таъсирида шаклланди ва даврининг инқилобий курашлари исканжасида ижод қилди.

Мильтон Лондонда нотариус оиласида таваллуд топади. Кембридж университетида ўқийди. 1632 йили магистр унвонини олган ёш Мильтон Франция, сўнгра Италия бўйлаб сафар қилади. Англияга қайтгач у пуританлар инқилобий ҳаракатида фаол иштирок этади. Ижодининг биринчи даврида шоир бир қатор инқилобий ғояларни тарғиб қилувчи поэма ва шеърларини ёзади. 1640-1650 йилларда Мильтон шоир-пуритан сифатида эл орасида танилади, ўз сонетларини яратади, республикани ҳимоя қилиб памфлетлар ёзади. Шоир Кромвел хоқимиятида маслаҳатчи ва котиб вазифаларини бажаради. Қирол Карл I нинг қатл қилинишини "Инглиз халқи нинг ҳимояси" (*Pro Populo Anglicano Defensio*, 1650) мамфлетида ёқлаб чиқади. "Генерал лорд Кромвелга" (*To the Lord General Cromwell*, 1652) сонетида эса республикачи Кромвелни олқишлайди.

Республиканинг мағлуб бўлиши ва қирол хоқимиятининг қайта тикланиши Мильтон ҳаётида оғир кечди. У ўлим жазосидан қочиб қутилсада, бор мулкидан ажралиб, умрининг сўнгги йилларини фақат ижодга бағишлайди.

Милтон ижодининг юқори чўққиси, унинг "Йўқотилган жаннат" (*Paradise Lost*, 1667) ва "Қайтарилган жаннат" (*Paradise Regained*, 1671) поэмалари ҳамда "Самсон курашчи" (*Samson Agonistes*, 1671) драматик достонидир. "Йўқотилган жаннат" поэмаси оқ шеърда ёзилган бўлиб, ўн икки китобдан иборат. Унда "Библия"даги ривоятлар билан боғлиқ воқеалар тасвирланади. Худонинг ғазабига учраган Шайтон осмон ҳукмронлигидан қувилади. Қувилсада у ўзини мағлуб ҳисобламайди, балки ўз тарафдорларини тўплаб енгилмас куч-қудратга эга бўлгач. Худога қарши кураш олиб боради. У жаннатга ўғринча кириб, Оллохнинг суюкли бандалари Одам Ота ва Момо Ҳавони йўлдан уради, уларнинг жаннатдан қувилишига сабабчи бўлади. Аммо, Ерга қувилган Одам Ота ва Момо Ҳаво меҳнатда ўз бахтларини топадилар, уларнинг ёрқин турмуши муаллиф томонидан лирик ва романтик кайфиятдаги

монологларда ўз ифодасини топади. Асардаги бош ғоя инқилобий ҳаракат ва Республика ғалабасини ёқлаб чиқиш эди.

"Қайтарилган жаннат"да шоир бош қахрамон қилиб Исо Масеҳ образини яратади. Исо пайғамбарнинг дунёга келиши билан Иблис ҳаракатларига чек қўйилгани, халқнинг яратган эгамга содиқлиги ва унга ҳам ҳамду санолар айтиши бош мавзу сифатида тасвирланади.

Мильтон ўзининг сўнгги асари "Самсон курашчи" драматик поэмаси (A Dramatic Poem) да яна инқилобий ғояларни мадқ этишга қайтади. Асарда Самсон курашувчи шахс, у ўз кучу-қудратини ерда якка ҳукмронлик қилишга интилган қирол ва монарх тузумига қарши курашга бағишлайди. У реставрация тузумига қарши туради.

Мильтон мероси кейинчалик XIX аср романтизм шоирлари, хусусан Байрон ва Шелли ижодига катта таъсир кўрсатди.

Мильтон асарлари нашри:

The works: In 22 vol. - New York: Columbia univer. press., 1931. - 1940. с.

Paradise lost / Ed. by E. Prince. - London: Oxford univer press., 1962. -XXII. 174 p.

Потерянный рай; Стихотворения; Самсон - борец / Пер А. Штейнберга. Под ред. С.Шервинского; Вступ. статья А.Аникста - М: Худож. лит., 1976. - 572 с.(Б-ка всемирной лит.).

Мильтон ҳақида:

Macauley R. Milton. - London: Duckworth, 1934. - 141p.

Самарин Р.М. Творчество Джона Мильтона. - М.: Изд-во МГУ, 1964. -548 с.

Жон Мильтон // Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М.: Высш. Школа, 1982, с. 98 -104.

Дўстмуҳаммад Х. Жон Мильтон ва Абдулла Қодирий // Жаҳон адабиёти, 2012, 6-сон.

Даниел Дефо (Daniel Defoe. 1660-1731)

Даниел Дефо XVIII аср инглиз маърифат адабиётининг тўнғич вакили, реалистик роман жанрининг асосчисидир. Дефо ижодида роман жанрининг саргузашт, тарихий, автобиографик

кўринишлари майдонга келди Шунингдек Дефо романларида турмушнинг ижтимоий-социал кўринишлари, шахснинг камолатида атроф-муҳит ва табиатнинг таъсири ўз бадий ифодасини топди.

Дефо Лондонда фабрикант-комерсант оиласида дунёга келади. Ёшлигидан пуритан инқилоби ғоялари таъсирида тарбия кўрди. Унинг орзуси халқни ўқимишли қилиш билан барча фуқаролар тенг ҳуқуқли бўлган одил манарх тузумини кўриш эди. Айниқса ёзувчининг илк трактат ва памфлетларида хотин-қизлар эркинлиги, уларнинг жамиятда тенг ҳуқуқли бўлишлари каби ғоялар тараннум этилади.

Даниел Дефога шуҳрат келтирган шоҳ асари, унинг эллик тўққиз ёшида эълон қилган "Робинзон Крузо" (The Life and Strange Surprising Adventures of Robinson Crusoe, 1719) романи бўлди. Романнинг иккинчи китоби 1720 йил, учунчи китоби эса 1721 йилда нашр қилинди. Асарнинг ёзилишига туртки бўлган асосий манба 1713 йил Стил исмли журналист эълон қилган "Александр Селькиркнинг тарихи" номли очерки эди. "Англичанин" журналида босилган бу очеркда матрос Селькиркнинг кимсасиз Хуан Фернандес оралида тўрт йилу тўрт ой ёлғиз умргузаронлик қилгани ҳикоя этилганди. Очеркдаги воқеага романтик тус ва маърифий эътиқод руҳини сингдираркан, Дефо ўз қаҳрамони Робинзонни ҳар қандай оғир дамларда ҳам тушкунликка тушмовчи, яшаш учун курашувчи, руҳан кучли, ақл-фаросатли шахс тарзида тасвирлайди. Дефонинг Робинзон Крузоси кимсасиз оралда йигирма саккиз йил ёлғиз яшади. У асарда янги замон кишиси, маърифат асрининг фарзанди сифатида гавдаланади. Робинзон Крузонинг кейинги ҳаёти ва саргузаштларига бағишланган романнинг иккинчи ва учунчи китоблари биринчисидек шуҳрат қазона олмади.

Даниел Дефо ижодининг сўнгги йилларида "Робинзон Крузо"га ҳамоҳанг "Молл Флендерс" (The Fortunes and Misfortunes of the Famous Moll Flanders, 1722), "Полковник Жек" (Colonel Jacque, 1722), "Роксана хоним" (Lady Roxana, 1724), "Капитан Сингльтон" (Captain Singleton, 1720) каби саргузашт романларини ҳам ёзди.

Даниел Дефонинг "Робинзон Крузо" романи жаҳон адабиётининг шоҳ асарларидан бирига айланган бўлиб, ўзбек тилига ҳам бир неча бор таржима қилинган.

Даниел Дефо асарлари нашри:

The novels and miscellaneous works: In 7 vol. - Oxford: Falboys, 1940.

Robinson Crusoe / Introd. by G.Росock. - London: Dent, 1956 - XV, 432 p.

Избранное /Под общ. ред. и послесл. М.Урнова. - М.: Правда, 1971.-511 с.

Робинзон Крузо;История полковника Джека. Вступ. статья М. и Д Урновых. - М.: Худож. лит, 1974 - 258 с. (Б-ка всемирной лит.)

Робинзон Крузо. Роман. Русч. Ю.Шамшаров таржимаси - Тошкент: Ёш гвардия, 1965 - 304 бет.

Даниел Дефо хақида:

Daniel Defoe: A collection of critical essays /Ed. By M. Byrd. – Englewood Cliffs: Prentice – Hall, 1976 – VIII. 177 p.

Watson F. Daniel Defoe. – London: Longmans, Green, 1952. – VII. 240 p.

Урнов Д.М. Робинзон и Гулливер: Судьба двух литературных героев. – М.: Наука, 1973. – 87 с.

Даниель Дефо // Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы – М. Высш. Школа, 1982, с. 122 – 129.

Даниель Дефо // Каюмов О, Азизов К. Чет эл адабиёти тарихи. XVII – XX асрлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 6- 12 бетлар.

Даниел Дефо // Холбеков М. Чет эл адабиёти классиклари.

Қўлланма. – Самарканд: СамДУ нашри, 1993,20-22 бетлар.

Жонатан Свифт (Jonathan Swift 1667-1745)

XVIII аср инглиз сатирик прозаси устаси, маърифат адабиётида инқиризга юз тутаётган феодал тузуми саркитларини ва янги буржуа муносабатларида юз бераётган ноқобил ҳолатларни аёвсиз фош этган ёзувчи. Свифт ўз асарларида Англиянинг ташқи сиёсатида майдонга келаётган мустамлакачилик ҳаракатини, давлат тузумидаги парламент сиёсатини ва диний ақидапарасатликни сатира остига олди.

Жонатон Свифт Ирландиянинг пойтахти Дублинда рухоний оиласида дунёга келади. Дублин университетининг теология факультетини тугатади. Свифт мартабали зот жаноб Темилнинг шахсий котиби лавозимида узоқ йиллар фаолият кўрсатади. У Темилнинг жияни Эстер Жонсонга муаллимлик қилади ва кейин унга ўйланади.

Свифт ижоди 1690-йилларда бошланган бўлсада, унинг машҳур асарлари кейинрок нашр қилинди. 1704 йил адибнинг "Китоблар жанги" (The Battle of the Books) ва "Бочка эртаги" (A Tale of a Tub) китоблари босилиб чиқади. Иккинчи китоби Свифтга шуҳрат келтирди. Китобдан ўрин олган памфлетларида диний удум ва ақидалар сатира остига олинади. Памфлетлар мазмунида христиан динининг уч мазҳабини қабул қилишган ака-ука Петр (католик) Мартин (лютеран) ва Жек (протестант)нинг ҳаётий кечинмалари тасвирланади.

Жонатан Свифтга машҳур сатирик асари- "Гулливернинг саёхатлари" (Travels into Several Remote Nations of the World, by Lemuel Gulliver, first a Surgeon and then a Captain of several Ships, 1726) романи жаҳоний шуҳрат келтирди. Роман қаҳрамони Гулливер бир қатор афсонавий мамлакатлар- Лилипутияга, Глаббдабдрибга ҳамда Бробдингнегга саёхат қилади. Қаҳрамон ўз саёхати давомида учратган ғайри-табiiй воқеалар, афсонавий образлар, ёзувчи фантазияси билан яратилган хилма-хил манзараларнинг барчаси даврини реалистик мазмунда чуқур тасвирлаш учун хизмат қилади. Свифт сатирасининг кучи ҳам, у яратган романнинг оламшумул мувафаққияти боиси ҳам шундадир.

"Гулливернинг саёхатлари" романи тўрт қисмдан иборат. Тўрттала қисмда ҳам Гулливер образи марказий ўринда туради. У даврининг ўқимишли, маърифатли кишиси бўлиш билан бирга, замонасидаги софдил, инсонпарвар ва ҳақгўй одамлар тимсолидир. Гулливер ҳамма ерда инсоф ва адолат юзасидан иш кўради, фикр юритади. У ўзининг камтарлиги ва самиймийлиги билан ўқувчининг муҳаббатини қозонади.

"Гулливернинг саёхатлари" романи ўзининг юксак бадийлиги, танқидий йўналиши билан ҳам жаҳон адабиётининг энг сара асарлари қаторидан ўрин олган. Роман ўзбек тилига ҳам бир неча бор таржима қилиниб, чоп этилган.

Свифт асарлари нашрлари:

Selected prose works / Ed. and with introd. by J.Hayward. - London: Gressnet, 1949. - XVIII. 482 p.

Gulliver's travels-London: Collins, 1955-208 p.

Путешествия Гулливера; Сказка бочки / Пер. под ред. А.Франковского. Вступ. статья А.Ингера. -М.: Худож. лит, 1976-429 с. (Б-ка всемирной лит)

Гулливернинг саёхатлари. Роман Русч. С. Йўлдошев таржимаси -Тошкент: Ёш гвардия, 1974 -296 бет.

Свифт хақида:

Jefferes A.N. Jonathan Swift - Harlow: Essex: Longman group, 1976. -56 p.

Муравьев В.С. Джонатан Свифт - М.: Просвещение, 1968 - 304 с. Джонатан Свифт. 1667-1745 //Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. -М.: Высш. школа, 1982, с. 130 -142.

Джонатан Свифт. 1667-1745 // Азизов К, Қоюмов О.Чет эл адабиёти тарихи. XVIII - XX асрлар -Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 17-21 бетлар.

Жонатан Свифт 1667-1745 // Холбеков М. Чет эл адабиёти классиклари. Ўқув қўлланма - Самарканд: СамДУ нашри, 1993, 22-24 бетлар.

Хенри Филдинг (Henry Fielding. 1707-1754)

Хенри Филдинг инглиз маърифат адабиётининг юксалган даврига мансуб романист, драматург ва публицистдир. Адиб асарларида илк маротаба ҳаётий-саргузашт воқеалар оила, жамият ва маиший ҳаёт мавзуси билан вобаста талқин қилинади.

Филдинг камбағаллашган аристократ оиласида дунёга келди. Голландиядаги машхур Лейден университетига ўқишга киради. Бироқ уни тугатмасдан Англияга қайтиб, бадий ижод билан шуғуллана бошлайди. Филдинг ижодининг биринчи даври (1728-1737 йиллар) драматургия ва театр билан боғлиқ бўлиб, бу даврда у ўзининг "Турли ниқоблардаги севги" (Love in Several Masques, 1728), "Кафедаги сиёсат" (The Coffee-Hous Politician, 1730), "Дон Кихот Англияда" (Don Quixote in England, 1734) "1736 йилнинг тарихий календари" (The

Historical Register for the Year, 1736) каби қатор сатирик драма ва комедияларини яратди. Адибнинг 1732 йилда эълон қилинган "Ковент Гарден фожеаси" (The Co vent Garden Tragedy, 1732) пьесаси даврининг реалистик драмаси саналиб, уни ёзишда муаллиф XVII аср француз драматурги Мольер анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилади

Шунингдек, Филдинг ўзининг комик проза жанридаги "Жозеф Эндрюс" (The History of the Adventures of Joseph Andrews and His Friend Mr. Abraham Adams 1742) номли биринчи романини эълон қиларкан, унда адиб турли табақа ва қатламга мансуб замондошлари образи галереясини яратди. Ўқувчи улар орасида бетамиз ҳаёт кечираётган леди Буби, беқарор пастор Траллибер, иккиюзламачи адвокат Скаут, порахўр судья Фролик қабилар билан учрашади. Шунинг билан бирга романдаги Жозеф, пастор Адамс ва Фанни характеридаги олийжаноблик фазилатлар миллат ифтихори тарзида талқин қилинади. Айниқса ёш йигит Адамснинг ғайри-табиий қиёфаси ва характерининг ёзувчи қаламидаги моҳирона тасвири кейинчалик Смоллет, Голдсмит ва Диккенс каби инглиз романистлари ижодига катта таъсир кўрсатди. Филдингнинг ўзи ҳам кейинги "Топиндик Том Жонс тарихи" (The History of Tom Jones, a Foundling, 1749) ва "Амелия" (Amelia, 1752) романларида "Жозеф Эндрюс"даги реалистик тасвир услубини янада теранлаштиради.

Ёзувчи романларидаги ижобий қаҳрамонлар Том Жонс, Софья, Олверти қиёфасида одамийлик, севгига садоқат ва ростгўйлик ҳислатларини енгил комик кайфиятда тасвирласа, леди Белластин, лорд Фелламар, миссис Фицпатрик каби салбий образлар табиатидаги очкўзлик, бетамизлик, ифвогарлик ва қаллоблиқ аломатларини кескин сатира остига олади. Бу билан адиб жамиятдаги мавжуд адолатсизлик ва ноинсоний ҳислатлар устидан фақат одамийлик, олийжаноблик ва меҳроқибатлилик каби инсоний фазилатларгина ғалаба қилиши мумкин, деган маърифий ғояни илгари суради.

Филдинг асарлари нашри:

The complete works: In 16 vol. - London: Cape, 1967.

The history of Tom Jones, a Foundling / Intord. by A. Pryce - Jones. -London: Collins, 1956.- 793 p.

Избранные произведения: В 2-х томах /Всгуп. статья С. Мокульского. - М.: Гослитиздат, 1954.

История Тома Джонса, найденыша /Пер. и прим. А. Франковского - М.: Худож. Лит, 1973.-878 с. (Б-ка всемирной лит.).

Филдинг хақида:

Digeon A. The novels of Fielding. – New York: Russell., 1962, XV. 255 p.

Wright A. Henry Fielding: Mask and feast. – London: Chatto and Windus, 1965.-213 p.

Елистратова Ф. Фильдинг //Елистратова А. Английский роман эпохи Просвещения, - М., 1968, с. 215 – 270.

Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. –Высш.школа, 1982. – с. 142-153.

Тобайас Жорж Смоллет (Tobias George Smollett. 1721-1771)

Тобайас Жорж Смоллет Хенри Филдинг билан бир сафда инглиз маърифат адабиётида роман жанрини юксалтирган таниқли ёзувчидир. Машхур романист Вальтер Скотт таърифи билан айтганда "Филдинг ва Смоллет инглиз адабиётида роман жанрининг отаси" саналади.

Смоллет Шотландиянинг Думбартон вилоятида камбағаллашган дворян оиласида таваллуд топади. Глазго университетининг тиббиёт факультетини тугатиб, бадий ижод билан шуғуллана бошлайди. Адабиёт оламига у романист ёзувчи сифатида кириб келди.

1748-1769 йиллар орасида Смоллет ўзининг "Родерик Рэндомнинг саргузаштлари" (The Adventures of Roderick Random, 1748), "Пereгрин Пиклинг саргушатлари" (The Adventures of Peregrine Pickle, 1751), "Хемфри Клинкернинг саёҳати" (The Expedition of Humphrey Clinker, 1771), "Атомнинг тарихи ва саргузаштлари" (The History and Adventures of an Atom, 1769) номли сатирик мазмундаги саргузашт ва публицистик романларини ёзди.

Смоллетнинг бу романларида Филдинг романларидагидек саргузашт-плут проза жанри ўзининг юқори босқичига кўтарилди. Ўқувчи адибнинг ўз романларида жамиятда содир бўлаётган салбий воқеаларни қахрамонларининг кундалик

турмушидан, уларнинг саргузашт ва бачкана феъл-атворларидан келиб чиқишини тасвирлаётганини англаб олади. Масалан, "Родерик Рэндомнинг саргузаштлари" романи бош қаҳрамони ёш йигит Родер Рэндом асар мазмунида ўз ҳаётида кечган воқеаларни сўзлаб бериш билан ҳаётнинг зулмкорлиги ва одамларнинг эгоистликларини фош этади. Рэндом тарихи асарда кишиларнинг жамиятда турли ғализ йўллар билан ўз ўрниларини топишга, мансаб ва мартабаларга эришишга интилишлари билан вобаста таъриф-талқин этилади.

Смоллетнинг сўнгги "Хемфри Клинкернинг саёҳати" романи мазмунан ва ғоявий жиҳатдан маърифий реализм адабиётидан сентиментал адабиёт оқимида ўтиш даври прозасининг ёрқин наъмунасидир. Роман мазмунида саргузашт воқеалар таърифидан кўра кўпроқ қаҳрамонларнинг куйинишлари, жамиятта ачиниш билан ҳамдард қарашлари, ҳаётдан эзилиб яшашлари ҳаққоний талқин қилинади.

Смоллет асарлари нашри:

The complete works. - London: Bell a Daldy, n.d. - XL. 966 p.

The adventures of Peregrine Pickle: In 12 vol. /Introd. by W.Allen. - London: Dent, 1956.

The adventures of Roderick Random. - London: Hutchinson, n.d. - 519 p.

The expedition of Humphry Clinker. - London; Dent, 1943. IX, 372 p.

Путешествие Хамфри Клинкера. Роман - М: Худож. Лит., 1972. -(Б-ка всемирной лит.).

Приключения Перегринна Пикля /Пер А.Кривцовой и Е.Ланна. Предисл. А.Елистратовой.- М.: Гослитиздат, 1955.-720 с.

Приключения Родерика Рэндома /Пер и примеч. А.В. Кривцовой. Предисл. Р.М. Самарина - М.: Гослитиздат, 1949.- 552 p.

Смоллет ҳақида:

Bouce P.G. The novels of Tobias Smollett. - London: Longmans, Green, 1977. - 405 p.

Spector R.D. Tobias George Smollett - New York: Twayne, 1968. – 175 p.

Елистратова А. Ранний Смоллет. Поздний Смоллетт //Елистратова А. Английский роман эпохи Просвещения. - М.: 1968, с. 271-293; 361-397.

Тобайас Жорж Смоллет //Аникин Г.В. Михальская Н.П. История английской литературы. - М: Высш. школа, 1982, с. 153-157.

Оливер Голдсмит (Oliver Goldsmith. 1728-1771)

Оливер Голдсмит инглиз маърифат адабиётда шоир ва романист сифатида таниқлидир. У Ирландияда рухоний оиласида дунёга келди. Дублинда коллежни тугатгач, Эдинбург, Лондон ва Лейден университетларида маърузалар тинглади. Бўлажак адиб, моддий етишмовчилик туфайли университетни тугатмолмади. У Франция, Италия ва Германия бўйлаб пиёда саёхат қилади ва бу мамлакатлардаги ҳаёт ҳамда адабиёт билан яқиндан танишади.

Голдсмит ижодий фаолияти унинг "Ари" (The Bee) сатирик журналида ишлаган даврида бошланди. Илк бор у ўзининг "Кўнгилчан" (The Good –Natur'd Man, 1768) ва "Аёл мавҳ этмоқ учун хушомад қилади ёки хатолар кечаси" (She Stoops to Conquer, or the Mistakes of a Night, 1773) комедияларини ёзади. Адибга унинг "Саёхатчи" (The Traveller, or a Prospect of Society, 1764) поэмаси ва "Векфильдлик рухоний" (The Vicar of Wakefield, 1766) романи мувафаккият келтиради.

"Векфильдлик рухоний" асарида ёзувчи маърифат романи анъаналарини давом эттирар экан, унга янгича йўналиш - сентиментализм руҳини сингдирди, роман мазмунида маърифий реализм ақидалари шахсинг сентиментал руҳияти билан омукталаштирилган ҳолатда тасвир ва талқин қилинади. Роман қаҳрамони рухоний Примроз ҳаётда одамохун, олийжаноб, ишонувчан, меҳнаткаш ва ҳамиятли одам бўлсада ўз идеалларини ёлғон ва ёвузлик қаршисида ҳимоя қилишга ожиз шахс. Шу боис у товламачи сквайр Торнхиллнинг хийла-найранглари қурбони бўлади, мол-мулкидан айрилади. Шунга қарамасдан Примроз ва унинг оиласи шукр қилиб яшайди, камбағалликда бир бурда нонга қаноат ҳосил қилиб, умргузаронлик қилади.

Романда муаллиф "Бахт фақат инсоний мукамаллик ва олийжаноблик эвазига қўлга киритилмайди, балки инсоннинг бахтли бўлиши ҳаётда дадил ҳаракат қилиб ўз ўрнини топа билмоғидадир", деган ғояни олға суради. Шу боис роман финалида воқелик яхши томонга бурилади. Сквайр Торнхиллнинг набираси помешчик Уильям Торнхил бобосининг найранглари фаш этиб ҳақиқатни танлайди, руҳоний Примрознинг мол-мулкини ўзига қайтаради. Асарда олға сурилган демократик ғоялар ғалаба қилади, инсонийлик ёвузликни бартараф этади.

Голдсмит асарлари нашри:

Collected works: In 5 vol. /Ed. by Arthur Friedman. - Oxford: Clarendon press, 1966.

The vicar of Wakefield - London: Folio society, 1952. - 176 p.

Избранное. Стихи; Векфильдский священник /Предисл.

А.Ингера -М.: Худож лит., 1978. - 302 с.

Векфильдский священник. Пер. Т.Литвиновой // Смоллет Т. Путешествие Хамфри Клинкера; Голдсмит О. Векфильдский священник. - М.: 1972, с.379-541 (Б-ка всемирной лит).

Ночь ошибок: Комедия в 5-ти действиях - М.: Искусство, 1954. - 87 с.

Голдсмит ҳақида:

Genger I. The notable man: The life and times of Oliver Goldsmith. -London: Hamilton, 1977. -XV. 408 p.

Kirk C.M. Oliver Goldsmith. - New York: Twayne, 1967. - 2002 p.

Голдсмит. 1730-1774 // Елистратова А. Английский роман эпохи Просвещения - М., 1974, с. 294 - 323.

Голдсмит. 1730-1774 //Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы - М: Высш школа, 1982, с. 169 -171.

Лоренс Стерн (Laurence Sterne. 1713-1768)

Лоренс Стерн асарлари XVIII аср инглиз адабиётида сентиментал проза жанрини юксакликка кўтарди ва ўзидан кейинги романтизм ҳамда танқидий реализм прозасига замин яратди. Стернни замондошлари сентиментал-юмористик роман жанри устаси, файласуф адиб Вольтер бўлса "инглизларнинг Раблеси" деб баҳолаган эди.

Лоренс Стерн офицер оиласида таваллуд топади. Кембридж университетини томонлагач бир қанча вақт қишлоқ руҳонийси вазифасини бажаради. У Франция ва Италия бўйлаб саёҳат қиларкан Дидро, Гольбах каби энциклопедист олимлар билан танишади, улар суҳбатидан баҳрамонд бўлади. Стерннинг адабий мероси у қадар бой эмас. Унинг биринчи романи "Жентельмен Тристрам Шендининг ҳаёти ва мулоҳазалари" (*The life and Opinions of Tristram Shandy, Gentleman, 1760-1767*) инглиз прозаси анъаналарига биноан баландпарвоз ном билан аталган бўлсада, аслида унинг мазмунида Тристрам Шендининг ҳаётининг саргузаштлари эмас, балки қаҳрамоннинг ҳаётга келишидан олдинги давр воқеалари ва муҳит тафсилотлари тасвирланади. Воқеалар сўнги эса бош қаҳрамон Тристрам Шенди беш ёшга тўлганда содир бўлиб ўтади. Умуман олганда Стерн XVIII аср маърифий роман жанрини, унинг қурулишини бир қадар бузиб талқин қилади. Стерн романларида воқеалар тасвирида хронологик баён услуби бузилади, уларнинг боши ва охирини англаб етиш қийин, чалқаш воқеа-ходисалар, қаҳрамонларнинг саргузашт кечинмалари бир-бирига қалаштириб баён этилаверади.

Масалан, роман мазмунида икки образ - савдо-сотик йўлида бойиб кетган провинциялик сквайр Вальтер Шенди ва оддий истеъфодаги ҳарбий Тоби амаки бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Биринчиси ўзини ўта билагон олим қиёфасида кўрсатса, иккинчиси кекса солдат ҳамон урушлар давридаги тадбиркор (стратег) лигидан завкланиб яшайди. Шенди-Холл қишлоғининг бу икки номдор фуқароси аслида улкан ишларга қодир эмас. Масалан, Тоби амаки бева Водмен хонимда кўнгли бўлсада, унга уйланишдан чўчийди. Вальтер Шенди эса ўз ўғли Тристрам Шендини муносиб тарбиялаш учун ўзининг "буюк трактат"ини ёзиб улгурганича ўғли улғайиб, балоғат ёшига етган бўлади. Хуллас, икки қаҳрамоннинг маъносиз ҳаёти, фойдасиз меҳнатлари асарда кинояли танқид остита олинади.

Стерннинг иккинчи романи – "Франция ва Италияга сентиментал саёҳат" (*A Sentimental Journey Through France and Italy, 1768*) асарида пастор Йорик образи адибнинг прототипидир. Романда пастор Йорик билан бир сафда француз хизматкор Ла Флер, деҳқон қизи, севги изтиробида ақлдан

озган ёш қиз Марии образлари ҳам мавжуд бўлиб, улар иштирокида муаллиф француз жамиятидаги ноқобил кўринишлар, турмуш ташвишларини сатира остига олади.

Хуллас, Стерн романларида сентиментал прозанинг ўзига хос характерли хусусиятлари талқин этилади, келгуси давр адабиётига йўл-йўриқлар кўрсатади.

Стерн асарларининг нашри:

The complete works and life of Laurence Sterne: In 4 vol. -New York; London: The Colonel soc, 1904.

The life and opinions of Tristram Shandy. - London: Collins, 1955. -490 p.

Жизнь и мнения Тристрама Шенди джентльмена, Сентиментальное путешествие по Франции и Италии /Пер А.Франковского; Вступ статья А.Елистратовой. -М.: Худож. лит., 1968.-687 с. - (Б-ка всемирной лит).

Стерн хақида:

Hartley L.C. Laurence Sterne: A biographical essay. - Chapel Hill: The Univ, of North Carolina press., 1968. - XII. 302 p.

Thomson D. Wild excursions: The life and fiction of Laurence Sterne.- London: Weidenfeld a Nicolson, 1972. - 325 p.

Лоренс Стерн. 1713-1768 //Елистратова А. Английский роман эпохи Просвещения - М., 1966, с. 324 - 360.

Лоренс Стерн 1713-1768 // Аникин Г.В, Михальская Н.И. История английской литературы. - М., Высш. школа, 1982, с. 171-176.

Ричард Бринсли Шеридан (Richard Brinsley Sheridan. 1751-1816)

XVIII аср инглиз маърифат адабиётида сатирик комедия жанри Ричард Шеридан ижодида юксак пағонага кўтарилди. Шеридан даврининг таниқли драматурги ва жамоат арбоби сифатида ҳам ном қозонган эди.

Адиб Ирландиянинг пойтахти Дублин шаҳрида зиёли оиласида таваллуд тодди. У юридик маълумот олганига карамай, кейинги ҳаёти ва ижодини театрга бағишлайди. 1775 йил адибнинг "Рақиблар" (The Rivals) комедияси Ковент-Гарден театрида сахналаштирилади. Шундан сўнг бирин-кетин Шеридан ўзининг "Дуэнья" (The Duenna, 1775), "Авлиё Патрик

Куни" (St. Patrick's Day, 1775), "Скарборога бориш" (A Trip to Scarborough, 1777), "Ғийбат мактаби" (The School for Scandal, 1777) ва "Танқидчи" (The Critic, 1779) каби қатор комедияларини ёзади. 1799 йил адибнинг "Пизарро" (Pizarro) номли сўнгги комедияси сахналаштирилади.

Шеридан инглиз адабиётида Комедия жанрини юксалтириш билан бирга бу жанрнинг қонун-қоидалари ва назарий жиҳатлари ҳақида трактатлар ҳам яратди. Унинг комедия жанри ҳақидаги назарий фикрлари "Танқидчи" асарида ўз ифодасини топганини кўрамиз.

"Ғийбат мактаби" комедияси Шериданнинг машхур асарларидан бири ҳисобланади. Драмада Англиядаги буржуача турмуш, олий табақага мансуб кишилар даврасидаги хулқ-атвор кўринишлари сатира остига олинган. Сэр Питер Тизлнинг рафиқаси леди Тизл турмушга чиққач Лондондаги олий табақага мансуб кишилар даврасида умргузаронлик қиларкан, у ердаги муҳит ва одатлар оғушида сиқилади. У леди Снiruэл, миссис Кэндор, мистер Снейком каби ғийбатчилар даврасига кўшилади, ва оқибатда ғийбат-ўшакларга унда мойиллик орта боради. "Ғийбат мактаби" нинг таълими ва таъсирига берилган леди Тизл ва сэр Тизл ўртасидаги аҳл муносабатга ҳам дарз кетади, оила бузулиш арафасига келиб қолади. Шунингдек, пьесада ака-ука Жозеф ва Чарлз Сэрфеслар ҳаёти ҳам тасвирланган. Леди Снiruэлнинг "Ғийбат салони" га қатновчи Чарлз тез орада бойлигини совуриб битиради. Жозеф эса ақлли, иғво ва ғийбатлардан йироқдаги шахс. Шундай бўлсада уларнинг кекса амакиси сэр Оливер Сэрфес содда табиатли, ўзига самимий муносабатда бўлган Чарлзга бойлигини мерос қилиб қолдиради. Сабаби, Жозефдаги тунд киёфа, писмиклик ва икки юзламачилик одатлари сэр Оливер Сэрфеса ёқмайди.

Шериданнинг хулқлар таърифини ифодаловчи бу комедиялари инглиз драматургиясининг кейинги тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Шеридан асарлари нашри:

The works. - London: Chatto a. Windu s. 1886. - VIII. 656 p.

School for scandal. - Oxford: Clarendon press., 1946. - 112 p.

Драматические произведения /Вступ. статья и коммент. Ю.Кагарлицкого. - М.: Искусство, 1956. - 482 с.

Школа злословия. Комедия в 5-ти действиях /Пер М.Лозинского. - М.: Искусство, 1963. -111с.

Шеридан хақида:

Bingham M. Sheridan: The track of a comet - London: Allen a. Unwin, 1972. -383 p.

Loftis I. Sheridan and the drama of Georgian England. - Oxford: Blackwell, 1976. - XI. 174 p.

Маршова Н.М Ричард Бринсли Шеридан. -Л.; М.: Искусство, 1960. - 122 с.

Шервин О. Шеридан. - М.: Искусство, 1978. - 293 с.

Роберт Бёрнс (Robert Burns. 1759-1796)

Буюк шотланд шоири Роберт Бёрнс ижоди ўзининг халқчиллиги, оддий деҳқон ҳаёти ва меҳнатини куйлаш мотивлари билан суғорилгандир. Камбағал фермер оиласида туғилиб ўсган шоир бир умр отаси касби деҳқончилик билан машғур бўлди ва ўз кўшиқларида оддий кишиларнинг қашлоқ ҳаётини, урф-одатларини, эзгу - кечинмаларини куйлаб ўтди.

Бёрнс ҳаёт давридаёқ шоир сифатида ўз ватани Шотландия ва Англияда танилди. Шоирнинг биринчи китоби "Шотланд диалектида ёзилган шеърлар" (Poems Written Chiefly in the Scottish Dialect, 1786) тўплами унга катта шуҳрат келтирсада моддий жихатидан унинг ҳаёти яхшиланмади, бир умр муҳтожликда яшаб ўтди.

Бёрнс лирикасининг бош мавзуси она табиат гўзаллигини куйлаш, гўзал табиат бағрида яшаётган ёш-яланглар ҳаётини, уларнинг севги онларини таърифлаш, халқ куйида йўғрилган кўшиқларни куйга солиб айтишдан иборатдир. Масалан, оддий фермер қизининг гўзал қиёфасини шоир ўзининг "Ялангоёқ қиз" (O Mally's Meek, Mally's Sweet) шеърида таъриф-тавсиф этаркан унинг баданини оппоқ ғоз сийнаси (swan-white neck) га, кўзларини осмондаги юлдузлар (and her two eyes, like stars in skies) га қиёс қилади. "Севги" (O, My Luve's Like a Red, Red Rose, 1794) номли шеърида эса шоир ишқ бобида вафодор бўлиш ҳиссиётини қаламга олади.

Шоирнинг бир қатор шеърларида дўстлик мавзуси куйланади. Масалан, "Жон Андерсон" (John Anderson, My Jo, 1789) шеърида муаллиф дўстликнинг оғир дамларда синалишини, инсонларнинг бир-бирига ҳақиқий дўст бўлишларини таърифлаб ўтади. Бёрнснинг табиат гўзаллигини тасвирловчи шеърлари ҳам талайгина. Масалан, "Плугимга қадаганим тоғ маргариткаси" (To a Mountain Daisy on Turning One Down with the Plough, 1786) шеъридаги тоғда ўсган маргаритка гули қўшчи деҳқоннинг ҳамроҳи, унга илҳом бағишловчи гўзаллик рамзи тарзида тасвирланади. Шунингдек, қўшиқда инсон ва табиат ўртасидаги муносабат ва алоқадорлик туйғулари ўз ифодасини топганини кўрамиз. Ёки инсон каби табиат куйнида яшаётган жонзотлар ўртасидаги алоқадорлик ҳам шоир назаридан четда қолмайди. Масалан, Бёрнс ўзининг "Плугим уйини бузган дала сичқонига" (To a Mouse, On Turning Her up in Her Nest with the Plough, 1786) шеърида уларга раҳми келгани ҳолда, шоир деҳқоннинг ҳам ҳоли уларникидан яхши эмаслигини, тақдир ўйини ва қисмати қўшчинини ҳам ҳаётда абгордан қилгани, кулбаларини вайрон этиб дарбадарликки муҳтож этаётганини ачиниш билан таърифлайди. Айни пайтда шоир ўзининг "Покиза камбағаллик" (Is there, for Honest Poverty, 1775), "Жон жавдар дони" (John Barleycorn, 1776), "Тоғларда менинг қалбим" (My Heart's in the Highland's, 1790) каби машҳур қўшиқларида халқ ҳаётини янада юксак тасвирларда эътироф этади.

Бёрнс ўзининг "Икки кўппак" (Twe Twa Dogs, 1787) сатирик поэмасида камбағал ва бадавлат оилада хизмат қилувчи икки ит, яъни Люата ва Цезарь суҳбати ортида ўзи яшаётган жамиятнинг турли табақаларига мансуб оилалар турмушини тасвирлаб беради. Цезарь мансуб бўлган бадавлат лордлар оиласида тўкин-сочинлик, айшу-ишрат хукмрон бўлса, Люата яшаётган қўшчилар хонадонида йўқсуллик хукмрон. Бечора деҳқоннинг оғир меҳнати ва муҳтожликдаги ҳаёти ҳеч кимни қизиқтирмайди. Ҳукумат қонунлари ҳам бадавлат лордлар манфаатига хизмат қилади, ва ҳоказо.

Хуллас, Роберт Бёрнс ижодида халқ ҳаётининг, у кечираётган оғир турмушнинг сабаблари, бойлик ва олтин хукмронлигининг оқибатлари ҳам қайғули, ҳам қувноқ сатира

оҳангида тасвирланганини кузатамиз. Бёрнс шеърлари жаҳон тилларига таржима қилинган. 1971 йил шоирнинг "Қўшиқ ва балладалар" тўплами Муҳаммад Али таржимасида ўзбек тилида нашр этилди.

Роберт Бёрнс асарлари нашри.

Poems and songs / A new ed. by J. Varke. - London: Collins, 1955. -736 p.

Роберт Бёрнс в переводах С. Маршака: Избранное. В 2-х кн. /Вступ. статья Р.Райт-Ковалевой. - М.: Гослитиздат, 1963.

Стихотворения; Поэмы; Шотландские баллады. Пер С. Маршака. - М.: Худож. лит., 1976. - 446 с. (Б-ка всемирной лит.).

Қўшиқ ва балладалар. Русч. М.Али таржимаси. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971,-128 б.

Ёр кўнглининг қиролиман. Инглиз тилидан Б. Холбекова таржималари. – Тошкент; 2011. – 42 бет.

Роберт Бёрнс ҳақида

Daiches D. Robert Burns and his world. - London: Thames and Hudson, 1971. -128 p.

Rae E.S. Poet's pilgrimage: The story of the life and times of Robert Burns. - Glasgow: Macmillan, 1960. -286 p.

Райт-Ковалева Р. Роберт Бёрнс. - М.: Молод, гвардия, 1965. - 352 с Колесников Б.И. Роберт Бёрнс. Очерки жизни и творчества - М.: Просвещение, 1967. - 240 с.

Роберт Берне. 1759-1796 //Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. -М.: Высш. школа, 1982с. 184-188.

Роберт Бёрнс. 1759-1796 // Холбеков М. Чет Эл адабиёти классиклари. Қўлланма - Самарқанд: СамДУ нашри, 1993, 33-34 бетлар.

Уильям Блейк (William Blake. 1757-1827)

Илк романтизм адабиётининг йирик вакили Уильям Блейк ҳаёт пайтида шоир эмас, балки мусаввир ва гравюра санъати устаси сифатида танилган эди. Шоирнинг "Болалик ва кексалик даври кўшиқлари" (Songs of Innocence and Songs of Experience) китоби 1839 йил, яъни вафотидан икки йил сўнг чоп қилинади.

XIX асрнинг 60-йилларига келиб Уильям Блейк шоир сифатида элга танилди.

Уильям Блейк илк шеърларида XVII аср инглиз шоири Жон Мильтон анъаналарининг таъсири сезилиб туради. Шунингдек, шоир ўз замондошлари маърифат асри шоирлари поэзиясидаги маърифий ғояларни ҳам ўзлаштирганини кузатамиз. Айти пайтда, Блейк гуманизми 1789 йилги француз буржуа инқилоби таъсирида шаклланди. Шу бонс шоирнинг илк шеърларида буюк инқилобнинг инсонларга эрк бергувчи, озодлик ва тенглик ато қилгувчи қудратли куч эканлигига бўлган ишонч асосий ўрин эгаллайди. Буни биз унинг халқ фольклори мазмунига вобаста ёзилган илк романтик балладаси "Қирол Гвин" (King Gwin, 1783) ва "Шеърый машқлар" (Poetical Sketches, 1783) тўпламидаги шеърларида кузатамиз. Масалан, "Қирол Гвин" балладасида ўрта асрларда хукмронлик қилган мустабид қирол Гвин зулмига қарши кўтарилган халқ кўзғолони тафсилотлари романтик кайфиятда тасвирланади.

Уильям Блейк француз буржуа инқилоби даврида ўзининг энг сара шеърый тўпламларини яратди. Булар "Болалик кўшиқлари" (Songs of Innocence, 1789) ва "Кексалик кўшиқлари" (Songs of Experience 1794) китобларидир. Шоир бу тўпламларида "Инсон умрининг икки даври-болалик (хурлик) ва кексалик (ҳаётый тажрибалар орттирган) давридаги рухий ҳолат ҳамда кечинмаларини тасвирлайди. Биринчи китобдаги шеърларнинг қаҳрамонлари - болалар бўлиб, улар руҳиятида самимийлик, қувноқлик ва шодонлик тўйғуси уфуриб туради. Ҳаётга муҳаббат, бахтга интилиш, севиш ва севилиш ҳиссиётлари уларга йўлдошдир. "Кексалик кўшиқлари"да шоир турмушнинг серғалва онларини, қариллик ташвишларини, жамият ва инсонлар ўртасидаги номутаносиблик ва синфий курашлар изтиробларини қаламга олади.

Уильям Блейк ижодининг сарҳисоби унинг "Пайғамбарлик китоби" (Prophetic Books) шеърый туркумида ўз ифодасини топади. Мазмун ва мундарижаси жиҳатдан "Пайғамбарлик китоби" фалсафий мушоҳадаларнинг лирик талқини бўлиб, унда асосан инсон ва замон қисмати таърифланган. Китобда шоирнинг сиёсий қарашлари, романтик ҳиссиётлари ва орзу-умидлари тараннум этилган.

Уильям Блейк асарлари нашри.

The complete writings. - London: Nonesuch press; New York: Random House, 1957. - XI, 936 p.

The illuminated Balk /Annotatld by D.V. Erdman. - London; Oxford univ. press, 1975. - 416 p.

Поэмы; Стихотворения //Поэзия английского романтизма. - М: Худож.лит., 1976, с. 27-129 (Б-ка всемирной лит.).

Стихи /Сост. вступ статья и коммент. А.Зверева - М.: Худож. лит., 1978. - 325 с.

Уильям Блейк хакида

Davis M. William Blake: A new kind of man. - London: Elek, 1977.- 181 p.

Gardner St. Blake. - London: Evans, 1976. -160 p.

Некрасова Е.А. Творчество Уильяма Блейка. - М.: Изд-во МГУ; 1962.- 182 с.

Уильям Блейк //Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы. - М: Высш. школа, 1982, 195-206с.

Жорж Гардон Байрон (George Gordon Byron. 1788-1824)

Ғарбий Европа романтизм адабиётида Байрон шеърляри муҳим ўрин эгаллайди. Шоир романтизм шеърляри халқчил ва халқ орзу - умидларини рўёбга чиқаришга бағишланган инқилобий кайфиятдаги шеърлярдир. У башорат қилган "йўқ жойдан худо борликни яратди: қудратли ва буюк кечинмалардан инсон дунёга келди" ҳикмати шоир ижодининг бутун мазмунини ўзида ифода этади.

Байрон Лондонда қадим инглиз аристократларидан саналмиш лорд хонадонига дунёга келади. Кембридж университетида таълим олади. Университетни тугатгач Европа мамлакатлари бўйлаб икки йил давомида саёҳат қилади. Саёҳати давомида у ўзининг "Чайлд Ҳаролднинг саёҳати" поэмасининг дастлабки кўшиғини ҳамда илк романтик шеърларини ёзади. Улар орасида "Қанотли шеърлар" (Fugitive Pieces,1806), "Турли ҳолатга бағишланган шеърлар" (Poems on Various Occasions, 1807), "Ҳордик соатлари" (Hours of Idleness, 1807), "Инглиз бардлари ва шотланд шарҳловчилари" (English Bards and Scotch Reviewers, 1809) сатирик поэмаси шоирга илк шухрат келтирган эди.

Лорд Байрон парламент аъзоси сифатида 1812 йилнинг февралда тўқувчи луддатларни, апрел ойида ирланд халқининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб нутқ сўзлайди. У 1813 йил парламентдаги лордлар палатасида сўнги учунчи нутқини айтади. Шоирнинг хукмрон синф ва унинг вакиллари фаолиятини қораловчи бу нутқлари палатадагиларнинг ғазабини кузғатади. Улар шоирга қарши тухмат ва бўҳтонлар уюштира бошлайдилар. "Парламентдаги ўйинлар жонимга тегди...", деб ёзади Байрон 1813 йил ўз кундалигида. Ҳуллас, шоирнинг парламент билан келишолмагани унинг атрофидаги иғволарни авж олдиради. Бу эса олий табақага мансуб бўлган шоирнинг оиласига ҳам путр етказди, рафикаси ҳам уни ташлаб кетади. Бу мусибатлардан сўнг Байрон 1816 йилнинг 25 апрелида ватани Англияни тарк этади.

1813-1816 йиллар орасида Байрон ўзининг "Шарқона қиссалар" (The Oriental tale) и туркумига кирган "Гяур" (The Giaour, 1813), "Абидослик келин", (The Bride of Abydos, 1813), "Қароқчи" (The Corsair, 1814), "Лара" (Lara, 1814), "Коринф камали" (The Siege of Corinth, 1816), "Паризина" (Parisina, 1816) поэмаларини яратади. Шарқона поэмалардаги бош мавзу-шаҳснинг жамият билан, ўзи яшаётган тузумнинг ноқобил қонунлари билан тўқнашуви, курашишга интилуви эди. Шарқ поэмаларининг қахрамонлари - романтик ҳиссиётларга бой, эҳтиросли қалб эгаларидир. Улар жамият ва мавжуд тузимнинг ноҳақликларига чидай олмайди, уларга қарши курашади, ҳақ йўлида ҳатто қурбон бўладилар. Поэмадаги воқеалар асосан Болқон худудида яшаган халқларнинг Туркия истеълосига қарши озодлик кураши билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Шу сабаб поэмалар мазмуни кўп ҳолларда фожеа билан тугайди. Айни пайтда уларда тасвирланган шарқона гўзаллик, табиат манзаралари, ҳашамдор саройлар ва соҳибжамол канизаклар латофати ўқувчини ўзига мафтун этади.

Ватанини тарк этган Байрон дастлаб Диодати кўрғонида яшайди. Бу ердаги ҳаёти шоир ижодида тушқунлик ҳолатини ифода этади. Бу кайфият унинг "Туш" (The Dream, 1816), "Зулмат" (Darkness, 1816) шеърларида ўз аксини топганини кўрамиз. Айни пайтда, исёнкор қалбнинг ёлғизликдаги ҳаёти, соғиниш ва эзилиш кайфиятлари унинг "Манфред" (Manfred,

1817) драматик достонида ёрқин акс этади. Достоннинг бош қаҳрамони Манфред шоирнинг прототиби бўлиб, у Алп тоғларининг боҳаво табиятидан қониқиб яшамасин, барибир ундаги ватан соғинчи, исёнкорона кайфият, ёлғизлик азоблари тинчлик бермайди. Манфред ҳаёт мазмунини ўраб турган муҳит ва табиатни, одамлар руҳиятини тушунишга нечоғлик уринмасин, барибир унинг ички "мени" борлиқдан узоқлаштиради, нопсандликка ундайди. Ва ниҳоят, Манфред ўлими олдидан уни жонидан ортиқ севган маҳбубаси Астартанинг ўлимида ўзининг айбдорлигини тан олади ва марҳумнинг руҳи олдида кечирим сўрайди.

Байрон ижодида бошқа романтиклар ижодига қараганда фожеавийлик ва драматизм мотивлари кучлироқдир. Буни биз шоирнинг "Шилён тутқуни" (The Prisoner of Chillon.1816) поэмасида ҳам кузатамиз. Поэманинг бош қаҳрамони швейцариялик республикачи Бонивар (Франсуа Бонивар, 1493-1570) бўлиб, у она шаҳри Женаванинг озодлиги учун курашади. У етти йил Шилён қасрининг ертўласида, тутқинликда яшайди, руҳан синмайди, исёнкорона кайфият уни тарк этмайди.

1817 йилдан Байроннинг Италиядаги ҳаёти бошланади. Шу ерда у ўзининг "Чайл-Ҳаролднинг саёҳати" (Childe Harold's Pilgrimage, 1809-1817) поэмасини ёзиб тугатади. Поэма мазмунидаги воқеалар Байроннинг Испания, Албания ва Грецияга қилган саёҳати таассуротларидан олиб ёзилган эди. Поэманинг бош қаҳрамони Чайлд Ҳаролд ҳаётда курашчи эмас, у табиатан осойишта, содир бўлаётган воқеаларни четдан кузатувчи, ўз фикр- мулоҳазаларига эга шахс. Аниқроғи Чайлд Ҳаролднинг саёҳатлари давомида кўрган-кечирганлари, фалсафий ва психолгик мушоҳадалари муаллиф дунёқарашининг ҳосиласидир.

Байрон Италияда яшаган даврида ўзининг "Тассо шикоят" (The Lament of Tasso, 1817), "Дантенинг пайғамбарлиги" (The Prophecy of Dante, 1819), "Каин" (Cain, 1821) каби поэмаларини яратди. Шоирнинг сўнги йирик асари унинг "Дон Жуан" (Don Juan, 1818-1823) драматик достонидир. Бу эпик достон дунё адабиётининг шох асарларидан бири,

Пушкин тарифи билан айтганда "Шекспирона рухда ёзилган койил мақом санъат асаридир."

Дон Жуан шоир фантазиясида юзага келган, мустақил ҳаракат қилувчи образдир. Дарвоқе, "Чайлд Ҳаролд"да Байрон қиёфаси ўз аксини топган бўлса, Дон Жуан - оддий шахс образи, ҳаётда ўз мақсади ва ҳатти-ҳаракатига эга бўлган инсон. Поэмада Байрон реал ҳаётга мурожаат қилади. Қаҳрамон саргузаштлари тарихий воқеалар оғушида кечади. Ва ниҳоят, у ватанига танилган зиёли қиёфасида қайтади, ҳамда лордлар жамиятида ўз ўрнини топали. Байрон ўз асарини "эпик сатира" (epic satire) деб атаган эди.

Байрон умрининг сўнги даврини Грециядаги халқ озодлик ҳаракатига бағишлади. 1823 йилнинг декабрида "Геркулес" номли ўз кemasида Италиядан Грецияга қараб йўлга чиққан шоир 1824 йилнинг баҳорида касалга чалиниб вафот этади. Унинг жасади боболари кўрғони Ньюстедга дафн этилган. Байрон асарлари ўтган асрда ўзбек тилига таржима қилинди. 1974 йил шоирнинг бир жилдлик "Сайланма"си босилиб чиқди. "Дон Жуан" достони Абдулла Шер ва Сулаймон Раҳмон томонидан таржима қилинган.

Байрон асарлари нашри.

The Works: In 17 vol. - London: Murray, 1836. - 1837.

The Works: Poetry: In 5 vol. - London: 1924.

The Poetical works. - London: Oxford univ. press., 1926. - X. 924 p.

Selections from Byron. - M: Progress Publishers, 1979. - 520 p.

Сочинения: В 3-х томах /Вступ статья М.Кургинян М: Худож. лит, 1974.

Собрание сочинений: В 4-х томах. - М:Изд «Правда», 1981.

Избранные произведения: В 2-х томах. - М: Худож. лит., 1987.

Сайланма: Шеърлар, дoston, драматик дoston. - Тошкент Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. -152 бет.

Дон Жуан. Инглизчадан А.Шер таржимаси //Шарқ юлдузи, 1988, 1-сон.

Дон Жуан. Поэма. Инглизчадан А.Шер ва русчадан С. Раҳмон таржималари. // Жаҳон адабиёти, 2013, 1, 2, 3, 4 – сонлар

Байрон ҳақида:

Joseph M.K. Byron the poet. - London: Gollancz, 1964. - 352 p.

Jump J.D. Byron - London: Roufledge a. K.Paul, 1972 - XIII. 200 p.
Marchand L.D. Byron's poetry: A critical introduction. - Cambridge: Harvard univ. press, 1968-261.

Дьяконова НЛ. Лирическая поэзия Байрона. - М: Наука, 1975. - 168 с.

Елистратова А. Байрон - М.: Гослитиздат, 1956. - 263 с.

Холбеков М. Жорж Байрон. // Жақон адабиёти классиклари. Ўқув қўлланма. - Самарқан: СамДУ нашри, 1993.

Холбеков М. Байрон ижодида шарқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008.

Перси Биши Шелли (Percy Bysshe Shelley. 1792-1822)

Инглиз инқилобий романтизм шеъриятининг иккинчи йирик вакили Перси Биши Шелли ўз ижодида лирик ва публицистик асарлар яратди. Шелли ижодининг шаклланишида илк романтиклар, айниқса замондоши ва дўсти Байроннинг таъсири катта бўлди.

Аристократ оиласида таваллуд топган Шелли Оксфорд университетида ўқиди. Ёш шоир ўзининг 1811 йил эълон қилган "Атеизмнинг зарурияти" (The Necessity of Atheism) памфлети учун университетдан ҳайдалади. Шундан сўнг у ҳам Байрон каби ирланд халқининг озодлигини ҳимоя қилиб чиқади. 1812 йил Шелли ўзининг "Ирланд халқига мурожаат" (An Address to the Irish People) памфлетини эълон қилади. Шоирнинг бу йиллардаги сиёсий ва маърифий қарашлари "Қиролича Маб" (Queen Mab, 1812) фалсафий поэмасида ўз ифодасини топган эди. Асар мазмуни мифологик воқеалар баёнидан иборат бўлиб, унда сеҳргар қиролича Маб уйқудаги Иантнинг руҳини ўғирлаб кетади. Воқеалар ривожини афсонавий мазмун касб этсада ўқувчи мавжуд дунёда содир бўлаётган диний ақидапарастлик, зўравонлик ва шуҳратпарастлик иллатларининг кескин сатира остита олаётганлигини асар мазмунидан англаб олади. Поэмада Шеллига хос тасвир услуби ва тип хусусиятлари ўз аксини топган.

1818 йил Шелли ўзининг "Ислам қўзғалони" (The Revolt of Islam) номли навбатдаги поэмасини эълон қилади. Воқеа шарқда яъни Туркиянинг Константинопол (Истамбул) шаҳрида бўлиб ўтади. Асар қаҳрамонлари ака-сингил Лаон ва Ситна

халқни озодлик учун курашга ундайди, ўзлари ҳам бу инкилобий кўзгалоннинг қурбони бўлишади. Поэмадаги воқеалар шоирнинг буржуа инкилобига билдирган фикрларига вобаста тасвирлангандир.

Шелли ҳам Байрон каби 1818 йил ватани Англияни ташлаб чиқиб кетади. У ҳаётининг сўнги йилларида Италияда яшайди. Байрон билан дўстлашади. Икки шоирнинг дўстлиги Шеллининг "Юлиан ва Маддало" (Julian and Maddalo, 1818) поэмасида образли тасвирланган.

1820 йил Шелли ўзининг "Озод қилинган Промотей" (Prometheus Unbound, a Lyrical Drama) номли лирик драмасини ёзиб тугатди. Бу асар шоир ижодининг юқори чўққиси ҳисобланади. Асардаги воқелик қадим юной мифологиясидаги Промотей тарихидан олинган бўлсада, Шелли унга замонавий рух бағишлайди, курашчи инсон қиёфасидаги Промотей образини яратади. Агар, қадим юнон адиби Эсхил яратган Промотей худо Зевснинг берган жазосига узоқ вақт чидаб, кўниқиб яшаган бўлса, Шелли тасвирлаган Промотей ҳақиқий паҳлавон-курашчи, душман қаршисида бош эгмайди, балки озод бўлиш учун бор куч шижоатини сарфлайди. Айни пайтда бутун борлиқ, табиат гўзаллиги, Осиёнинг пок севгиси ҳам Прометейнинг озод бўлишини истайди, унга ҳамдарт бўлади. Ва ниҳоят, асар сўнгида ёвуз Юпитер (Зевс) мағлуб бўлиб, Промотей озод қилинади. Муҳаббат ва гўзаллик ғолиб чиқади.

Шелли ижодида фалсафий лирика ҳам асосий ўрин эгаллайди. У табиат гўзаллиги ва инжиқликларини қаламга оларкан, улар замирида асосан инсон қиёфасини тасвирлашга, унинг кайфиятини ифодалашга интилади. Масалан, шоирнинг "Ҳақиқий гўзаллик мадҳияси" (Hymn to Intellectual Beauty, 1816) лирик қаҳрамон гўзаллик қаршисида бўйин эгиб, унга содиқ бўлишга қасамёд қилади. "Ғарб шамолига ода" (Ode to the West Wind, 1819) шеърида эса лирик қаҳрамон йўлида учровчи нарсаларни учуриб кетувчи ғарб шамоли, исёнкор кишилар образига менгзаб тасвирланади. "Булут" (The Cloud, 1820) шеъридаги метофорик образ Булут одамларга йўл-йўриқ кўрсатувчи қудратли куч сифатида тасвирланади. Шоирнинг "Тўрғайга" (To a Skylark, 1820) шеърида сайроқи қушнинг ёқимтой овози мусиқа садоларига қиёс қилинаркан, мусиқа ҳам

тўрғай садоси каби мусаффо ва эркин жаранглашини орзу қилади ва ҳаказо.

Шунингдек Шеллинг "Озодлик ҳимоячиларига ода" (Ode to the Asserters of Liberty, 1819), "Озодликка ода" (Ode to Liberty, 1820) каби қатор одаларида даврнинг руҳи ва кайфияти романтик кўтаринкилик билан тасвирланади. Шеллинг эстетик дунёқараши унинг 1821 йилда ёзган "Шеърят ҳимояси" (A Defence of Poetry) трактатида ўз ифодасини топади. Замондоши, танқидчи Т.Л. Пикокнинг цивилизация таракқий этиб броман сари поэзияга бўлган эҳтиёж сусая боради, деган тезисига қарши ўлароқ, Шелли поэзиянинг бадий ижоддаги ўрни, инсон руҳига озуқа берувчи ҳислатлари ҳақида, унинг адабиётда абадий яшайжагини ҳимоя қилиб чиқади. Шелли 1822 йил ўттиз ёшида фожеали ҳалок бўлади.

Шелли асарлари нашри:

The complete poetical works: In 4 vol Ed. by Neville Rogers. - Oxford: Clarendon press., 1972 - 1975.

The poetical works. - London: Oxford univ. press, 1939. - X. 924 p.

Избранное /Пер. под. ред. В. Рождественского. - М: Гослитиздат, 1962.-462 с.

Адонаис; Стихотворения //Поэзия английского романтизма - М, 1975 р. 439-524 - (Б-ка всемирной лит.).

Шеърлар. Рус тилидан Ҳумоюн таржимаси. // Жаҳон адабиёти, 2013, 9-сон

Шелли ҳақида:

Cameron K. The young Shelley. - New York: Macmillan, 1950. - XII. 437 p.

Holmes R. Shelley; The Pursuit. - London: Weidenfeld a.

Nicolson, 1974. -XII. 829 p.

Неупокоева И. Революционный романтизм Шелли. - М: Гослитиздат, 1959 - 471 с.

Перси Биши Шелли. 1792-1822 //Аникин Г.В. Михальская Н.П. История английской литературы. - М: Высш. школа 1982. с. 230 -241.

Жон Китс (John Keats. 1795-1821)

Жон Китс инглиз романтизм шеърятининг учунчи йирик вакили, ўз ижодида муҳаббат, гўзаллик ва санъат мавзуларини

куйлаган шоир. У бор йўғи 26 йил умр кўрди. Қисқа ҳаёти даврида баракали ижод қилиб, жаҳон адабиётида ўзига ҳос такрорланмас асарлар қолдирди. Шоир ўз дунёқараши ва услуби билан Лондон романтиклари (Хэзлитт, Лэм, Хент ва бошқалар) мактабига мансубдир.

Лондон романтиклари ўзлари ташкил қилган "Экзэминер" (On Examiner, 1808-1821) журнали атрофида бирлашган эдилар. Улар илк романтиклар саналмиш Р.Саути, В. Вордсворд, С.Колридж ижодидан кўп жиҳатларни ўзларига қабул қилишган бўлсаларда, айти пайтда уларни кескин танқид ҳам қилдилар. Лондон мактаби шоирлари Байрон ва Шеллинг инқилобий романтизмни маъқуллаган ҳолда, ўзлари буржуа сиёсатини қоралаб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқишди. Профессор Р.М. Самариннинг таъкидлашича Китс ва унинг сафдошлари ўз ижодида буржуа-дворянлар жамиятининг халққа нисбатан раҳмсиз ва бешафқат муносабатини юксак бадиий нафосат билан тасвирлай олдилар.

Жон Китснинг "Тинчлик ҳақида" (The Peace, 1814) номли илк шеърида тинчлик мавзуси ҳукмронлик ва замонавийликка қарши куйилади, кейинги иккаласи кескин қораланади. Лирик қаҳрамон Наполеон урушларидан сўнг дунёнинг эркин нафас олганини, инсоният осойишта яшаш бахтига муяссар бўлганини таъкидлайди. Айти пайтда Европада бошқа уруш бўлмаслиги, тинчлик ҳуким сурмоғини орзу қилади.

Шоир 1816 йилда ёзган ўзининг "Костюшко" (To Kosciusko) шеърида Полша мустақиллиги учун курашган халқ қаҳрамони образини яратаркан, халқнинг озодлик ҳаракатидаги ўрнини юқори баҳолайди. Шунингдек, у ўзининг "Робин Гуд" (Robin Hood, 1818) балладасида ҳам халқ озодлик ҳаракатида фаол иштирок этган афсонавий қаҳрамон Робин Гуд образини бадиийлаштиради, уни енгилмас ва бўйсинмас романтик кайфиятдаги шахс қиёфасида тасвирлайди.

Китс инглиз шеъриятида сонет жанрининг устаси сифатида ҳам танилди. Шоир сонетлари мазмун теранлиги, фалсафий мушоҳадаларга бойлиги ва муסיқавийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Масалан, унинг "Чаттертонга" (Sonnet of Chatterton, 1815) сонетида умри ёш ҳазон бўлган шоир Чаттертоннинг фожеавий тақдири мунгли кайфиятда

тасвирланади, сонет худди марсиядек жаранглайди. "Бёрнс кулбасида ёзилган сонет" (Sonnet Writton in the Cottage where Burns was Born, 1818) ида эса шотланд халқининг буюк шоири Бёрнсни улуғлаш билан, ўзини унинг ўғли ва шогирди тарзида қабул қилади. Шу каби шоирнинг "Чигиртка ва Чирилдоқ" (On the Grasshopper and the Cricket, 1816), "Нил дарёси сонети" (Sonnet to the Nile, 1818), "Булбулга бағишланган ода" (Ode to a Nightingale, 1819) ларида ҳам лирик қахрамон табиат ва унинг кўйнидаги беозор жониворлар образини мадҳ этади.

Шоир ҳаётининг сўнги даврида шеърятнинг барча жанрларида қалам табратди. Унинг "Буюк Отто" (Otho the Great, 1819) трагедияси, "Қалпок ва доирачилар" (The Cap and Bells), "Изабелла" (Isabella, 1818), "Куз" (To Autumn, 1820) каби сонет ва шеърлари бунга мисолдир. Бу асарларида Китс кўпроқ ўрта аср ва ренесанс даври шеърятини анъаналарини тиклашга ҳаракат қилади. Масалан. "Изабелла" поэмасининг сюжети италян адиби Боккаччонинг "Декомерон" асаридан оларкан, шоир оддий йигит Лоренса билан бадавлат оиладан бўлган соҳибжамол Изабелла ўртасидаги муҳаббатни романтик туйғуларда бўрттириб тасвирлайди.

Китснинг 1818 йилда ёзилган "Гиперион" (Hyperion, 1818) поэмаси ҳам антик давр мифологиясидан олинган бўлиб, ундаги худолар ва титанлар образида эскиликдан янгиликка интилиш, куч-қудратни янги давр кашфиётларига сарф қилиш ғояси илгари сурилади.

Асар марказида шоир ва доно Апполон образи туради. Яратувчанлик сеҳрига эга бўлган Апполон келажакни олдиндан кўра билади ва уни ўз орзу истакларига яқинлаштиришга ҳаракат қилади. Унинг замонида шеърят ва санъатнинг барча турлари равақ топади, борлиқ инсон измида бўлиб, фаровон ҳаётга хизмат қилади. Поэмани шоир охирига етказолмади. Жон Китс 1821 йил сил касалига чалиниб оламдан кўз юмади.

Китс асарларининг нашри;

Poetical Works /Сост. и вступ. статья В.Рогова - М: Progress, 1966. -237 p.

Поэмы; Стихотворения //Поэзия английского романтизма. - М; 1975, с. 527 - 599.

Китс хақида

Allott M. John Keats. - London: Harlow, 1976. - 62 p.

Talbot N. The major poems of J.Keats. - Sydney: Univ. press, 1968. - 108 p.

Дьяконова Н.Я. Китс и его современники. - М, Наука, 1973. – 198 с.

Джон Китс 1795-1821 //Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы - М: Высш. школа, 1982, с. 241-246.

Вальтер Скотт (Walter Scott 1771-1832)

Вальтер Скотт инглиз адабиётида романтизмдан реализмга ўтиш даврида ижод қилган машҳур ёзувчидир. У ўз тарихий романлари билан нафақат инглиз адабиётида балки Европа адабиётида ҳам тарихий роман жанрига асос солди. Танқидчи В.Г. Белинский таърифи билан айтганда Вальтер Скотт "Европа адабиётига янгича тарихий ва ижтимоий йўналиш олиб кирди."

Вальтер Скотт 1771 йил Шотландиянинг пойтахти Эдинбург шаҳрида адвокат оиласида дунёга келди. Отасининг адвокатлик идорасида иш бошлаган ёш Вальтер Скотт Шотландия ва Англия ҳуқуқи тарихини зўр бериб ўрганadi. Айни пайтда Шотландия ўтмиши, халқ оғзаки ижоди ва фольклори асарларини йиғиш билан ҳам шуғулланади. 1802 йил Вальтер Скотт кўп йиллар давомида йиққан шотланд халқ балладаларининг икки жилдлигини "Шотланд худуди кўшиқлари" (Minstrelsy of the Scottish Border) номи билан нашр қилдиради. Шундан сўнг Скотт ўзининг "Сўнгги менестрел кўшиғи" (The Lay of the Last Minstrel, 1805), "Мармион" (Marmion, 1808), "Ҳурқиз кўли" (The Lady of the Lake, 1810), "Рокби" (Rokeby, 1813) каби ўрта аср воқелигидан олинган поэмаларини эълон қилади.

Вальтер Скоттга унинг поэмаларидан кўра кўпроқ тарихий романлари шуҳрат келтирди. Ёзувчи ўз ҳаёти давомида 28 та роман ёзди. Уларнинг аксари қисми Шотландия тарихидан олиб ёзилгани учун "Шотланд романлари" деб юритилади. Улар "Уэверли, ёхуд олтмиш йилдан сўнг" (Waverley, or Tis Sixty Years Since, 1814), "Гай Маннеринг" (Guy Mannering, or the Astrologer, 1815), "Антиквариант" (The Antiquary, 1816), "Прутан" (Old Mortality, 1816), "Роб Рой" (Rob Roy, 1818) ва

бошқалар. Иккинчи туркум Англия тарихига бағишланган романлар бўлиб, улар қуйидагилар: "Айвенго" (Ivanhoe, 1820), "Монастир" (The Monastery, 1820), "Вудсток" (Woodstock; or the Cavalier, 1826). Учинчи туркумга эса Франция тарихига оид "Квентин Дорвард" (Quentin Durward, 1823) романи киради

Вальтер Скотт романларида асосан Шотландия ва Англиянинг XII-XIX асрлар орасида содир бўлган тарихий воқеалари бадиий образларда талқин қилинганлигини кузатамиз. Бу романлар мазмуни асосан "Роб Рай" ва "Айвенго" романларидаги воқеалар билан боғлиқдир, десак хато қилмаган бўламиз. Масалан "Айвенго" романидаги воқеалар XII асрда Англияда содир бўлади. Унда англо-сакслар билан улар ерига бостириб келган норманлар ўртасидаги тўқнашувларда жасорат кўрсатган қирол Ричард ҳамда унинг вассаллари, рицарларнинг жасорати мадҳ этилади. Асар бош қаҳрамони ёш рицар Айвенго қирол Ричардга содиқ хизмат қилади. "Роб Рой" романининг бош қаҳрамони инглиз босқинига қарши курашда шотландияликлар тарафида туриб курашган реал шахс. У Айвенга сингари ватанини келгиндилардан ҳимоя қилишга жонини тикади. "Прутан" романидаги воқеалар замирида Англия ва Шотландия халқининг буржуа инқилоби даврида бошидан кечирган ташвишлари қаламга олинади Роман бош қаҳрамони Хенри Мартон Шотландияда кечган роялистлар ва прутанлар урушида Англия инқилобчилари прутанлар сафида туради, қирол тузимини оғдаришда иштирок этади.

Вальтер Скотт романларининг услуби ва тили бир қадар мураккаб ҳамда ўзига ҳос бўлиб, унда кўпроқ XVIII аср романнависи Фильдинг прозасининг таъсири сезилиб туради. Бирок Скотт даврининг етук сўз устаси, ўз романларида тарихий воқеликни чуқурлаштирган, қаҳрамонлар характерини юксак пафос билан тасвирлаган, "замонасининг Ҳомери ва Шекспири каби улуғ ёзувчи" (В.Г.Белинский) тарзида танилди.

Волтер Скотт асарлари:

Works: In 22 vol. - Philadelphia: Morris, n.d. Works: In 11 vol. - London: Nelson, 1901 - 1906.

Rob Roy. - London: Macmillan, 1950. - XIII. 594 p.

Ivanhoe. - London: Murry, 1957. - 256 p.

Old mortality. - London: Dent, 1949. - LI. 628 p.

Собрание сочинений: В 20-ти томах /Вступ. статья Б.Г.Реизова -М; Л, Гослитиздат, 1960-1965.

Прутание; Легенда о Монтрозе - М: Худож.лит, 1971-624с-(Б-ка всемирной лит) .

Айвенго. Роман. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

Валтеп Скотт хаки да:

Crawford T. Scott. - London; Edinburgh: Oliver, 1965. - 119 p.

Johnson E. Sir Walter Scott: The Great Unknown: In 2 vol. - London: Hamilton, 1970 - 1397 p.

Реизов Б.Г. Творчество Вальтера Скотта. - М: Худож. лит, 1965. -497 с.

Вальтер Скотт. 1771-1832 //Аникин Г.В. Михальская Н.П.История английской литературы - М: Высш. школа, 1982, с 247-256.

Вальтер Скотт // Холбеков М. Чет эл адабиёти классиклари. Ўқув кўлланма. - Самарканд: СамДУ нашри, 1993,37-39 бетлар.

Чарлз Диккенс (Charles Dickens. 1812-1870)

XIX аср инглиз адабиётида танқидий реализм ёзувчи Чарлз Диккенс ижодида шаклланди ва юқори боскичга кутарилди. Жаҳон танқидий реализм адабиётида Диккенс социал ва сатирик проза устаси сифатида тан олинади.

Диккенс 1812 йил Англиянинг Портсмут провинциясида оддий ишчи оиласида дунёга келди. 1823 йил Диккенслар оиласи Лондонга кўчиб келади. Чарлзнинг мустақил ҳаёти ўн ёшидан бошланади. У фабрикага ишга киради. Сўнгра стенографистлик касбини ўрганади ва газетада мухбир бўлиб ишлай бошлайди. Ёш Диккенс мухбир сифатида Англияни кезиб чиқади, халқ ҳаётини ўрганади. 1833 йидан бошлаб унинг илк очерклари нашр этила бошлайди. Диккенс ўз фаолиятида чартистлар ҳаракатига қўшилмаган бўлсада, ўз очеркларида халқ ҳаётини, унинг социал нотенглигини тасвирлади.

Диккенснинг илк ҳикоя ва очерклар тўплами 1836 йил "Боз очерклари" (Sketches by Voz) номи остида босилиб чикди. Унинг биринчи романи "Пиквик кулуби мактублари" (The Posthumous Papers of the Pickwick Club, 1837) адибга шухрат келтиради. Романинг ёзилишига "Пиквик кулуби" деб аталувчи

овчилар уюшмасининг кундалиги ва унга рассом Сеймурнинг юмористик расмлари сабаб бўлган эди. Роман мазмунида жаноб Пиквик билан унинг ижарадор бекаси миссис Бардл ўртасидаги суд можаролари сатирик оҳангда тасвирланади. Асарда Додсон ва Фогг каби порахўр судьялар фаолияти кескин қораланади.

Чарлз Диккенс ижодини тўрт даврга бўлиб ўрганиш мумкин. Биринчи давр: 1833-1841 йиллар. Бу даврда ёзувчи ўзининг "Боз очерклари", "Пиквик клуби мактублари", "Оливер Твистнинг саргузаштлари", "Николас Никльбининг ҳаёти ва саргузаштлари" асарларини яратади.

Иккинчи даври: 1842-1848 йиллар. Бу даврда ёзувчи ўзининг "Мартин Чезлвитнинг ҳаёти ва саргузаштлари", "Домби ва ўғил" романларини ёзади.

Учинчи даври: 1849-1859 йиллар. Адиб бу даврда ўзининг "Дэвид Копперфилд", "Совуқ уй", "Оғир вақтлар", "Кичкинтой Доррит" романларини битади.

Тўртинчи даври: 1860-1870 йиллар. Бу даврда ёзувчи ўзининг "Катта орзулар", "Умумий дўстимиз", "Эрвин Друд сири" номли сўнгги романларини ёзади.

"Оливер Твистнинг саргузаштлари" (The Adventures of Oliver Twist, 1837-1838) ва "Николас Никльбининг ҳаёти ва саргузаштлари" (The Life and Adventures of Nicholas Nickleby, 1838-1839) романлари Диккенсга жаҳоний шуҳрат келтирди. Романлар мазмунида буржуа жамиятида йўқсулликка маҳкум этилган кишиларнинг оғир аҳволи ётади. Болакайлар Оливер Твист ва Николас Никлби ҳаётнинг барча қийинчиликларини бошидан кечирадилар. Адибнинг "Мартин Чезлвитнинг ҳаёти ва саргузаштлари" (The Life and Adventures of Martin Chuzzlewit) ва "Домби ва ўғил" (Dealings with the Firm of Dombey and Son Wholesale) романларида ҳам Англиядаги социал турмуш муаммолари қаламга олинади. Ёш Мартин Чезлвит бойимоқ ниятида барча ёшлар каби Америкага йўл олади. Аммо у Америкада бойиш у ёқда турсин ҳатто яшашнинг иложини тополмайди. Ва ниҳоят бору-йўғидан ажралиб, ҳеч вақосиз ватани Англияга қайтиб келади. Иккинчи роман қаҳрамони Домби ота ҳаётда ўзига ишонувчан, ишбилармон одам. Айни пайтда ўта қаттиқ қўл, тошбағир ва

киёфаси совуқ киши. У бутун ҳаётини "Домби ва ўғил" фирмасининг гуллаб-яшнашига бағишлайди. Домби инглиз буржуа синфининг типик вакили, бойлик ва обрў кетидан кувган янги замон кишисидир. Домбидаги бу хислатлар унинг соҳибжамол хотини Эдитга маъқул эмас. Эр-хотин ҳаётда бошқа-бошқа кайфиятдаги одамлар бўлгани учун ҳам улар ўртасида доимо нифоқ ҳукмрон. Эдит Домбини ташлаб кетади. Домби ёлғиз қолгач унинг иши юришмайди, фирмаси касодга учрайди. Буржуа жамияти уни ҳам йўқсуллар тўдасига равона қилади. Романда тузумнинг мана шу разиллиги кескин сатира остига олинади.

Чарлз Диккенсининг яна бир машҳур асари "Дэвид Копперфилднинг ҳаёти" (The Personal History of David Copperfield, 1850) романи бўлиб, адиб унда ёш инсоннинг буржуа тузумида шаклланиш жараёнини тасвирлаб беради. Роман бош қаҳрамони Дэвид Копперфилд ёзувчининг прототиби бўлиб, у ҳам Диккенс босиб ўтган оғир йўлни босиб ўтади, ҳаётини қийинчиликларни бошидан кечирилади. Романда асосий ўрин болалар тарбияси муаммосига қаратилган бўлиб, ёшларнинг оилада тарбия кўргани маъқулми ёки давлат томонидан ташкил этилган мактабларда ўқигани тузукми, деган социал масала туради. Оилада тарбияланаётган Дэвидни ўқимишли бўлсин дея мистер Крикл мактабига берадилар. Бу ерда Дэвид билим олиш ва тарбия кўриш ўрнига, баттар саводсиз ва хулқи бузуқ болакайга айланади. Дэвид учун ҳақиқий мактаб вазифасини ҳаётнинг ўзи белгилайди. У энагаси Пеготти, мистер Пеготти, Хэм ва қизалоқ Эмми каби оддий инсонлар куршовида ҳаёт ташвишларини бошидан кечириб улғаяди. Унга олий жаноб мисс Бетси Тротвуд яқиндан кўмаклашади, моддий ва маънавий ёрдам беради. Бетси Тротвуд хонимнинг кўмага билан Дэвид Копперфилд жамиятда ўз ўрнини топади.

Диккенс ҳаётининг сўнгги даврида яратган "Катта орзулар" (Great Expectations, 1861) ва "Умумий дўстимиз" (Our Mutual Friend, 1864) романларида буржуа синфи ҳукмрон бўлган замонда оддий кишиларнинг орзу-умидлари саробга айланиши, пул ва олтин ҳукмронлиги қонунларни жиловлаб турувчи қудратли куч эканини, инсоний қадриятлар ва хулқ-атворлар

хам бойлик билан ўлчанажагини образлар воситасида тасвирлаб беради.

Хулоса қилиб айтганда Диккенс бутун ижоди давомида танқидий реализм адабиёти идеалларига содиқ бўлди. Унинг романлари инглиз ва жаҳон адабиётининг нодир дурдоналарига айланиб колди.

Чарлз Диккенс асарлари нашри

The works: In 30 vol. - London: Chapman a. Hall, 1881.

The adventures of Oliver Twist.-М.: For lang. publ. house, 1955. - 550 p.

David Copperfield. - М.: For lang. publ. house, 1949. - 850 p.

Bleak house. - М: For. land. publ. house, 1957. - XV. 930 p.

The Pickwick papers /Introd. by G.K Chesterton. - London: Dent; New York: Dutton, 1954. - XXVIII . 804 p.

Little Dorrit / With an introd. by M. Whyte. - London: Collins, 1954.

Dealings with the firm Dombey and son: In 2 vol. - М: For lang. publ. house, 1955.

Nicholas Nickleby. With an introd. by KChesterton. - London: Dent; New York Dutton, 1957 – XXII. 842 p.

Собрание сочинений : В 30-ти томах. Вступ статья В.В. Ивашевой - М: Гослитиздат, 1957 -1963.

Приключения Оливера Твиста; Повести и рассказы. Вступ статья А.Кеттла. - М: Худож. лит, 1969. - 685 с. (Б-ка всемирной лит)

Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари. Роман Русчадан.

Э.Миробидов таржимаси -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. - 304 бет

Чарлз Диккенс ҳақида

Dyson A. E. The inimitable Dickens. - London: Macmillan,1970. - 303 P.

Priestley J. V. Charles Dickens. - London: Thames a. Hudson, 1961 -144 p.

Ивашева В.В. Творчество Диккенса. - М: Изд-во МГУ, 1954 - 470 с.

Уилсон Э. Мир Чарльза Диккенса. - М: Прогресс, 1975 - 320 с.

Чарльз Диккенс //Азизов К.Каюмов О. Чет Эл адабиёти тарихи. XVIII-XX асрлар. -Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 164-168 бетлар.

Чарльз Диккенс. 1812-1870 // Холбеков М. Чет Эл адабиёти классиклари. Қўлланма. - Самарканд: СамДУ нашри, 1993, 64-65 бетлар.

Уильям Мейкпис Теккерей (William Makepeace Thackeray. 1811-1863)

Уильям Таккерей англиз танқидий реализим адабиётида Диккенс билан ёнма-ён турувчи буюк адибдир. Унинг "Оилавий роман" мавзусидаги қатор асарларида замонасининг буржуа аристократлар синфи яшаётган жамият кескин сатира остига олинади.

Теккерей юқори табақага мансуб бадавлат оилада дунёга келди. У олти ёшига қадар ота-онаси билан Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида яшайди. Отасининг вафотидан сўнг у Англияга қайтади ва бобоси қармоғида бўлади. 1829 йил Теккерей Кембриж университетига ўқишга киради. Бўлажак адиб Германия, Италия ва Францияга саёхат қилади. У буюк шоир

И.В. Гёте билан танишади. Лондонга қайтгач, журналистика ва нашриёт ишлари билан шуғулланади, карикатура санъати билан

машғул бўлади. Айни пайтда "Фрейзере мэгезин" (Frazer's Magazine) журналида ўз мақола ва очеркларини эълон қилиб боради. 1840-1844 йилларда Теккерей ўзининг "Кэтрин" (Catherine, 1840), "Жемс де ла Плюш хотиралари" (Memoirs of Jems de la Pluch), "Мешчанлик тарихи" (A Shabby-Genteel Story, 1840), "Барри Линдон мансаби" (The Luck of Barry Lydon, 1844) каби илк қисса ва романларини ёзади. Бу асарларида адиб буржия жамияти ва унинг хулқ-атворини сатирик талқинда баён этади. Адиб ижодида шаклланган бу маҳорат унинг "Сноблар китоби" (The Book of Snobs, 1846-1847)да янада чуқурроқ талқин қилинади.

Диккенс 1848 йил ўзининг машҳур асари "Шухратпарастлик кўрғазмаси" (Vanity Fair. A Novel Without a Hero) романини эълон қилади. Бу роман адибга катта шухрат келтиради. Ёзувчи ўзининг "Сноблар китоби" асарида жамиятда шаклланган буржуа синфи вакиллари образини яратиш билан улар тилидаги "сноб" сўзига ҳаётий тус беради.

Теккерей тасаввурида сноб - бу юқори лавозимда турувчиларга итоатгўйларча сажда қиладиган, қуйи лавозим кишиларига эса нафрат билан боқадиган шахсдир. Аммо ёзувчи бу сўзнинг маъносини жуда кенгайтириб, унга буржуа жамиятидаги барча иллатларни яъни - лаганбардорлик, бахиллик, амалпарастлик, йиртқичлик, тошбағирлик, мунофиқлик каби иллатларни ҳам киритади. Адиб бу ҳажвий романида "Англия буржуа жамияти" дейиш ўрнига "Ланати сноб жамияти" деган иборани ишлатади. Теккерейнинг реалистик ёзувчи сифатидаги кучи шундан иборатки, барча иллатларни туғдирган бу синобизмни аёвсиз фош этди. Адибнинг таъкидлашича сноблар жамияти барча қатламлар орасида мавжуд бўлиб, улар юқори табақа амалдорлари даврасида ҳам, савдо аҳли, турли шахслар, университет профессураси, ҳатто ижод аҳли орасида ҳам керагича топилади. Ёзувчининг ўткир ҳажвияси Англия қиролини ҳам четлаб ўтмайди. Унинг "Тождор Сноб" очеркида инглиз қироли Георг IV қиёфаси намоён бўлган эди.

"Шухратпарастлик кўрғазмаси" романидаги воқеалар XIX асрнинг бошлари Англияда содир бўлиб ўтади. Романнинг асосий қахрамонлари Бекки Шари ва Эмилия Седли исмли қизлар. Биринчиси ота-онасиз етим қиз, иккинчиси бой хонадоннинг фарзанди. Иккала қиз пансионда бирга ўқишади. Пансионни тугатгач, Эмилия офицер Жорж Осборнга, Бекки эса офицер Родон Кроулига турмушга чиқади. Эмилия бахтли турмуш қуруш учун ўз эрига вафодор хотин бўлса, Бекки ҳаётида лаззатли яшашни истаб енгил йўллارни ахтаради. Эмилияга эри вафосизлик қилади, Бекки эса эрини алдаб яшайди. Оқибатда икки оила ҳам бахтсизликка учрайди. Бекки Шари ва Эмилия Седли яшаб турган жамият ёзувчи таърифида шухратпарастлик васвасасига тўлганлар жамиятидир. Бу жамият аъзоларига айёрлик, мунофиқлик, ахлоқсизлик каби иллатлар сингиб кетган. Теккерей ўз романида ана шу ҳолни жуда ишонарли қилиб тасвирлайди.

Теккерейнинг реалистик ва сатирик маҳорати унинг "Пенденнис тарихи" (The History of Pendennis, 1850) ва "Ньюкомлар" (The Newcomes, Memoirs of a Most Respectable Family, 1855) романларида ҳам намоён бўлади. Бу асарларида

адиб ўзи яшаб турган жамиятдан ижодий фазилатлар соҳиби бўлмиш қахрамонларини тасвирлашни мақсад қилиб олган бўлса-да, барибир уларда ҳам баъзи ҳаётий нуқсонларда, норозиликлар мавжудлиги аён бўлади. Масалан, ёш мусаввир Клайв Ньюком ҳаётда соф виждонли, ҳақгўй одам. Аммо у ўта лоқайд, ҳеч нарсага қизиқмайди ва қизиқишга ҳаракат ҳам қилмайди, яшашдан мақсади ҳам йўқ.

1850-йилларда Теккерей бир қатор тарихий романлар яратди. Улар "Ҳенри Эсмонд тарихи" (The History of Henry Esmond, 1852), "Виргинияликлар ёки ўтган юз йиллик тарихидан" (The Virginians, a Table of the Last Century, 1857-59) ва ҳоказо. Бу романларида адиб XVII аср Англия қироллигида бўлиб ўтган воқеаларга мурожаат қилиб стюартлар сулоласи даври сиёсий можаролари сабабларини образли тасвирлашга ҳаракат қилди.

Уилям Теккерей асарлари нашри:

The works: In 26 vol. - London: Smith, Eldera. Co., 1899 - 1907.

Henry Esmond. - London: Collins, 1954. - 448 p.

The Newcomes: In 2 vol. - London: Dent, 1962.

Vanity fair. London: Collins, 1954. - 640 p.

Собрание сочинений: В 12-ти томах /Под общ.ред. А.Аникста и др. - М: Худож. лит, 1974 - 1980.

Ярмарка тщеславия. Роман без героя /Пер М.Дьяконова. - М: Худож.лит, 1968 - 814 с. (Б-ка всемирной лит.).

Уильям Теккерей ҳақида:

Ray Cordon N. Thackeray: The uses of adversity, 1811-1846. - New York: McGraw-Hill, 1955. - XIII. 537 p.

Ивашева В.В. Теккерей - сатирик. - М: Изд-во МГУ, 1958. - 304 с.

Уильям Теккерей //Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М: Высш.школа, 1982, с. 293 - 302

Уильям Теккерей //Азизов К., Каюмов О. Чет Эл адабиёти тарихи XVIII - XX асрлар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1987, 168 - 172 бетлар.

Уильям Теккерей. 1811-1863 // Холбеков М. Чет эл адабиёти классиклари. Қўлланма. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1993, 61-63 бетлар.

Шарлотта Бронте (Charlotte Bronte. 1816-1856)

Инглиз танқидий релизм адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бири опа-сингил Бронтелар ижоди ҳисобланади. Шарлотта Бронте (1816-1856), Эмилия Бронте (1818-1848) ва Анна Бронте (1820-1840)лар ижодида инглиз буржуа жамияти, хусусан жамиятда аёллар ўрни ва уларнинг хусуматли тақдири ўз ифодасини топган.

Опа-сингил Бронтелар Йоркшир графлигида яшовчи рухоний оиласида дунёга келдилар. 1846 йил опа-сингилларнинг "Каррер, Эллис ва Эктон Белл. Шеърлар" (Poems by Currer, Ellis and Acton Bell) номли илк китоби нашр қилинади. Кейинчалик опа-сингил Бронтелар алоҳида ижод қилишади. Улардан Шарлотта Бронте ўз романлари билан инглиз адабиётида классиклар қаторидан ўрин олди. Адиба қаламига мансуб романлар: "Ўқитувчи" (The Professor, 1847), "Жен Эйр" (Jane Eyre, 1847), "Шерли" (Shirley, 1849), "Вильетт" (Villette, 1853) ҳисобланиб, уларда асосан буржуа тузумида аёллар тақдири қаламга олинган.

Шарлотта Бронтега унинг "Жен Эйр" романи жаҳоний шуҳрат келтирди. Роман бирқадар автобиографик характерга эга бўлиб, бош қаҳрамон Жен Эйр тақдири муаллиф тақдирига яқин туради. Табиатан содда, ишонувчан бу аёл ҳаётда серғайрат, мустақил фикрловчи, жамиятга ўз муносабатини билдира оладиган, айна пайтда ўз инсоний қадриятларини ҳимоя қилишга қодир шахс.

Муаллиф ўз қаҳрамони Жен Эйр қиёфасида ҳақ-ҳуқуқи учун курашган замонасининг зиёлий аёлини кўришга ҳаракат қилади. Аёл зотининг уйда нафақат хотинлик вазифасини бажарувчи чўри, балки турмуш ўртоғига содиқ дўст, маслаҳатгўй ва маслакдош ҳам бўлишни, оилада у билан тенг ҳуқуқли шахс эканини такидлайди.

Жен Эйрнинг ақлли ва зиёлий аёл тарзда шаклланишида унинг болалигидан Ловуд пансионидида олган тарбияси асосий рол ўйнайди. Пансионда ёш қизларни итоаткор гувернантка (уй бекаси, хизматкор) ликка тайёрлашарди. У ерда қизлар ўқиш ва ёзишни ўрганиш билан бирга оилада ўта камтарин, итоаткор бека бўлиш қонунларини ўзларига жо қилишлари лозим эди. Бундай йўл тутишни истамаган қизалоқлар тарбиячилар

ғазабига учраб, оғир жазоларга маҳрум қилинар, ҳатто калтакланарди. Оқибатда улар пансион қонуниятлари измига бўйсинишга мажбур бўларди. Фақат Жен Эйргина бу қоидаларга бўйсинмайди, ўзининг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилади. "Бизни ҳеч бир сабабсиз калтаклашишса, қараб турмасдан шундай жавоб қайтармоғимиз керакки, улар бошқа бизга қўл кўтармайдиган бўлишсин", дейди у.

Жен Эйр образи бу давр инглиз адабиётида янгилик эди. Реалистик адабиёт вакиллари Диккенс ва Теккерей ҳам ўз романларида Жен Эйр киёфасидаги аёл образини тасвирлагандилар. Шу боис ҳам Шарлотта Бронте яратган Жен Эйр образини улуғловчи ушбу романи муаллифга шон-шуҳрат келтирди.

Шарлотта Бронте асарлари нашри:

The life *and* works of Charlotte Bronte and her sisters: In 7 vol. - London: Smith, Elder, 1891-1905.

Jane Eyre/ Предисл. З.Гражданской. - М: For. long, publ.house, 1958. - 575 p.

Джен Эйр/ Пер. В.Станевич. Предисл. З. Гражданской. - М.: Гослитиздат, 1955. - 516 с.

Шарлотта Бронте ҳақида:

Gaskell E. The life of Charlotte Bronte. - London: Lehmann, 1947. - 400 p.

Kniers E.A. The art of Charlotte Bronte. - Athens: Ohio univ.press, 1969. -X. 234 p.

Левидова И.М. Шарлотта Бронте: - М.: Всесоюзн. кн. палата, 1956. - 23 с.

Сестры Бронте // Аникин Г.В. Михальская Н.П. История английской литературы. -М: Высш. школа 1982, с.303-311.

Томас Майн Рид (Thomas Mayne Reid. 1818-1883)

Майн Рид жаҳон адабиётида саргузашт романлар муаллифи сифатида машҳурдир. Унинг "Бошсиз чавандоз" (The headless horse, 1966) романи дунё тилларига таржима қилинган. Шунингдек адиб қатор илмий ва саёҳатнома китоблари муаллифи ҳамдир.

Майн Рид Ирландияда рухоний оиласида таваллуд топган. 1840 йил у иш топиш ниятида Америкага боради. Бирок

Америкада ўзи орзу қилган ҳаёт ва кўнглига маъқул иш тополмай, бир қанча вақт журналистика билан шуғулланади. 1846-1848 йиллар АҚШ ва Мексика урушида иштирок этади. Уруш тафсилотларига бағишланган "Кўнгиллилар" (1850) романини ёзади.

1850 йил Майн Рид тарихий-саргузашт жанрда бир қатор романлар эълон қилди. Улар орасида "Оцеола, семиноллар сардори" (The Half-blood, or Oceola, The Seminole, 1858), "Бошсиз чавандоз" (The headless horse, 1966) романлари адибга жаҳоний шуҳрат келтиради. "Бошсиз чавандоз" романида оқ танлиларнинг Америка ғарбидаги ерларни эгаллаб, туб аҳолини куллик ҳукмига маҳкум этаётган давр тасвирланган. Роман қаҳрамони ёввойи отларни тутувчи Морис Жеральд ва иш бошқарувчи Кассий Калхаун йирик плантатор Пайндекстернинг жияни соҳибжамол Луизага ошиқ бўладилар. Морис Жеральд қизни чин қалбан севса, Кассий Калхаун амакисининг бойлиги, еру-мулкига эга бўлиш ниятида унга уйланмоқчи эди. Орадаги келишмовчилик икки йигитнинг очикчасига курашувига айланади. Ўз ниятига эришмоқ учун Кассий Калхаун душмани Морисни йўқ қилиши лозим эди. У мақсадига эришиш учун ҳийла ишлатади ва Луизанинг укаси Хенрини ўлдириб, унинг қотили Морис Жеральд дея овоза тарқатади. Дарвоқе, ўрмонда ўлдирилган Хенрининг жасадини Морис топиб олиб, уни отига худди тирик чавандоз сифатида боғлайди. Хенрининг оти Морисга ташланган қоплондан ҳуркуб ўз эгаси - бошсиз чавандозни олиб қочади. Хенри ўлими билан боғлиқ барча далиллар Морис Жеральдга қарши эди. У судланиб, қатл этилиши аниқ бўлган пайтда кекса овчи Зеб Хенрининг отини тутиб, устидаги жасад билан суд майдонига олиб келади. Хенри ўлимининг сири ошкор бўлгач, Кассий Калхауннинг ўзи ўлимга ҳукм қилинади. Севишганлар Морис Жеральд ва Луиза Пойндекстер турмуш қурадилар, романнинг охири ижобий тугайди.

Романда муаллиф 1850 йиллар Техас штатидаги ҳаёт, турмуш тарзи ва табиат манзаралари билан ўқувчини кенг таништиради.

Майн Рид асарлари нашри:

The half - blood, or Oceola the Seminole. - London: Charles H. Clarke. 1861. - 458p.

Собрание сочинений: В 6-ти томах. / Под общ. ред. Р.М. Самарина и др.; - М.: Дет.лит. 1956- 1958.

Всадник без головы / Пер. А.Макаровой. - М.: Дет. лит. 1968. - 461с.

Бошсиз чавондоз. Роман.

Майн Рид хақида

Reid S. Mayne Reid: A memoir of his life. - London, 1890. - 250 p.

Майн Рид // Основные произведения иностранной художественной литературы. - М.: Книга 1980, с. 155-156.

Жорж Элиот (George Eliot 1819-1880)

Жорж Элиот (Мэри Энн Ивенс - Mary Ann Evans) ижоди XIX асрнинг 50-70 йиллари инглиз танкидий реализм адабиётида алоҳида ўрин тутди. Адиба замондошлари Диккенс, Теккерей ва Шарлотта Бронте анъаналарини ўз ижодида давом эттирган ҳолда реалистик роман жанрини янги ғоя ва мазмун билан янада бойитди. Жорж Элиот романларида инсон тақдири, унинг ҳолатлари реал воқеалар иштирокида тасвирланади.

Жорж Элиот фермер оиласида дунёга келади. Қишлоқ ҳаёти шароитида тарбияланади. 1841 йил Элиотлар оиласи Лондонга кўчиб келади ва Мэри Энн бу ерда хорижий тилларни ўрганади, философия ва теология илмидан сабоқ олади. У дастлаб Штрауснинг "Исо Масеҳ ҳаёти", Фейербахнинг "Христианлик эътиқоди" ва Спинозанинг "Сиёсий-теологик трактат" асарларини инглиз тилига ўгиради. Кейинчалик адиба "Вестминстер шаҳри" журналида адабий-танкидий мақолалар билан фаол қатнаша бошлайди ва файласуф олим Жорж Хенри Льюис билан яқин алоқада бўлади. Улар Англия ҳаётида илк бор гражданлик никоҳи билан турмуш курадилар.

Жорж Элиот ижодини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи даври 1850-1860 йилларга тўғри келади. Бу даврда Элиот ўзининг "Диндорлар ҳаётидан лавҳалар" (Scenes of Clerical Life, 1858), "Адам Бид" (Ааат Bede, 1859), "Сайлас Марнер" (Silas Marner, 1861) романларини ёзди. Адиба

ижодининг иккинчи даври 1862-1880 йилларга тўғри келади. Бу даврида у "Ромола" (Romola, 1863), "Радикал Феликс Холт" (Felix Holt, the Radical, 1866), "Миддлмарч" (Middlemarch, 1872) ва "Даниэл Деронда" (Daniel Deronda, 1878) романларини эълон қилади.

Элиотнинг биринчи даврда яратган романларида асосан қишлоқ ҳаёти воқеалари тасвирланади. Унинг қаҳрамонлари оддий кишилар: темирчи Адам Бид, тўқувчи Сайлас Марнер, майда фермерлар, қишлоқ руҳонийлари ва бошқа касбга мансуб кишилардир. Ёзувчи табиатан содда, ҳақгўй ва саҳий бу одамларнинг камсуқум ҳаётини реал тасвирлашга ҳаракат қилади. Улар орасидан асарига ижобий қаҳрамонлар излайди.

Элиот реализмининг қирралари унинг "Флосседаги тегирмон" (The Mill on the Floss, 1860) ва "Миддлмарч" романларида кўринади. Масалан "Флосседаги тегирмон" романининг қаҳрамони Мэгги Талливер қишлоқдошларига ўхшамасликка, улардан ўзини устин кўрсатишга уринади. Бу эса унинг хатоси эди. Мэггининг укаси Том эса ҳаётда опасининг ҳатти-ҳаракатларини тушунмай яшайди. Том онасига ўхшаган бўлса, опаси Мэгги отасининг характерини ўзида шакллантирган эди. Шу боис опа-ука ҳаётда турли характер ва хулққа эга бўладилар, ўзаро келишолмайдилар. Муаллиф романда Англиянинг бир қишлоғи Сенг-Оггсда яшовчи фуқаролар ҳаётидаги хулқ-атвор ва характерларнинг ранг-баранглигини ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилади. Хулқлар тарихини яратишда жамиятдаги социал тузумнинг таъсирини кўрсатиб беради. Хулоса қилиб айтганда Жорж Элиот ўз ижодида XIX аср инглиз танқидий реализм адабиётида социал турмуш ва буржуазия тузумида шаклланган хулқлар тарихини яратиб берди.

Жорж Элиот асарлари нашри:

The complete works: ш 10 vol. - London: New York: Postlethwaite, 1908.

Middlemarch: A study of provincial life / With an introd. by R.W. Hewitt. - London: Oxford univ.press., 1950 - XVI. 896 p.

The Mill on the Floss. - London:Oxford univ. press., 1940. -VII. 608 p.

Мельница на Флоссе /Пер.Г.Островской и Л.Поляковой;
Вступ.статья К.Ровди. - М.Л.; Гослитиздат, 1963. - 559 с.

Жорж Элиот хақида:

Allen W. George Eliot. - New York: Macmillan, 1964.- 192 p.

Haight G.E. George Eliot: A biography. - London: Oxford univ. press, 1968. - 616 p.

Ивашева В.В. Жорж Элиот. 1819 - 1880 // Ивашева В.В. Английский реалистический роман XIX века в его современном звучании. - М, 1974, с. 358 - 412.

Жорж Элиот. 1819-1880 // Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английский литературы. - М. - Высш. школа 1982, с. 315 -318.

Томас Харди (Thomas Hardy. 1840-1928)

Томас Харди XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида ижод қилган машҳур инглиз ёзувчиси. Адиб ўз романларида қишлоқ ҳаёти ва турмуш тарзини ёрқин тасвирлаш билан шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги социал тафовутни асосий сабабларини очиб берган. Унинг фикрича қиролича Виктория даврида қишлоқлар камбағаллашиб, йўқсулликга юз тутди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида ижтимоий ва социал узвийликка путр етди. Сабаби шаҳарлардаги капиталистик муносабатлар қишлоқларни менсимай қўйди ва қишлоқ аҳолиси эски патриархал тузумда қолиб кетди. Касби архитектор бўлган Томас Харди бир умр қишлоқда яшайди ва бадиий ижод билан шуғулланади. Айни пайтда у ижодкор сифатида бадиий адабиётдаги муносабатликка, унинг жамият ва тузум билан муросада бўлишига қарши туради. Замонавий адабиёт қандай бўлиши, унинг халқчиллиги хусусида у ўзининг "Бадиий адабиётни ўқишнинг фойдаси" (The Profitable Reading of Fiction, 1889) ва "Инглиз адабиётида ҳаққонийлик" (Candour in English Fiction, 1890) мақолаларида фикр юритади. Харди фикрича XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб инглиз адабиётида роман жанри юксалди, поэзия ва драматургияни ортида қолдириб, жамиятдаги сиёсий ва социал муаммоларни ўзида кенг қамровли ҳолатда ёрита бошлади.

Томас Харди ўз романларини қуйидаги мавзуларга ажратади: "Характерлар ва қалблар ромони" (Novels of

Characters and Environment); "Тасвирий ва экспериментал романлар" (Novels of Ingenuity and Experiment), "Тарихий ва фантастик романлар" (Romances and Fantasies). Булар ичида биринчи гуруҳга кирувчи романлар адиб ижодининг асосини ташкил этади. Улар қуйидагилар: "Яшил дарахт остида" (Under the Greenwood Tree, 1872), "Ақлдан озганлар тўдасидан узокда" (Far from the Madding Crowd, 1874), "Мэр Кестербриджнинг ҳаёти ва ўлими" (The life and Death of the Mayor of Casterbridge, 1885), "Ўрмонлар адоғида" (The Woodlanders, 1897), "Тэсс д'Ербервиллар назидан" (Tess of the d'Urbervilles, 1891), "Кўз илғамас Жуд" (Jude the Obscure, 1895), "Ватанга қайтиш" (The Return of the Native, 1878).

Харди-реалист ўз романларида XIX аср Англиянинг узок кишлок ва провинцияларидаги ҳаётини тасвирлайди. Капитал дунёсининг у ерларга ҳам кириб бориб аҳолини ўз измига олганини, зулмга грифтор қилганини образлар талқинида ёртиб беради. Унинг энг машҳур романлари қаҳрамонлари Хенчард ("Мэр Кестербридж"), Тэсс ("Тэсс д'Ербервиллар назидан"), Жуд ("Кўз илғамас Жуд")ларнинг ҳаёти фожиали ҳолатда тасвирланади. Масалан, ҳақгўй, ақлли ва эркин фикрловчи Мэр Майкл Хенчард ўз меҳнати туфайли эришган мансабида узок вақт туrolмайди. Уни ишбилармон ва амалпараст Фарфре мансабдан туширади ва унинг жойини ўзи эгаллайди. Фарфре бу билан қоникмай Хенчарднинг уйини, савдо магазинини, ҳатто севган қайлиғини ҳам тортиб олади. Кейинчалик Хенчарднинг тутинган қизига уйланади. Оқибат бор-будидан айрилган Хенчард олдинги йўқсил ҳолатига қайтади ва танҳоликда оламдан кўз юмади. Ёзувчи Хенчарднинг фожиавий тақдирини ачинарли ҳолатда тасвирлар экан, уни гўё аччиқ тақдир ва аччиқ ҳақиқат катта хато қилгану учун, маст ҳолида ўз рафиқасини моряк Ньюсонга сотгани учун жазолаган эди.

1904-1908 йиллар орасида Томас Харди ўзининг сўнгги асари "Династлар" (The Dynasts. An Epic Drama of the War with Napoleon) эпик драмасини яратади. Драмадаги воқеалар Наполеон урушлари даврида содир бўлиб ўтади.

Томас Харди асарлари нашри:

Works: In 10 vols. - Leipzig: Tauchnitz, 1883.

Collected poems: - London: Macmillan, 1932. - XXXII, 917 p.
Tess of the d'Urbervilles. - M: For. lang. public, house, 1950. - 415 p.

Избранные произведения: В 3-х томах. - М: Худож. лит; 1989.
Тэсс из рода д'Ербервиллей; Жуд незаметный. - М: Худож.лит., 1970 - 383 с. (Б-ка всемирной лит.).

Томас Харди хақида:

Hawkins D. Hardy: novelist and poet. - New York: Barnes a. Noble, 1976.-247 p.

Урнов М.В. Томас Харди: Очерк творчества. - М: Худож.лит, 1969. -150 с.

Томас Харди // Аникин Г.В. Михальская Н.П. История английской литературы. - М: Высшая школа 1982, с 334 - 341.

Роберт Луис Стивенсон (Robert Louis Stevenson. 1850-1894)

Роберт Стивенсон ижоди XIX аср инглиз романтизм адабиётининг неоромантизм оқимиға мансубдир. Унинг асарларида даврининг мурасасиз зиддиятлари, драматик тўқнашувлар, кучли психологик кечинмалар ва фантастик-саргузашт воқеалар оқими ўз аксини топади. Ёзувчини кўпроқ социал ва хулқ-атвор муаммолари қизиқтиради. Бу соҳада у кўпроқ ўзидан олдинги романтиклар ижодига таассуб қилади.

Роберт Стивенсон Шотландиянинг Эденбург шаҳрида инженер оиласида таваллуд топган. У оилада ёлғиз фарзанд бўлиб, касалманд ўсади. Шу боис ҳаётининг кўп қисмини иссиқ ўлкаларда, Калифорния, Франция ва Тинч океани соҳилидаги мамлакатларда ўтказди. Ёзувчи ўзининг биринчи асари "Мархейм" (Markheim, 1885) ҳикоясини рус ёзувчиси Достоевский таъсирида ёзган эди. Ҳикоя қаҳрамони Мархейм камбағал оилага ёрдам бериш ва олийжаноб инсон бўлиш ниятида бадавлат антикварни ўлдириб қўяди. У кўрққанидан ўта хушёр бўлиб, ўзини ақлдан озган қилиб кўрсатади. Барибир виждон азобига чидолмасдан антикварнинг хизматкоридан бўлган воқеани полицияга бориб айтишини илтимос қилади

Инсон жисмидаги яхшилик ва ёмонлик аломатлари ёзувчининг “Доктор Жекел ва мистер Хайднинг ғалати тарихи” (The Strange Case of Dr. Jekyll and Mr. Hyde, 1886) қиссасида қаламга олинади. Қисса қаҳрамони доктор Жекел вақти-вақти

билан одамларга ёмонлик қилишга одатланади. Оқибатда доктор Жекел табиатида яхшилик ўрнини ёмонлик хислатлари эгаллай бошлайди, ва ниҳоят қаҳрамон ўзининг ёмон одатлари қурбонига айланади.

Стивенсон роман жанрини шартли уч турга бўлади. Саргузашт, драматик ва хулқлар романи. Ёзувчи ўз ижодида бир қатор саргузашт романлар яратди. Улар: "Хазиналар ороли" (Treasure Island, 1883), "Ўғирланган" (Kidnapped, 1886), "Катриона" (Catriona, 1893), "Қора ўқ" (The Black Arrow, 1888), "Баллантрэ хўжайини" (The Master of Ballantrae, 1889) каби романларидир. Бу саргузашт асарлар мазмунида муаллиф тарихий воқеаларга асосланади, аммо уларни атрофлича муҳокама қилишга урунмайди. Тарихий воқеалар муаллиф учун мавзу вазифасини ўтайди холос.

Стивенсон романлари орасидаги энг машҳури унинг "Хазиналар ороли" асаридир. Романдаги воқеалар XVIII асрда содир бўлиб, у хазина ахтарувчилар билан бирга бўлган болакай Жим тилидан ҳикоя қилинади. Воқеалар давомида муаллиф ишбилармон ва ақлли кекса пират Жон Селевер образини алоҳида бўрттириб тасвирлайди, унинг хатти-ҳаракатларида замонасига мос ўта уддабурон ва пихини ёрган устаси фаранг шахс қиёфасини гавдалантиради.

Хуллас, Стивенсон романларида қаҳрамонларнинг романтик хоҳишлари рўёбга чиқади, инсоний тафаккур ғалаба қилади, истак орзулар амалга ошади.

Роберт Стивенсон асарлари нашри:

The works: In 30 vol. - London: Heinemann, 1924 - 1926.

Treasure Island. - M: For. Long. publ. house, 1963 - 277 p.

Собрание сочинений: В 5-ти томах. // Под общ.ред.и со вступ, статьей М.Урнова. - М: Правда, 1967.

Остров сокровищ; Черная стрела; Владелец Баллантрэ; Алмаз Радже; Необычайная история доктора Джекила и мистера Хайда. - Л: Лениздат, 1977. - 718 с.

Хазиналар ороли. Роман. Русчадан.

Роберт Стивенсон хақида:

Pope-Hennessy I. Robert Lewis Stevenson. - London: Cope, 1974, - 276 p.

Оддингтон Р. Стивенсон. Портрет бунтаря / Послесл. Д. Урнова. -М: Мол. гвардия, 1973. -286 с.

Роберт Луис Стивенсон // Аникин Г.В., Михальская Н.П., История английской литературы. - М: Высшая школа, 1982, с. 343 - 345.

Оскар Уайльд (Oscar Wilde. 1856-1900)

Оскар Уайльд ижоди XIX аср инглиз адабиётида алоҳида ўрин тутди. У бадий адабиётда янги йўналиш - эстетизм оқимини жорий этди ва унинг ақидаларини ўзининг "Орзулар" (Intentions, 1891) деб номланган мақолалар тўпламида ифодалайди. Адиб эстетизмининг бош ғояси ноҳақликлар ҳукмрон бўлган жамиятда узлатга чекиниб, гўзаллик қўйнида ошифта яшаш инсонга бахт-саодат келтиришидан иборат эди.

Оскар Уайльд Ирландияда зиёли оиласида таваллуд топди. Адибнинг отаси врач бўлсада, қадим ирланд фольклорига қизиққан, у ҳақда илмий тадқиқот яратган, онаси эса яхшигина шоира эди. Оксфорд университетини тугатгач, Оскар Уайльд бир неча вақт гўзаллик салонларида вақтини ўтказди, Европа ва Америкада эстетика ва эстетизмдан лекциялар ўқийди. Ва ниҳоят Оскар Уайльд ўз ҳаётини тажрибалари яқуни "Ёлғонлар инқирози" (The Decay of Lying, 1889) китобини ёзади. Китобда муаллиф санъатни биринчи ўринга қўйиб, инсон яшаши учун энг аввало эстетик дид ва санъат гўзаллигидан баҳра олмоғи лозим, деган ғояни олга суради. У эстетик дид ва олифталиккина бахтли яшашга имкон яратади, деган хулосага келади. Айни пайтда инсонларни жамиятдаги ўзгаришлар, қарама-қаршиликлар, инқилобий тўнтаришлар қизиқтирмаслиги лозим. У ўзининг эстетик дунёқараши, олифта кийиниши, борлиққа нописанда боқиши билан барча разилликлардан устун туриши керак. Мана шу ҳолатгина одамни жамият ва муҳитга бефарқ бўлишга, оромида яшашга, хузр-ҳаловатда умргузаронлик қилишга ундайди.

Оскар Уайльд ўз эстетик қарашларини ижодининг биринчи даврида эълон қилган "Бахтли шаҳзода ва бошқа эртаклар" (The Happy Prince and Other Tales, 1888) ва "Қирмизи уй" (A House of Pomegranates, 1891) номли эртаклар тўпламида талқин қилади. Масалан: "Бахтли шаҳзода" эртакда шаҳзодага

ўрнатилган бюст жонга кириб, бўйнидаги қимматбаҳо тақинчоқларни олиб, йўқсулларга тарқатишни учиб бораётган қалдирғочдан сўрайди. Қалдирғоч шаҳзоданинг илтимосини бажаради ва бахтли одамга айлантиради. Қиссадан-хисса, шаҳзода ҳаёт даврида одамларга яхшилик қилолмади, у жамиятдаги тўқнашувлар қурбони бўлди. Фақат вафотидан сўнг ҳаётида бажараолмаган инсоний яхшиликларни кеч бўлсада адо этишга, руҳан покланиб қилган ишидан мамнун кетишга жазм этади.

Санъатнинг ҳаётдан устунлиги, гўзаллик борлиқни бошқариб турувчи қудратли куч эканлиги, улардан лаззатланиш юксак эстетик дидни талаб этиши Оскар Уайльднинг "Дориан Грей портрета" (The Picture of Dorian Gray, 1891) романи ва "Ҳаққоний эр" (An Ideal Husband, 1895), "Эътиборга нолайиқ аёл" (A Woman of No Importance, 1893) пьесаларида ўз ифодасини топади.

Масалан: "Санъат ҳаётдан устундир" ғояси адибнинг "Дориан Грей портрети" романидаги Дориан ва Сибила образида қуйидагича талқин этилади. Дориан театр актрисаси Сибила Вейни Шекспир фожеаларидаги Жулетта ва Розалинда образларини қойилмақом ижро этгани учун севиб қолади. Сибила ҳам унинг муҳаббатига жавобан ўз севгисини ошқор этади. Аммо Сибила ўзининг сахнадаги эҳтиросли "ясама севгисини" ҳаётда Дорианга нисбатан ифода этолмайди, ҳаётда сохта муҳаббатга ўрин йўқ эди. Оқибат Сибила чин муҳаббатини маъқул кўриб, сахнада олдингидек эҳтиросли севгига молик ролларни маҳорат билан ўйнолмайди. Санъатни ўз ҳаётидан ҳам ортиқ севувчи Дорианнинг Сибилага бўлган муҳаббати сўнади. Дорианнинг ўзини ортиқ севмаслигига ишончи комил бўлган Сибила ўзини ўзи ҳалок қилади.

Оскар Уайльд 1895 йил шарму-ҳаёсизликда айбланиб қамокқа олинади. Сабаби адибнинг буржуа хулқ-атворини бадий асарларида ошқора танқид қилгани унинг қонунчиларига маъқул тушмаганди. Қамокда адиб ўзининг сўнги асари "Реди қамокхонасида ёзилган баллада" (The Ballad of Reading Gaol, 1898) поэмасини ёзади.

Оскар Уайльд асарларининг нашри:

Complete works: In 9 vol. - New York: The Nottingham soc., 1905-1909.

The picture of Dorian Gray. - M.: For. lang. publ. house, 1965. - 287 p

Избранные произведения: В 2 х томах / Предисл, А.Аникста, - М.Гослитиздат, 1960.

Избранное: Стихотворения; Стихотворения в прозе; Портрет Дориана Грея; Рассказы; Сказки; Пьесы - М: Изд. «Правда», 1989. - 736 с.

Оскар Уайльд хақида:

Pearson H. The life of Oskar Wilde. - Harmondsworth, Midd'x: Penguin books, 1960 - 393 p.

San Juan E. The art of Oskar Wilde. - Princeton: Univ.press, 1967. - X. 238 p.

Урнов М.В. Оскар Уайльд // Урнов М.В. На рубежи веков. - М; 1970, с. 149- 171.

Оскар Уайльд 1854 - 1900 // Аникин Г.В. Михальская Н.П. История английской литературы, 1982, с. 348 - 354.

Холбеков М. Оскар Уайлднинг эстетик олами / Жаҳон адабиёти, 2012, 1-сон.

Редьярд Киплинг (Rudyard Kipling. 1865-1936)

Редьярд Киплинг ижоди XIX аср охири неоромантизм адабий оқимида мансуб бўлсада, у "харакатдаги адабиёт" йўналишида ижод қилди. Адиб ўз асарларида империализм реакциясини маъқуллаб, унинг ғояларини тарғиб этди. 1907 йил ўнта "янги адабий услуб кашф этгани учун" унга Халқаро Нобель мукофоти берилди.

Редьярд Киплинг 1865 йил Ҳиндистонда яшовчи инглиз зиёлиси оиласида таваллуд топди. Англияда таълим олди, кейинчалик Ҳиндистонга қайтиб, шу ерда муқим яшаб қолди. Кўп йиллар журналист сифатида фаолият кўрсатди. Илк шеърлари билан адабиёт оламида танилди. 1886-1896 йиллар орасида унинг "Чиновник кўшиқлари ва бошқа шеърлар" (Departmental Ditties and Other Verses, 1886), "Казарма балладалари" (Barrack-Room Ballads, 1892), "Етти денгиз" (The Seven Seas, 1896) шеърлий тўпламлари нашр этилди.

Киплинг ижоди давомида бир қатор ҳикоялар китобини ҳам яратади. "Тоғлиқларнинг оддий ҳикоялари" (Plain Tales from the Hills, 1887), "Уч салдат" (Soldiers Three, 1888), "Рикша-арвоҳ" (The Phantom Rickshaw and Other Tales, 1889) номли тўпламлардан ўрин олган бу ҳикоялардаги воқелик Ҳиндистонда содир бўлиб ўтади, уларда инглизларнинг ерли халқ ҳиндлар билан муносабати тасвирланади.

Киплингга жаҳоний шуҳрат келтирган асарлари унинг "Жунгли китоби" (The Jungle Book, 1894) ва "Иккинчи Жунгли китоби" (The Second Jungle Book, 1895) бўлди. Ҳар иккала асарда ҳинд фольклори мазмуни ўзининг бадиий ифодасини топган бўлиб, Жунглининг ўзига хос қонуниятлари, тартиб-интизами конкрет образларда эътироф этилади. Айни пайтда ёзувчи ўзининг реакцион, яқка ҳукмронлик дунёқарашини китобларда тасвирланган ҳайвонлар қиёфасида акс эттиради. Шунингдек, китобларда Ҳиндистоннинг бой табиати ва ҳайвонот дунёси Маугли образи атрофида жуда таъсирчан қилиб тасвирланганини кўрамыз.

Киплинг ижоди давомида бир-неча романлар ҳам ёзди. "Ёруғлик ўчди" (The Light that Failed, 1891), "Довюррак капитанлар" (Captains Courageous, 1897), "Ким" (Kim, 1901) романлари шулар жумласидандир.

Киплинг ижоди кейинчалик Жек Лондон ва Сомерсет Моэм ижодига катта таъсир кўрсатди.

Киплинг асарлари нашри:

The Writings in prose and verse: In 31 vol. - New York: Scribner, 1910 - 1926.

The Jungle book. - London: Macmillan, 1955. - VII. 279 p.

Лиспет: Рассказы /Вступ. статья Р.Самарина - Л.: Худож. лит, 1968. - 487 p.

Маугли / Пер. С.Займовского. - М.: Л; Детиздат, 1941 - 222 с.

Стихотворения; Рассказы. - М., 1976, с.341 - 422 (Б-ка всемирной лит.)

Киплинг ҳақида:

Amis K. Rudyard Kipling and his world. - London: Times a. Hudson, 1975. - 125 p.

Wilson A. The strange ride of R.Kiplind. - New York: Viking Press, 1978. - 370 p.

Урнов М.В. Редьярд Киплинг // Урнов М.В. На рубеже веков. - М., 1970, - с. 311-323.

Редьярд Киплинг // Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М.: Высш.школа, 1982, - с. 355 - 360.

Этель Лилиан Войнич (Ethel Lilian Voynich. 1864-1960)

Этель Лилиан Войнич ижоди XIX аср сўнгги чорагида Европа мамлакатларида кечган инкилобий ҳаракатлар, социал синфлар ўртасидаги тўқнашувлар оқибати билан боғлиқ ҳолатда шаклланди.

Войнич Ирландияда туғилди. Отаси Жорж Буль таниқли математик олим бўлиб, кизи Лилианнинг билим олиши учун барча шароитни яратиб беради. Ёш Лилиан Европадаги, айниқса Россияда кечаётган халқ инкилобий ҳаракатларига яқинлашади. 1887 йил Лилиан Петербургга келади ва яширин инкилобий ҳаракатда фаол қатнашади. 1890 йил поляк йигити Войничга турмушга чиқади ва у билан ёнма-ён рус озодлик ҳаракатида иштирок этади.

Войнич ёшлигидан инглиз романтизм адабиёти вакиллари Байрон, Шелли, Блейк ижодини ўрганайди, Салтыков-Шchedрин, Гогол, Шевченко асарларини инглиз тилига таржима қилади. Бу ижодий жараёндан илҳомланган Войнич 1897 йилда ўзининг "Сўна" (The Gadfly) романини ёзиб тугатади. Роман муаллифга катта шуҳрат келтирди. 1898 йил роман рус тилига кейинчалик европанинг бошқа тилларига ўгирилади.

"Сўна" романининг бош қаҳрамони инкилобчи йигит Артур Бертон бўлиб, у XIX асрнинг 30-йилларида Италиядаги халқ озодлик ҳаракатида фаол иштирок қилади. Ундаги метин ирода қатиятлиқ ва ўзига бўлган ишонч она ватани ва халқининг эрки йўлидаги курашга илҳомлантирган эди. Халқ бу йигитдаги жасур ва жангарилиқ характерини тўғри баҳолаб унга "Сўна" лақабини беради.

Артур Бертон дастлаб халқларнинг эркин ва озод яшашларини тангрининг ўзи белгилайди, бунинг учун унга илтижо қилмоқ лозим, деган черков даъватига ишониб яшайди. Ҳатто "Худо йўлида озодлик учун" шиори остидан "Ёш

Италия" яширин ташкилотига аъзо бўлиб киради. Бироқ, бу ташкилотнинг хатти-ҳаракатидан ижобий натижа кўрмагач, ундан юз ўгиради. Бунинг эвазига Артурни маслакдошлари полицияга сотади. Қамокда Артур ўзини ҳақиқий инкилобчилардек тетик ва бардам тутади, ўзининг сиёсий билимини оширади.

Этель Лилиан Войнич ижодининг кейинги даврида "Жек Реймонд" (Jack Raymond, 1901), "Оливия Лэтан" (Olive Latham, 1904), "Узилган дўстлик" (An Interrupted Friendship, 1910), "Пойафзалингни еч" (Put off Thy Shoes, 1945) каби романларини яратди. Уларда "Сўна" романидаги воқеалар ва бош қаҳрамон тақдирининг давоми акс эттирилсада, олдингисидек машҳур бўлолмади. "Сўна" романи ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

Войнич асарларининг нашрлари:

The Gadfly /Предисл. Е.Таратуты. - М: Progress, 1964. - 344 p.

Olive Latham. - London: Lippincott, 1945.- VIII. 456 p.

Собрание сочинений: В 3-х томах. Вступ статья и примеч. Е.Таратуты. - М., «Правда», 1975.

Овод / Перев. Н.Волжиной. - М.: Дет. лит, 1976. - 304 с.

Сўна. Русчадан М.Исмоилий таржимаси. – Тошкент.

Войнич ҳақида:

Таратута Е.А. По следам «Овода». - М.: Дет. лит, 1967. - 224 p.

Этель Лилиан Войнич // Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы - М: Высш. школа, 1982, с. 362 - 365.

Артур Конан Дойль (Arthur Conan Doyle. 1859-1930)

Артур Конан Дойль фантаситик ва саргузашт романлар муаллифи, саргузашт-детектив роман жанрининг асосчиларидан бири саналади. Асли касби врач бўлган Конан Дойль ҳаёти давомида қатор детектив қисса ва ҳикояларини яратди. Улардан "Шерлок Холмснинг саргузаштлари" (The Adventures of Sherlock Holmes, 1891), "Баскервиллар ити" (The Hound of the Baskervilles, 1902), "Шерлок Холмснинг қайтиши" (The Return of Sherlock Holmes, 1905) каби қиссалари машҳурдир.

Конан Дойль қаҳрамонлари Бейкер-стритлик изкувар Шерлок Холмс ва унинг ёрдамчиси доктор Ватсеннинг

жиноятларни очишдаги топқирлиги, ишбилармонликлари ўша пайтда Англия полицияси марказий идораси Скотланд-Ярддаги лоқайд, ўз ишига совуққон ва юзаки қаровчи изкуварларга кесатик-киноя тарзда ёритилган эди. Ёзувчи яратган Шерлок Холмс образи мушоҳадаги бой ва ақл билан фикрловчи изкувар, айна пайтда ўзининг фантазиясига эга бўлган фаросатли шахсдир. Холмснинг сирдоши ва дўсти доктор Ватсен ҳам ўз касбига фидойи, дўстига содиқ, айна пайтда тадбиркор ҳамда хушёр одам. Ёзувчи тасвирида Шерлок Холмс ва доктор Ватсен ҳамкорликда энг оғир жиноятлар сирини ҳам ечишга қодир, бир-бирини тўлдирувчи, ўз касбига содиқ одамлардир. Ҳаётда Шерлок Холмснинг прототипи бўлганми, ёки у ёзувчи фантазиясими, деган савол туради. Аслида Конан Дойль Холмс образини яратишда ҳаётда яшаган, ўзи яхши таниган изкувар Жозеф Белл қиёфасини асос қилиб олади.

Конан Дойль ўз ижоди давомида бир қатор тарихий "Бадарға қилинганлар" (1893), "Бригадир Жерарнинг жасорати" (1895) ва илмий-фантастик "Йўқолган дунё" (1911), "Заҳарланган қамар" (1913) каби романлар ҳам ёзди. Шунингдек, 1900 йил Конан Дойль ҳарбий врач сифатида инглиз-бурс урушида қатнашади ва ўз хотираларини "Буюк Бурс уруши" (The Great Boer War, 1900) китобида акс эттиради.

Конан Дойль асарлари нашри

The works: In 10 vol. - New York: Collier, n.d;

The complete Sherlock Holmes: In 2 vol. - New York: Doubleday, 1930.

Собрание сочинений: В 8-ми томах / Под общ. ред. М.Урнова - М: Правда, 1966 - 1967.

Красным по белому. Рассказы о Шерлоке Холмсе / Послед. М.Тугушевой. - М.: Дет. лит, 1968 -495 с.

Конан Дойль хақида

Higham Ch. The adventures of Conan Doyle: The life of the creator of Sherlock Holmes. - New York: Norton, 1976. - 368 p.

Урнов М.В. Артур Конан Дойль // Урнов М.В. На рубеже веков. -М., 1970, с. 323-356.

Артур Конан Дойль // Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы - М.: Высшая школа 1982, с. 347 - 348.

Жон Голсуорси (John Galsworthy. 1867-1933)

XX аср инглиз реализм адабиётининг йирик вакилларида бири Жон Голсуорси ижодида замонасининг хукмрон синфи бўлмиш буржуа аристократлари ҳаёти, уларнинг эгоистик қиёфаси ва ножўя ҳаракатлари ёрқин тасвирланади. Айни пайтда меҳнаткаш халқ турмуши ва оғир меҳнати ачиниш билан қаламга олинади, синфий нотенгликлар кескин танқид қилинади.

Голсуорси Лондонда йирик адвокат оиласида таваллуд тодди. Оксфорд университетини тугатиб, юрист дипломига эга бўлади. 1891-1893 йиллар у дунё бўйлаб саёхат қилади ва қайтгач бутун фаолиятини бадиий ижодга бағишлайди. Адиб ўз ижоди давомида бир неча ўнлаб романлар ёзди. Унга форсайтлар сулоласи ҳақидаги романлари катта шуҳрат келтирди. Ёзувчи бу мавзуга ўзининг биринчи асари "Вилла Рубейн" (Villa Rubain, 1900) романида илк бор мурожаат этади. Романда инглиз буржуа оиласидаги ҳаёт, ўзининг қонун-қоидаларига бўйсунувчи турмуш тарзи ўз аксини топган эди. 1906-1938 йиллар орасида Голсуорси форсайтлар туркумини ташкил этувчи "Форсайтлар ҳақида сага" (The Forsyte Saga 1906 - 1921) ва "Замон комедияси" (A Modern Comedy, 1924-1938) трилогиялари киради. Ҳар иккала трилогияга кирувчи романларда муаллиф бир оиланинг қарйиб эллик йиллик умри тарихи улар яшаган жамият билан ҳамоҳанг тасвирланади.

"Форсайтлар ҳақида сага" трилогиясининг биринчи китоби "Мулкдор" (The Man of Property. 1906) романида адиб форсайтлар сулоласига мансуб бир неча оиллага тавсиф бериб ўтади. Бу оилалар Англия буржуа синфига мансуб бўлиб уларнинг яшаш тарзи маълум бир қолипда, авлодлар анъанасига хос хулқ-атвор доирасида кечади. Ҳеч ким бу тартибни бузушга ҳаққи йўқ, жамият ва тузум ўрнатган бу қонунлар форсайтлар учун ҳам фарздир. Улар учун хусусий мулкчилик яъни форсайтизм ақидалари ҳар нарсадан устин туради, яшашнинг асосий омили ҳисобланади.

Адибнинг иккинчи трилогияси "Замон комедияси"га кирувчи романларидаги воқеалар биринчи жаҳон урушидан кейинги даврда содир бўлиб ўтади. "Оқ маймун" (The White Monkey, 1924) "Кумуш қошиқ" (The Silver Spoon, 1926),

"Окқуш кўшиғи" (Swan Song, 1928) романлари қаҳрамонлари янги аср кишилари, ота-бобаларидан мерос қолган хусусий мулкчиликка дарз кетган замонда ўз ўрнини тополмай сарсон қолган ёш фарсайтлар сулоласининиг психологик кечинмалари тасвирланади. Воқеалар тафсилоти ёш эр-хотин Флэр Форсайт ва Майкл Монт турмуши баёнида ўз аксини топади. Хулоса қилиб айтганда, Голсуорси фарсайтлар ҳаёти орқали XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи чорагида Англияда кечган аристократлар ҳаётини барча тафсилотлари билан кенг қамровда ёритиб берди.

1932 йил Жон Голсуорси халқаро Нобель мукофати билан тақдирланди.

Жон Голсуорси асарлари наشري

End of the chapter: In 3 vol. - M: For. Lang. publ. house, 1960.

The Forsyte saga: In 3 vol. - M: Progress, 1964.

A modern comedy: In 3 vol. - M: Progrese, 1976.

Собрание сочинений: В 16-ти томах. Вступ. статья Д.Жантиевой. - М: Правда, 1962.

Сага о Форсайтах /Вступ статья. Д.Жантиевой - М: Худож. Лит., 1973 - 862 (Б-ка всемирной лит.).

Современная комедия /Вступ статья. Д.Жантиевой - М: Худож. лит, 1973 - 766 с.(Б-ка всемирной лит.).

Жон Голсуорси ҳақида

Barker D. The man of principle: A view of John Galsworthy. - London: Heinemann, 1963.-240 p.

Dupre C. John Galsworthy. - London: Collins, 1976. - 316 p.

Воропанова М.И. Джон Голсуорси: Очерк жизни и творчества - Красноярск; 1968. - 547.

Тугушева М.П. Джон Голсуорси. Жизнь и творчество. - М: Наука, 1973. - 176 с.

Жон Голсуорси // Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы. - М: Высшая школа, 1982 с. 428 - 443.

Уильям Сомерсет Моэм (William Somerset Maugham. 1874-1965)

Сомерсет Моэм XX аср инглиз адабиётида драматург, романист ва новеллист сифатида таниқлидир. Моэм ижоди асосан реалистик проза йўналишида ўз аксини топган бўлсада,

адабиётшунослар унинг асарларида натурализм, неоромантизм ва модернизм хислатларини ҳам кўрадилар.

Сомерсет Моэм дипломат оиласида дунёга келади. Ёшлигида ота-онасидан ажралиб, амакиси кўлида тарбия кўради. Лондондаги тиббиёт институтида ўқийди. 1897 йил адибнинг "Лэмбетлик Лиза" (Liza of Lambeth) романи босилиб чиқади. Сўнгра у театр учун бир неча драмалар ёзади. "Леди Фредерик" (Lady Frederick, 1907), "Дойра" (The Circle 1921), "Кўринмас" (The Unknown, 1920), "Шеппи" (Sheppey, 1933) драмалари шулар жумласидандир. Бу пьесаларида ёзувчи Реставрация даври театри ва Уайльд комедиялари анъаналарини давом эттирди. "Кўринмас" ва "Жанговор хизматлари учун" (Forservices Rendered, 1932) пьесаларида муаллиф биринчи жаҳон уруши даври воқеаларини ёритади. Айни пайтда Моэм прозада ҳам серунум ижод қилди. Унинг "Миссис Крэддок" (Mrs Craddock, 1900), "Эҳтиросли палла" (Of Human Bondage, 1915) романлари муаллифга шуҳрат келтиради. Моэм ўзининг "Миссис Крэддок" романини машҳур француз ёзувчиси Ги де Мопассаннинг "Ҳаёт" романига таассубона ёзган эди. Роман бош қаҳрамони миссис Крэддок ҳаётида рўшнолик кўрмаган, совуққон ва жоҳил эрнинг зуқумини еб адо бўлган аёл образида талқин этилади. "Эҳтиросли палла" романи қаҳрамони Филип Кэри ёшлигида ота-онасидан ажралиб, ҳаёт қийинчиликларига дучор бўлади. Бунинг устига унинг чўлоқлиги ҳам турмушда ҳалақит қилади, ўзи севган аёли Милдред хоним томонидан таҳқирланади. Ёзувчининг бу романи кўпроқ автобиографик асар сифатида танилган эди. Унга машҳур романист Теодор Драйзер юқори баҳо беради.

1919-1944 йиллар орасида Моэм ўзининг қуйидаги асарларини яратди: "Ой ва чақа" (The Moon and Sixpence, 1919), "Бўялган вуал" (The Painted Veil, 1925), "Ўткир пичоқлар" (The Razor's Edge 1944). Шунингдек, бу даврда унинг "Макинтош" (Mackintosh), "Ёмғир" (Rain), "Чандиқли киши" каби қатор ҳикоялари ҳам нашр этилади.

Бу асарларнинг кўпчилигида Моэм замонасининг долзарб муаммоси - уруш ва тинчлик мавзуини бадиий образларда кенг ёритиб беришга ҳаракат қилади. Айрим асарларининг

қахрамони мавжуд тузум ва жамият билан мурасасиз ҳаракатда бўладилар, ҳукмрон синф буржуазияга ўзларининг норозиликларини очикдан-очик маълум қилишади. Масалан, "Ой ва чақа" романи қахрамони Стрикленд Таити оролиги жўнаб кетади, "Бўялган вуал" романи қахрамони Уолтер Фейн Гонконда кўним топади.

Хулоса қилиб айтганда Моэм ўз асарларида буржуа жамияти зиёлилар ҳаётини ҳаққоний тасвирлай олди. Айни пайтда ўз прозаси тилининг содда, ифодавийлиги ва равон ўқилишини таъминлади. Ёзувчи асарлари жаҳон тилларига таржима қилинмоқда. Жумладан ўзбек китобхони ҳам унинг роман ва ҳикояларини ўқишга муяссар бўлди.

Сомерсет Моэм асарлари нашрлари:

Collected works: In 28 vol. - London: Heinemann, 1934 - 1969.

Collected plays: In 3 vol - London: Heinemann, 1955.

The complete short stories: In 3 vol. - London: Heinemann, 1951.

Время страстей человеческих / Пер. Е.Гольшевой и Б.Изакова. - М.: Изд-во иностр лит, 1959. - 694 с.

Дождь: Рассказы / Предисл. Дж. Олдриджа - М.: Мир, 1964. - 430 с.

Ой ва сариқ чақа. Роман. Русчадан.

Чандикли киши. Ҳикоялар. Инглизчадан А.Отабоев таржимаси.

Романнавис ёхуд савдогар. Русчадан М.Мирзо таржимаси // Жаҳон адабиёти, 2012, 2-сон.

Сомерсет Моэм ҳақида:

Brander Somerset Maugham: A guide. - Edinburgh; London: Oliver A. Boyd, 1963. - 222 p.

Curtis A. The pattern of Maugham. - London: Hamilton, 1974. - 278 p.

Сомерсет Моэм // Аникин Г.В. Михальская Н.П. История английской литературы - М.: Высшая школа, 1982, с. 449 - 453.

Томас Стерне Элиот (Thomas Stearns Eliot. 1888-1965)

XX аср инглиз модерн шеърятининг йирик вакили, халқаро Нобель мукофоти лауреата Томас Элиот ижодида буржуа тузумининг тартибсиз қонунлари замирида шаклланган адолатсизлик, бетамиз хулқ-атвор ва тутруксиз ҳаёт ўз ифодасини топади. Буржуа цивилизациясида шаклланган бу

ноинсоний фазилатлар шоир тарафидан кескин танқид қилинади.

Элиот АҚШда туғилди. Илк ижодини шу ерда бошлайди. 1927 йил Анлия фуқаролигини қабул қилиб, у ерда турғун яшаб қолади. Шоир ўзининг "Ж.Альфред Пруфрокнинг севги кўшиғи" (The Love Song of J. Alfred Prufrock), "Леди портрети" (Portrait of a Lady), "Прелюдии" (Preludes), "Шамолли тун кўшиғи" (Rhapsody on a Windy Night) номли илк шеърларини 1915 йилда эълон қилади. Бу шеърларида шоир буюк Данте ва Шекспир анъаналарига содиқ қолиб, ўзига хос ирония билан ўта содда одамларнинг буржуа жамиятидаги ушалмас орзу-умидларини, улар яшаётган шаҳарлардаги тутрухсиз ҳаёт ва кўринишларни тасвирлайди. Элиот бу шеърларида романтиклар каби жунбушга келмасдан, ҳис-ҳаёжонга берилмасдан, балки шахснинг ўз руҳий заифлиги билан тузум ва муҳитнинг қулига айланиб қолишини тавсифлашга ҳаракат қилади.

Элиотнинг кейинги туркум шеърлари "Бегимот" (The Hippopotamus), "Суини эректус" (Sweeney Erect), "Суини булбуллар орасда" (Sweeney Among the Nightingales) ва бошқалар 1920 йилда чоп этилади. Бу шеърларида шоир жамиятнинг турли сулолаларига мансуб кишилар устидан кулади. Масалан, "Бегимот" шеърда черков руҳонийларини ишёқмас, ётиб егувчи ҳайвонлар қиёфасида тасвирлайди.

Элиот ижодининг чўққиси унинг поэмалари ҳисобланади. Модернизм шеъриятининг ёрқин намуналари бўлмиш бу поэмларида шоир буржуа жамияти ва цивилизациясининг инқирози, ижтимоий прогресс ва инсон ахлоқий ҳис-туйғул арининг ясамалиги, ишончсизлиги, ўлимга маҳкумлиги таъриф этилади. Масалан, унинг 1922 йил эълон қилган "Ҳосилсиз замин" (The Waste Land) поэмасида инсоннинг мақсадсиз урунишлари ва натижасиз хатти-ҳаракатини тасвирлаш билан буржуа жамиятидаги маъносиз ҳаёт одамзодни ўлумга маҳкум этажagini исботлашга уринади. Элиот асарда қадим мифлардан устамонлик билан фойдаланади, воқеалар баёнида Дантенинг "Дузах" ва Шекспирнинг "Бўрон" асарларига мурожаат этади. Шунингдек, инсоннинг ўлимга маҳкумлиги Элиотнинг "Дала кўриқчиси" (The Hollow Men, 1925)

поэмасида ҳам бош мавзу сифатида жаранглайди. Фожеавийлик шоирнинг машҳур "Тўрт квартет" (Four Quartets, 1943) поэмасида асосий мазмун касб этади. Унда Элиот борлиққа, инсон ҳаётига ўзининг диний-фалсафий муносабатини билдиради. Поэманинг қурулиши инсоннинг яшаши учун мавжуд тўртта зарурат ҳаво, ер, сув ва оловнинг барқарорлигига асосланган бўлиб, барча тирик жонзот жумладан одам ҳам улар қўйнида ўлимга маҳкум эканлиги тасвирланади. Буларнинг барчаси олий ҳакам - худонинг кароматидандир, деган ақида шоир фалсафасининг якуни сифатида жаранглайди.

Хуллас, Элиот ўз поэмаларида буржуа тузуми ва унинг бетамиз ахлоқи таъсирида инсон жаҳолатга маҳкум эканлиги, маъносиз яшаб оламдан изсиз йўқолишини ачинарли бир кайфиятда тасвирлашга ҳаракат қилди. 1930-йилларда Элиот ўзининг "Қоя" (The Rock, 1934), "Черковдаги қотиллик" (Murder in the Cathedral, 1935), "Оилавий байрам" (The Family Reunion, 1939) каби шеърий драмаларини ёзади. Бу драмаларида муаллиф католик черкови ва унинг диний эътиқодини тарғиб этади. Шунингдек, шоир "Шеърият ҳимояси, танқидчи ҳимояси" (The Use of Poetry and Use of Criticism, 1933), "Поэзия ва шоирлар ҳақида" (On Poetry and Poets, 1957) адабий-танқидий мақолалар тўпламини ҳам эълон қилади.

Томас Элиот асарлари нашри:

The complete poems and plays. - London: Faber a. Faber, 1969.

On poetry and poets. - London: Faber. a Faber 1957. - 262 p.

Selected essays - London: Faber a. Faber, 1969. - 516 p.

Бесплодная земля: Избранные стихотворения и поэмы / Пер А.Сергеева - М: Прогресс, 1971. -187 с.

Стихотворения // Западноевропейская поэзия XX в. - М, 1977, с. 73 - 78 (Б-ка всемирной лит.).

Томас Элиот ҳақида:

Gardner H. The art of T.S. Eliot. - London: Faber a Faber, 1972. - 185 p.

Т.С.Элиот // Ивашева В.В. Английская литература XX век. - М., 1967 с. 67 - 78.

Томас Элиот // Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М.: Высш школа, 1982, с. 401 - 405.
Холбеков М. Томас Элиот шеърияти // Жаҳон адабиёти, 2011, 9-сон.

Жорж Бернард Шоу (George Bernard Shaw. 1856-1950)

XX аср инглиз ва жаҳон драматургиясининг йирик вакили Бернард Шоу ижодида драма жанри юксак поғонага кўтарилди. Адиб инглиз драматургияси анъаналарини давом эттирган ҳолда замонавий театрни шакиллантириш, унга Хенри Ибсен ва А. П. Чехов маҳорати сирларини сингдиришга ҳаракат қилди ва бунга эриша олди.

Бернард Шоу Ирландияда майда чиновник оиласида дунёга келади. Шоулар оиласи ҳаётга эркин қаровчи, Ирландиянинг мустақиллиги йўлидаги халқ ҳаракатида фаол иштирок этган кишилар эди. Шу боис, ёш Бернард ҳам ўзига ишонган ҳолатда, ўн беш ёшида мустақил ҳаёт йўлини тутади. Беш йил турли идораларда хизматчи бўлиб ишлаган бўлажак адиб, йигирма ёшида бош ҳисобчи лавозимини эгаллайди. Ундаги адабиёт ва саънатга бўлган ҳавас ёш Шоуни Лондонга етаклайди. Лондонда Шоу театр билан боғланади ва театр танқидчиси сифатида мақолалар ёзади. Айни пайтда Лондондаги социал - демократлар ҳаракатида фаол қатнашади. Бу даврда ўзининг "Ўрлик" (Immaturity, 1979), "Фойдасиз алоқалар" (The Irrational Knot, 1880), "Кэшел Байроннинг касби" (Cashel Byron's Profession, 1982), "Яккаҳон - социалист" (An Unsocial Socialist, 1883) ва "Мусаввирлар муҳаббати" (Love Among the Artist, 1888) каби қатор романларини эълон қилади. Шоу - романист бу асарларда буржуазия хулқ - авори, оиланинг борбод бўлиши, инсон меҳнатининг қадрсизлиги, эксплуатациянинг авжига минаётган ҳолатларини кескин танқид қилади. Ёзувчининг бу асарларида драматик қолип - диологлар асосий ўрин тутади, воқеалар ечими персонажларнинг ўзаро суҳбати давомида рўёбга чиқа боради.

Шоу - драматург қарийб ўн беш йил Норвегиялик машҳур драматург Хенрик Ибсен ижодини ўрганди ва ниҳоят 1891 йил адиб ўзининг "Ибсенизм квинтэссенцияси" (The Quintessence of Ibsenism) номли драма жанрига бағишланган асарини

яратди. Бу асарда у ҳозирги давр драматургияси ва театри кандай бўлмоғи лозим, деган саволга жавоб излайди ва социал драма моҳиятини очиб беради. Шу йили Лондонда таникли режиссёр ўзининг "Мустақил театр"ини ташкил қилади. Театр дастлаб Х. Ибсен, А.П.Чехов, Л.Толстой, М. Горкий асарларини сахналаштиради. Бердард Шоу ҳам ушбу театр учун ўзининг "Ёқимсиз пьесалар" (Plays Unpleasant) туркимига кирувчи "Бевалар уйи" (Widower's Houses, 1892), "Тайинсизлик" (The Philanderer, 1893) ва "Миссис Уорреннинг касбикори" (Mrs Warren's Profession, 1893-1894) драммаларини ёзади. Пьесаларда иштирок этувчи персонажлар ҳаётда беками кўст яшаётган буржуа оиласига мансуб кишилар. Бироқ бу осуда ҳаёт ортида эксплуатацияга асосланган тузим, камбағал кашшоқ халқнинг оғир меҳнати ётади. Томашабин сахнада буржуа ахлоқи ва унинг ножўя кўринишлари замиридаги ҳақсизликларни англаб етади.

Шоунинг иккинчи "Ёқимли пьесалар" (Plays Pleasant) туркимига "Қурол ва одам" (Arms and the Man, 1898), "Кандида" (Candida, 1895), "Такдир одами" (The Man of Destiny, 1898), "Ҳеч вақт айтолмайсиз" (You Never Can Tell, 1895) асарлари киради. Бу турким пьесаларида муаллиф ўз тасвирлаш услубини ўзгартиради, сатирик талқин усулини қўллайди. Томашабин уларда буржуа ахлоқининг бузук жиҳатларини очикдан очик сахнада кечаётган воқеалар баёнида кўриб боради.

1897-1899 йиллар Шоу "Прутанлар учун уч пьеса" (Three Plays for Puritans) циклини яратади. Унга кирган "Шайтоннинг шогирди" (The Devil's Disciple, 1897), "Цезарь ва Клеопатра" (Caesar and Cleopatra, 1888), "Капитан Брассбаунд мурожаати" (Captain Brassbound's Conversion, 1899) пьесаларида муаллиф жамиятда турлича мавқега эга бўлган шахслар қиёфасини яратади. 1920-1930 йилларда ёзилган "Авлиё Жанна" (Saint Joan, 1923), "Олма ортилган арава" (The Apple Cart, 1929), "Аччиқ, аммо ҳақиқат" (Too True to be Good, 1932) пьесаларида халқ орасидан чиққан франциялик қаҳрамон Жанна г'Арк ва Англия тарихида ўтган улуғ шахслар образини яратди.

Бернард Шоуга шуҳрат келтирган унинг "Пигмалион" (Pygmalion, 1912) комедияси бўлди. Комедия мазмуни қадим

юнон мифологиясидаги ўзи ясаган қиз ҳайкалига ошиқ бўлган Пигмалион воқеасидан олинган бўлсада, муаллиф асарга замонавий тус беради, ўзи яшаётган замонга монанд комик мазмунни сингдиради. Лингвист Хиггинс кўчада гул сотувчи қизалоқ Элизани тарбиялаб, сўзамол ва ошифта лэдилар қаторига қўшмоқ ниятида ҳаракат қилади Бирок, қиз ўзининг ички дунёси ва жамиятга муносабати жиҳатидан Хиггинс ўйлагандан устунроқ киёфага эга экани асар охирида маълум бўлади.

Бернард Шоу XX аср инглиз драматургиясини янги ғоялар ва замонавий мазмун билан бойитди, мумтоз драматургия анъаналарини давом эттириб, драма жанрига янгича ҳаёт бахш этди.

Бернард Шоу асарлари нашри:

The works: In 30 vol. - London: Constable, 1930 -1932.

The complete plays. - London: 1931. - 1131 p.

Selected works: - M.: For lang. publ house, 1958. - 807 p.

Pycmalion. - M: For. Lanq. publ. house, 1959. - 152 p.

Полное собрание пьес: В 6-ти томах. Под. ред. А.Аникста и др. – М.; Искусство, 1978-1980.

Избранные произведения: В 2-х томах. Вступ статья П Балашова. - М: Изд-во иностр лит., 1963. - 640 с.

Пьесы. Вступ. статья З. Гражданской. - М.; Худож. лит., 1969. - 703 с (Б-ка всемирной лит.).

Бернард Шоу хақида:

Brown F. Shaw in his time. - London: Nelson, 1965. - 212 p.

Dukore B.F. Bernard Shaw, playwright. - Columbia: Univ. of Missouri press., 1973.-XII. 311 p.

Образцова А.Г. Бернард Шоу и европейская театральная культура

на рубеже XIX - XX веков. - М.: Наука, 1974 - 390 с.

Пирсон Х. Бернард Шоу - М.: Искусство, 1972. - 447 с.

Герберт Жорж Уэллс (Herbert George Wells. 1866-1946)

Ижтимоий - фалсафий фантастик асарлар муаллифи Герберт Уэллс ижодида XX аср бошида содир бўлган илмий - техникавий тараққиёт ва кашфиёт сирлари бадиий тўқима образларда юксак маҳорат билан таърифланади.

Уэллс Лондон яқинидаги Бромли шаҳарчасида савдогар оиласида таваллуд топди. Маҳаллий мактабда саводини чиқаргач, савдо тармоқларида сотувчи бўлиб ишлади. Лондондаги билимлар олий ўқув юртида таълим олади. Ёш Уэллс бу ерда аниқ фанларга қизиқиб, профессор Гексли лекцияларини тинглайди. Унинг лабораториясида ишлайди. Бўлажак ёзувчи сил касалига чалиниб, бирқанча вақт ётиб даволанади. Шу даврдан у ижод билан шуғиллана бошлайди.

1895-1941 йиллар орасида Герберт Уэллс ўзининг ўндан ортиқ илмий - фантастик романларини ёзди. Улар орасида "Вақт машинаси" (The Time Machine: An Invention, 1895), "Доктор Моро ороли" (The Island of Dr Moreau: A Possibility, 1896), "Кўринмас одам" (The Invisible Man: A Grottesque Story, 1897), "Дунё жанги" (The War of the Worlds, 1898), "Ухлаётган одам уйғонганда" (When the Sleeper Wakes, 1899), "Ойдаги биринчи одамлар" (The First Men in the Moon, 1901), "Осмондаги олишув" (The War in the Air, 1908) романлари машҳурдур. Шунингдек, Уэллс ўз ижодида ижтимоий - маиший мавзуда ҳам қатор асарлар яратди. Булар қуйидагилар: "Севги ва мистер Люишем" (Love and Mr Lewisham, 1900), "Киппс" (Kipps: The Story of a Simple Soul, 1905), "Тоно - Бенге" (Tono - Bungay, 1909), "Анна - Вероника" (Ann Veronica, 1909), "Мистер Полли тарихи" (The History of Mr Polly, 1910).

Юқорида келтирилган ҳар иккала йўналишда яратилган асарларнинг мазмун ва ғояси бир мақсад сари яъни замоннинг илғор жабхаларини тараннум этиш, унинг келажагини ҳаёлий - реал борлиқ билан ўлчашга қаратилгандир. Уэллс қаҳрамонлари турли тоифага мансуб одамлар. Биринчи турким романлари қаҳрамонлари илм - фан кишилари, ҳаётда янгилик яратишга интилган кишилардир. Иккинчи туркимга кирувчи ижтимоий - маиший романларда эса китобхон бугунги ҳаётнинг ўта зерикарли ўтаётгани, кундалик турмуш ташвишлари, ҳаётнинг икр-чикирлари билан танишади.

Ўтган асрнинг 20- йилларида Уэллс ижодида инқироз даври кечади. Бу даврда у ўзининг хиристиан дини ақидалари ва асотирларини тарғиб қилувчи "Худо - кўринмас қирол" (God the Invisible King, 1917), "Ўчмас олов" (The Undying Fire, 1919), "Инсониятнинг қисқача тарихи" (A Short History of the World,

1922) каби асарларини ёзди. Шунингдек иккинчи жаҳон уришини қоралаб қатор мақолалар ҳам эълон қилди.

Герберт Уэллс асарлари нашри:

The works: In 21 vol. - London: Unwin, 1926.

The complete Short stories. - London: Benn, 1966. - 1038 p.

Собрание сочинений: В 15 - ти томах \ Под. ред. Ю.

Кагарлицкого. -М: Правда 1964.

Машина времени; Остров доктора Моро; Человек - невидимка;

Война миров \ Вступ. статья и примеч. Ю. Кагарлицкого. - М:

Худож. лит., 1972. - 479 с (Б-ка всемирной лит.).

Герберт Уэллс ҳақида:

Borello A. Herbert George Wells. - Southern Illinois univ.press, 1972. XVII. 137 p.

Кагарлицкий Ю. Герберт Уэллс. Очерк жизни и творчества - М; Гослитиздат, 1963. - 279 с.

Герберт Уэллс // Аникин Г.В., Михалская Н.П. История английской литературы. - М: Высш. школа 1982, с. 419 - 426.

Жеймс Жойс (James Joyce. 1882-1941)

XX аср инглиз ва Европа модерн адабиётининг йирик намаёндаси Жеймс Жойс мероси замондошлари, француз адиби Марсел Пруст ва немис ёзувчиси Франц Кафка мероси каби улуғдур. Ғарб адабиётшунослари бу уччала адибни Европа модерн романчилигининг "отаси" деб атайдилар.

Жойс Ирландиянинг пойтахти Дублинда туғилди. Унинг болалиги ва ёшлиги шу шаҳарда ўтди. Адибнинг эслашига қараганда унинг болалиги уч тарафдан яъни Англия босқини, маҳаллий буржуазия ва католик черкови сиқувида кечган эди. Оилада ҳам бунинг таъсири қатта бўлиб, адибнинг онаси католик черковининг ҳомийси, отаси бўлса эркин эътиқод тарафдори эди. Жойс дастлаб иезуит коллежида, кейин Дублин унвирситетида ўқийди. Бирок, кўп ўтмай врачлик касбидан воз кечиб бадиий ижодга берилади. Дастлаб у Генрик Ибсен ижодини ўрганишга киришади, Оскар Уайльд таъсирида бўлади. 1904 йил Жойс ватани Ирландияни тарк этади. Бир қанча вақт Парижда ва Цюрихда яшаган адиб, 1920 - 1939 йилларда Парижда муқум яшаб қолади. Иккинчи жаҳон уруши

бошлангач Жойс яна Цюрихга келади ва шу ерда 1941 йил вафот этади.

Биринчи жаҳон уришига қадар яъни 1899 - 1914 йиллар орасида Жойс ўзининг илк адабий - танқидий мақолаларини ёзади. Булар "Драма ва ҳаёт" (Drama and Life, 1900), "Ибсеннинг янги драмаси" (Ibsen's New Drama, 1901), "Оскар Уайльд: Саломея шоири" (Oscar Wilde: the Poet of Salome", 1909), "Бернард Шоунинг цензура билан олишуви" (Bernard Shaw's Battle with the Censor, 1909) кабилар бўлиб, ёш адиб уларда ўзининг бадий адабиётга муносабатини билдиради. Шунингдек бу йилларда Жойснинг "Камерли музика" (Chamber Music, 1907) шеърӣ тўплами, "Дублинликлар" (Dubliners, 1903 - 1905) ҳикоялар тўплами, "Мусаввирнинг ёшликдаги портрети" (A Portait of the Artist as a Young Man, 1904 - 1914) романи босилиб чиқади. "Мусаввирнинг ёшликдаги портрети" романи бош қаҳрамони Стивен Дедалус талантили расом, ўз маҳоратини намоиш қилмоқ мақсадида ватанини тарк этади. Кўп жиҳатдан роман қаҳрамони Жойснинг прототипига ўхшайди.

Жойсга шуҳрат келтирган "Улисс" (Ulysses, 1922) романи бўлди. Роман устида ёзувчи 1914 - 1921 йиллар давомида ишлади ва у 1922 йил Парижда нашир этилди. Ушбу асар кейинчалик Европа модернизм адабиётининг "комуси" деган олий баҳога сазовор бўлади. Жойс романидаги бошқа қаҳрамонлар ҳам Ҳомернинг "Одиссея" достонидаги қаҳрамонларга қиёсан олинган. Масалан, Леополд Блумнинг рафикаси Мэрион Одиссейнинг хотини Пенелопога, тутинган ўғил Стивен эса Одиссейнинг ўғли Телемахга нисбат берилади. Романдаги воқеалар аниқ бир кунда яъни 1904 йилнинг 16 июнида эрталаб соат 8-00 дан ярим тун соат 3-00 гача содир бўлиб ўтади. Шунингдек, муаллиф ундаги воқеалар оқимини ўнсаккиз кўринишда тасвирлайди. Шу боис Жойснинг "Улисс" романидаги асосий ғоя муаллиф яшаган буржуа жамиятида инсон ҳаётининг бир кунлик ташвиши, унда кечган воқеалар аксини ифода эттиришдан иборат эди. Яхудий Леополд Блум - Дублиндаги газеталардан бирида оддий хизматчи, эртадан кечгача ўз иши ва ташвиши билан кўча санқийди. Унинг хотини Мэрион - Пенелопа ёлғиз ўғлининг ўлимидан сўнг ўз

хаётини ўзгартирган, жазмани билан овунади. Стивен Дедалус, ёш йигит, гимназияда ўқитувчилик қилади, ҳеч кими йўқ. Эртадан то тунга қадар кўчама - кўча кезувчи Леополд Блум - Одиссей ниҳоят Стивен Дедалус билан учрашади, уни мархум ўғли ўрнида кўради. Стивен ҳам Блумда оталик меҳрини англайди. Улар бирга Блумнинг уйига келадилар. Ота ва ўғил ўз уйига - Итакада (Дублин) кўним топади. Блумнинг рафиқаси Мэрион - Пенелопа ҳам уйга қайтади. Асар сўнггида Блум - Одиссей, Мэрион - Пенелопа ва Стивен - Телемах Дублин - Итакада қайта топишади.

Жойс ўз асарини ҳаётдаги воқеалар мазаикаси, деб атаган эди. Сабаби ёзувчи романи ёзишга узоқ таёргарлик кўради, ундаги воқеалар тизимини мазаика каби бирма- бир улаб чиқди, рангбаранг сўз ва иборалардан турли рангларни ифодаловчи образлар яратди. Ёзувчи замондошлари, ижод аҳли ва адабий таниқидчилик дастлаб романинг маъно ва моҳиятини тушуниб етмади, аниқроғи тан олмади. Жойс умрининг сўнгги йиллари "Улисс" романига унинг ҳажми қадар "Изоҳлар" ёзиб қолдирди.

Хулоса қилиб айтганда Жойс ўзининг "Улисс" романида инкирозга юз тутаётган буржуа тузуми ва унинг цивилизацияси қиёфасини кўрсатиб берди. Айни пайтда боши берк кўчага кириб бораётган роман жанрини янги йўлга бошлади, адабиётда модернизмга асос солди.

Жеймс Жойс асарлари нашри:

Collected poems - New York: The Viking press, 1957 - 63 p.

Ulysses: With "Ulysses": a short history by Richard Ellmann. -

Hairnondsworth, Midd'x: Penguin books, 1977. - 718 p

Dubliners. - Froqmore: St. Albans, Triad, 1977. - 207 p.

A portrait of the artist as a young man. - New York: The Viking press, 1956.-253 p.

Портрет художника в юности / Пер. М.Н. Богословской - Бобровой // Иностранная литературы, 1976, №10; №11; №12

Дублинцы / Пер. под ред. И.А.Кашкина. - М: Худож. лит., 1937. - 170 с.

Улисс. Перев. и примеч. Н.Волжиной и др. // Интернациональная литература, 1935, № 1-3,9 -12; 1936, № 1-4.

Улисс. Роман. Русчадан И.Фафуров таржимаси. – Тошкент. 2013.

Жеймс Жойс хақида:

Ellman R. James Joyce. - New York: Oxford univ. press, 1959. - XVI. 842 p.

Gilbert St. James Joyce's Ulysses. - New York: Vintage books, 1959. – 405 p.

Жантиева Д.Г. Жеймс Жойс. - М: Высш. Школа, 1967 - 95 с.

Жеймс Жойс // Аникин Г.В, Михальская Н.П. История английской литературы - М.: Высш. школа, 1982, с. 377 - 388.

Холбеков М. Жеймс Жойс // Хлбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012. 76-109 бет.

Девид Герберт Лоуренс (David Herbert Lawrence. 1885-1930)

Лоуренс романист сифатида ўтган асрнинг бошларида ном қозонган эди. У фрейдизм таълимотига хайрихоҳ бўлгани учун модерн адабиётига мансублигини тан олсада, бироқ унинг романларида инсон манфаатини ҳимоя қилиш, "ясама цивилизация"нинг жамият ва турмушга ётлигини тарғиб этиш асосий мавзу ҳисобланади. Ёзувчи авваламбор инсон гўзаллигини, шахс эркинлигини тараннум этади, унинг ички ва ташқи қиёфаси "ясама цивилизация" қурбонига айланиб қолишидан ҳадиксирайди. Шу боис у М.Пруст ва Ж.Жойс ижодини танқид қилади, улар асарларини реал ҳаётдан узок деб баҳолайди.

Девид Лоуренс шахта ҳавзаси Ноттингемда қон ишчиси оиласида таваллуд кўрди. Ўн тўрт ёшидан шахтада ишлади. Қининчиликларга қарамасдан саводини чиқариб, маълум вақт мактабда ўқитувчилик қилади. Унинг "Оқ товус" (The White Peacock) романи 1911 йил нашр этилади. Лоуренсга адибнинг "Ўғиллар ва Жазманлар" (Sons and Lovers, 1913) номли иккинчи романи шухрат келтиради. Лоуренс бу романларида инсонларнинг ўз истак - хохишлари билан яшамоқлари лозим деган ғояни илгари сўради. Мазмун ва моҳияти жиҳатдан адиб ушбу романларини "кўнгил романлар" (a novel of sentiment) и деб атайди.

"Оқ товус" романининг мавзуси Жорж Сакстон ва Лэттининг муҳаббати тарихига бағишланган Летти ўз истак - хохишига қарши боради ва кўнгли бўлмаган бадавлат кишига турмушга чиқади. Бу ҳисоб - китоб асосида қурилган оила бахтли бўлолмайди, тез орада барбод бўлади. Ёзувчи романда Англиянинг узок қишлоқларида яшаётган тўпори кишилар оила ва бурчга содиқ қолганлари ҳолда, ишқ - муҳаббат, ирода - хохишига қарши бориб турмушда хатоликларга йўл қўяётганлари танқид остита олинади. "Ўғиллар ва жазманлар" романида шахтёрлар оиласи, ота-болалар ўртасидаги муносабатлар қаламга олинади. Уолтер Морел табиатан хушчакчоқ ва одамохун киши. Бироқ унинг болалари оилада жиддий тарбия кўрмайди. Шу боис фарзандлар билан ота ўртасида муносабат ўзгара боради. Айниқса, ўғил Пол Морелнинг отасига нисбатан душманлик кайфияти ортиб боради. У онасига ўта меҳрибон, уни севувчи ва истак-хохишига қараб иш тутувчи ўғилга ойланади. Шу сабаб у ҳаётда ўзига муносиб умр йўлдоши тополмайди, онасига қўйган меҳр-муҳаббат танлаган қайлиқлари Мириам ва Кларага бўлган севгисидан устунлик қилади. Полнинг тарбияси болалигидан Гертруда Морел таъсирида бўлгани учун у меҳнат қилишдан йироқда ўсади, болалигидан отасидан узоклашади, илм олиш, оила куриш каби ниятлар унга ёт бўлиб қолади. Онаси вафот этгач Поль ўзининг нақадар турмушдан узоклашганини, ёлғизликда ўсганини, одамови бўлиб қолганини англаб етади.

Лоуренс ижодининг кейинги даврида яратган романларида бир қадар тушқинлик ва ижодий инқирозга юз тутишлик аломатлари сезилиб туради. Буни биз адибнинг "Ошиқ аёллар" (Women in Love, 1920), "Кенгуру" (Kangaroo, 1923) "Жундор илон" (The Plumed Serpent, 1926), "Леди Чаттерлейнинг жазмани" (Lady Chatterley's Lover, 1928) каби романларида кузатамиз.

Ёзувчининг машҳур асарларидан бири унинг "Шафак" (The rainbow, 1915) романидир. XX аср инглиз адабиётида "оилавий роман" деб тан олинган бу асарда Дербишир графлигида яшаган Брэнгуэнлар сулоласининг уч авлоди тасвирланади. Романда биринчи авлод, эр-хотин Том ва Лидия

Брэнгуэнлар фермер хўжалиги билан машҳур бўлган, бутун вужуди ер билан боғланган дехқон кишилар. Эр - хотиндаги ирқий жиҳатлар уларнинг болаларига ўтади. Болалари кишлоқ ҳаётидаги сокин турмушга кўниколмайдилар. Узок кишлоқларга ҳам кириб борган капитал бошқаруви фермерлар ҳаётини ўзгартириб юборади. Учинчи авлодга мансуб Урсула турмуш тарзини ўзгартирмоқ ниятида шаҳарга йўл олади. У ерда ўқитувчилик касбини эгаллашга ҳаракат қилади, адабиёт ва санъат сирларини ўрганеди. Ва ниҳоят ёш офицер Антон Скребенскийни севиб қолади. Бироқ у ўз муҳаббатидан қониқмайди, балки пушаймон қилади. Роман қаҳрамоннинг ҳаётда кўрган қийинчиликлари, ички кечинмалари, аччиқ адашишларидан иборат бўлсада, аммо у келажакка ишониб яшайди. Урсула ва унинг синглиси Гудруннинг кейинги ҳаёти ёзувчининг "Ошиқ аёллар" романида ёритилади.

Дэвид Лоуренс асарлари нашри:

The complete plays. - London: Heinemann, 1965. - 558 p.

The complete poems: In 2 vol. - London: Heinemann, 1972.

The complete short stories: In 3 vol. - London: Heinemann, 1955.

Семья Брэнгуэнов / Пер. Н.Мининой. - М: Недра, 1925 - 365 с.

Сыновья и любовники / Пер.Н. Чуковского. - М.: 1927 - 287 с.

Урсула Брэнгуэн / Пер Н.Мининой. - М.: Недра, 1925 - 304 с.

Дэвид Лоуренс ҳақида:

Leavis F.R. Thought, words and creativity: Art and thought in Lawrence. - London: Chatto a Windus, 1976. -155 p.

Moore H.T. The priest of love: A life of D.H. Lawrence. - New York; Farrat Straus a. Giroux, 1974. – IX. 550 p.

Жантиева Д.Г. Английский роман XX века - М.; 1965, с. 113-162.

Дэвид Герберт Лоуренс //Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М.: Высш. школа, 1982, с. 392 - 398.

Ричард Олдингтон (Richard Aldington. 1892-1962)

Ричард Олдингтон дастлаб шоир сифатида адабиётга кириб келди. У ўзининг "Қиёфалар" (Images, 1915) ва "Уруш қиёфаси" (Images of War, 1919) илк шеърий тўпламларида эллинистик давр гўзаллигини замонасидаги уруш харобалари

билан муқояса қиларкан, урушнинг инсоният цивилизациясига офат келтирувчи қирғин эканини таърифлайди. Олдингтоннинг ўзи ҳам биринчи жаҳон урушида иштирок этади. Бу уруш Европани ларзага келтирган, айниқса ёш авлод зиммасига оғир юк бўлиб тушган, даврининг Аполлинер, Хемингуэй, Барбюс, Жойс, Олдингтон сингари талантлари ижодини буғган ёвуз уруш эди. Шу боис бу авлод ўзини "йўқолган авлод" деб атади. Улар ўз асарларида уруш келтирган надоматларни реал тасвирлашга ҳаракат қилдилар. Олдингтоннинг биринчи романи "Қаҳрамоннинг ўлими" (Death of a Hero, 1929) ҳам айнан шу уруш келтирган заҳматларни тасвирлашга бағишланган эди.

"Қаҳрамоннинг ўлими" романининг бош қаҳрамони ёш йигит Жорж Уинтерборн ҳам уруш қурбони бўлади. Жорж Уинтерборннинг ўлими муаллиф томонидан асарнинг бошидаёқ маълум қилинади. Сюжетнинг давомида ёш йигит ўлимининг асосий сабаблари қидирилади. Унинг ўлими Европанинг ҳалокати, ёш авлоднинг қирғинга учраши тарзида тасвирланади. Шу боис асар "роман-трагедия" жанрига яқин туради. Қолеверса унинг мазмуни қадим юнон-рим адабиётидаги фожеавий драмаларга яқин ҳолатда баён қилингани учун ҳам асарни "роман-фожеа" деб аташ мумкин. Романда ҳикоячи образи бу муаллифнинг ички дунёсини баён этаётган, унинг "мени" тарзида кўриниб туради. Айни пайтда ёзувчининг замонасига бўлган муносабати, ўзи яшаётган жамиятга назари романдаги ҳикоячи овозида ўз аксини топади. Қолаверса бу овоз қадим юнон трагедияларидаги маюс хор овозига ўхшаб кетади. Хуллас, "Қаҳрамоннинг ўлими" романи ижтимоий - сиёсий роман бўлсада унда бир қадар комик мазмун, уруш даврига нисбатан ирония ҳам мавжуддир. Қолаверса, муаллиф таърифида бу роман симфониядир, ҳатто даврининг "джаз" мусиқасига ўхшаш романдир. Шу боис ҳам "Қаҳрамоннинг ўлими" романи Олдингтон ижодининг юқори чўққиси, ўтган аср инглиз прозасининг нодир асарлари сафига киради.

Урушдан кейинги Англиядаги ҳаёт Олдингтоннинг "Полковникнинг қизи" (The Colonel's Daughter, 1931) романида ўз аксини топди. Роман қаҳрамони Жоржи Смизерснинг

урушдан кейинги даврдаги ҳаёти ҳам фожеавий ҳолатда кечади. Ёш аёл ҳаётда бахтли бўлиш, оила куриб фарзандлар кўриш истагида бўлсада бунга имкон йўқ. Ёш йигитлар урушда халок бўлишган, омон қолганлари ҳам майиб - мажруқлар. Ёши улуғларга эрга тегиш учун ёш қизда бойлик-сепи йўқ. Нима қилсин, Қаҳрамон ўз ҳис - туйғулари гирдобида яшайди, номус - орини устин қўяди, гап - сўз, иғво - тухматдан кўрқади. Бу унинг фожеаси эди. Урушнинг ғайғули излари Олдингтоннинг "Одамлар бир-бирига душман" (All Men are Enemies, 1933) романида янада ойдинроқ тасвирланганини кўрамиз. Романдаги воқеалар ўз ичига 1900 -1927 йилларни қамраб олади ва бир қатор Европа мамлакатларида содир бўлиб ўтади. Бош қаҳрамон Энтони Кларендой "йўқолган авлод"нинг типик вакилидир. Урушга қадар ижод билан машғул бўлган, орзулари оғушида яшаган йигит уруш оловида барчасидан маҳрум бўлади. Умрнинг ошифта даврини урушда ўтказди. Хатто бу азоблардан қутилмоқ учун ўзига ўлим ахтаради. Ва ниҳоят, урушдан сўнг, йиллар ўтиб у ўзини тиклаб олади, ҳаётга қайтади.

Олдингтоннинг "Ҳақиқий жаннат" (Very Heaven, 1937), "Инкор қилинган меҳмон" (Rejected Guest, 1939) романларида ҳам уруш келтирган офатлар кескин қораланади. Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи романлари XX аср одамларини уруш боласидан сақлаб қолишга қаратилган шиор сифатида жаранглади.

Ричард Олдингтон асарлари нашри:

All men are enemies. - London: Chatto a. Windus, 1934. - 495 p.

The colonel's daughter. - London: Heinemann, 1934. - 365 p.

Death of a hero. - M.: For lang publ. house, 1958. - 443 p.

Very heaven. - London: Heinemann, 1937. - 376 p.

Все люди - враги / Пер О.А. Ефимовой. - М.: Гослитиздат, 1959. - 550 с.

Смерть героя / Пер. Н.Галь. - М.: Худож. лит., 1976. - 320 с.

Прощайте воспоминания: Рассказы. Сост. и автор предисл.

М.Урнова - М, 1961. - 394 с.

Дочь полковника / Пер. З. Вершининой. - М., Гослитиздат, 1935. -291с.

Ричард Олдингтон ҳақида:

Gates N.T. The poetry of Richard Aldington. - University Park: 1974. - XLV. 363 p.

Урнов М.В. Ричард Олдингтон. - М.; Высш. школа, 1968. - 78 с.
Ричард Олдингтон // Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М.; Высш. школа, 1982, с. 453 - 457.

Олдос Хаксли (Aldous Huxley. 1894-1963)

Олдос Хаксли XX аср инглиз адабиётида "интеллектуал роман" жанрига асос солди. Ёзувчи ўз романларини "ғоя романи" деб атайдди. Сабаби, Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳаётга қайтган зиёлилар синфи асрнинг тақдири, одамларнинг қисмати, жамиятнинг келгуси ривожини учун бош қотирадилар. Ҳар бир зиёлининг ўз фикри ва ўз ғояси шаклланади. Ёзувчи ўзининг биринчи романи "Сарик Кром" (Crome Yellow, 1921) асарида "кенг пешона" бу зиёлиларнинг тумтароқ ғояларини сатира остига олади. Уларнинг XX асрда яшаб, ўтмиш яъни XVIII асрдаги ҳаётни орзу қилишлари кулгули ходиса эканлиги танқид қилинади. Роман қаҳрамонлари файласуф Скоуген, астролог Присилл, шоир Дэне Стоун, ёзувчи Барбенью Смитлар характери уларнинг фалсафий ғоялари орқали очиқ берилади. Ёзувчининг иккинчи романи "Ҳазил-мутойибали хоровад" (Antic Hay, 1923) фожеавий фарс шаклида ёзилган бўлиб, унда ҳам муаллиф зиёли синфи олдида турган фожеавий муаммоларни сатира остига олади, ғояларни ҳазил-мутойибадан ўзга нарса эмас, қабилда талқин қилади.

Хакслининг машҳур асарларидан бири унинг "Нуктага қарши нукта" (Point Counter Point, 1928) романи ҳисобланади. Романда реалистик ва модернистик тамойиллар вобасталашгандир. Асарнинг реалистик жиҳати унда буржуа эътиқоди ва киборлар маънавий қиёфасининг сатирик тасвирланиши бўлса, модернистик муносабат эса романдаги буржуа хулқ-атворининг юзакилиги, маиший ҳаётнинг издан чиқиб бораётганининг танқид қилинишида кўринади. Шу ўринда асардаги бетам из Спендрелл ва "вамбир" қиёфали Люси Тэнтемаунт образлари характерлидир. Романдаги асосий ўрунда ёзувчи Филип Куорлз образи туради. У тунд қиёфали, ҳаётда ўз ўй-фикрлари билан ўралишиб қолган, ўзгаларнинг ташвиш-қийинчиликларига эътиборсиз. Тўғриси унинг

образида ёзувчи замонасининг зиёли буржуа кишиси киёфасини яратишга ҳаракат қилади.

Ижодининг кейинги даврида Хаксли реализм ва модернизм ақидаларидан чекиниб, антигуманистик мазмундаги романлар ёзди. Ёзувчининг "Ажойиб янги дунё" (Brave New World, 1932) романида тушкинлик кайфияти устин туради. Хаксли тасаввурида XX асрда фан ва техниканинг жадал тараққиёти қуролланиш пойгасига олиб келади, оқибат инсоният унинг қулига айланади, бир умр кўрқиб яшайди. Итоаткор одамлар роботларга ўхшаб қолади, шахс эркинлиги йўқолади, ҳукмрон доиралар бошқарувида бўлади. Ёзувчи ижодидаги бу пессимистик ҳолат унинг кейинги романларида ҳам давом этади. Буни биз адибнинг "Кўр Газеда" (Eyeless in Gas a, 1936) , "Оққуш узоқ йиллардан сўнг ўлади" (After Many a Summer Dies the Swan, 1939) романларида ҳам кузатамиз.

Хаксли умрининг сўнгги йиллари "Орол" (Island, 1962) номли романини ёзади. Аллегорик мазмундаги ушбу асарида муаллиф Англияни орол тарзда, унда тарақий этаётган цивилизацияни инсонни қуршаб яъни кишанлаб тургувчи маънавий тузум сифатида тасвирлайди. Хулоса қилиб айтганда Хакслининг модерн адабиёти йўналишида яратилган барча романларида инсон ва жамият ўртасидаги номутоносиблик, тузум билан унда яшаётган фуқаро ўртасидаги салбий муносабатлар ўз аксини топади.

Хаксли асарларининг наشري

After many a summer. - London: Chatto a. Windus, 1939. - 314 p.

Antic hay. - Harmondsworth, Midd'x: Penguin books, 1948. - 254 p.

Collected short stories. - London: Chatto a. Windus, 1957. - 397 p.

Eyeless in Gaza - Harmondsworth, Midd'x: Penguin books, 1965. - 399 p.

Point caunter point. - New Uork: The modem libr., 1928. - 514 p.

Контрапункт / Пер. И.К. Романовича. - М., Гослитиздат, 1936. - 410 с.

Шутовский хоровод / Пер. с англ. И.Романовича - М., Гослитиздат, 1936.-328 с.

Хаксли ҳақида:

Atkins I. Aldous Huxley. A literary study. - London: Calder a. Boyars, 1967. -XXXVII. 218 p.

Олдос Хаксли // Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М.; Высш. школа 1982, с. 398 - 399.

БИБЛИОГРАФИЯ

I. Илмий танқидий адабиётлар

1. Allen W. The English novel: A short critical history. - Harmondsworth. Penguin books, 1963. -376 p.
2. Bergonzi B. The turn of a century: Essays on Victorian and modern English literature. - London: Macmillan, 1973. - X. 222 p.
3. The Cambridge bibliography of English literature: In 5 vol. / Ed. by F.W.Bateson. - Cambridge univ. press, 1940 - 1957.
4. Cecil D. Early Victorian novelists: Essays in revelation. - London: Constable, 1943.-332 p.
5. Charlesworth B. Dark passages: The decadent consciousness in Victorian literature. - Madison - Milwaukee: Univ. of Wisconsin press, 1965.-XVI. 155 p.
6. Collins A.S. English literature of the twentieth century. - London: Univ. of tutorial press, 1960.-VII. 410 p.
7. Compton - Rickett A. A history of English literature. In 2 vol. -London: Secker and Warburg, 1963.
8. Ellman R. Golden codgers: Biogr. speculations. - London: Oxford univ. press, 1973. - X. 193 p.
9. English romantic poets. Modern essays in criticism / Ed. by M.H. Abrams. - New York: Oxford univ. press, 1960. - VIII. 394 p.
10. Ford B., ed. A guide to English literature: In 5 vol. - Harmondsworth: Penguin books, 1955 - 1958.
11. Lauterbach E.S., Dawis W.E. The transitional age: British literature, 1880 - 1920. - Troy (New York): Whitston, 1973. -V.323 p
12. Oxford companion to English literature: In 4 vol. / Comp. and ed. by P.Harvey. - 4 ed. - Oxford: Clarendon press, 1967. - X. 961 p.
13. Ward A. Twentieth-century English literature, 1901 - 1960. - London: Methuen, 1965. - VIII. 239 p.
14. Reynolds Michael. Hemingway: An Annotated Chronology of lit. -Detroit, 1991.
15. Brooks C. Modern Poetry and the Tradion. - New York, 1965.

16. The Cambridge Companion to James Joyce / Ed. By D. Attridge, -Cambridge, 1990.
17. Massie Alan. The Novel Today: A Critical Guide to the British Novel, 1970 - 1989. - London; New -York, 1990.
18. Connor Steven. The English Novel in History. 1950 - 1995. -London: New - York, 1996.
19. Bradbury Malcolm. The modern British novel. - London, 2001.
20. Алексеев М.П. Из истории английской литературы: Этюды. Очерки. Исследования. - М.; Л.: Гослитиздат, 1960 - 499 с.
21. Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. - М.,: Высшая школа, 1982. - 528 с.
22. Жантиева Д.Г. Английский роман XX века. - М., : Наука 1965. - 446 с.
23. История английской литературы: В трех томах. - М; Л.: Изд. АН СССР, 1943 - 1959.
24. Урнов М.В. На рубеже веков: Очерки английской литературы. -М: Наука 1970. - 432 с.
25. Михальская Н.П., Аникин Г.В. Английский роман XX века.- М.: Наука, 1982.
26. Английская литература 1945 - 1980 г. - М., 1987.
27. Қаюмов О., Азизов Қ. Чет эл адабиёти тарихи. XVIII - XX асрлар. - Тошкент,: Ўқитувчи, 1987.
28. Қаюмов О. Чет эл адабиёти тарихи - Тошкент: Ўқитувчи, 1973.
29. Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда - Тошкент: Фан, 1978.
30. Холбеков М. Чет эл адабиёти классиклари. Қўлланма. - Самарқанд: СамДУ нашри, 1993. - 83 бет.
31. Холбеков М. Уильям Шекспир. Ўқув қўлланма. – Жиззах: ЖДПИ, 2009. – 78 бет.
32. Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2012. – 305 бет.

II. Бадиий манбалар:

1. Montgomery G.; McKenzie G.; ed. An anthology of English classics. - New - York: Rinehart, 1946. - XI. 759 p.
2. The Penguin book of English romantic verse / Ed. with an introduction by D. Wright - Harmondsworth, Midd'x: Penguin books, 1968.-354 p.
3. Snyder F.B.; Martin R.G. ed. A book of English literature: In 4 vol. - New York : Macmillan, 1942.
4. Аникст А. Хрестоматия по английской литературе. XIX - XX вв. - М.; 1949. - 509с. - На англ.яз.
5. Поэзия английского романтизма / Вступ. статья Д.Урнова. - М.: Худож. лит., 1975. - 670 с - (Б-ка всемирной лит.).
6. Современная английская новелла. / Сост. В.Скороденко и Д.Шестаков. - М: Прогресс, 1969.- 495 с.
7. Шекспир В. Танланган асарлар: 5 жилдлик. Тўпловчи Жамол Камол. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 - 1985.
8. Шекспир В. Сайланма: 3 жилдлик. Жамол Камол таржималари - Тошкент: Фан, 2007 - 2008.
9. Байрон Ж. Сайланма. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
10. Бёрнс Р. Қўшиқ ва балладалар. Русч. М.Али таржималари. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашри, 1971.
- 11.Скотт В. Айвенго. Роман. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
- 12.Свифт Ж. Гулливернинг саёхатлари. Роман - Тошкент: Ёш гвардия, 1974.
- 13.Дефо Д. Денгиз сайёҳи Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажайиб саргузаштлари. Роман. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1965.
- 14.Диккенс Ч. Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари. Роман. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.

Мундарижа

Сўз боши ўрнида	3
“Беовульф” кахрамонлик достони	4
Томас Мэлори (Tomas Malory. ? - 1471)	6
Жеффри Чосер (Geoffrey Chaucer. 1540-1400)	7
Томас Мор (Thomas More. 1478-1535)	9
Кристофер Марло (Christopher Marlowe. 1964-1593)	10
Уильям Шекспир (William Shakespeare. 1564-1616)	12
Бен Жонсон (Benjamin Jonson. 1573-1637)	17
Жон Мильтон (John Milton. 1608-1671)	18
Даниел Дефо (Daniel Defoe. 1660-1731)	20
Жонатан Свифт (Jonathan Swift 1667-1745)	22
Хенри Филдинг (Henry Fielding. 1707-1754)	24
Тобайас Жорж Смоллет (Tobias George Smollett. 1721-1771)	26
Оливер Голдсмит (Oliver Goldsmith. 1728-1771)	28
Лоренс Стерн (Laurence Sterne. 1713-1768)	29
Ричард Бринсли Шеридан (Richard Brinsley Sheridan. 1751-1816)	31
Роберт Бёрнс (Robert Burns. 1759-1796)	33
Уильям Блейк (William Blak. 1757-1827)	35
Жорж Гардон Байрон (George Gordon Byron. 1788-1824)	37
Перси Биши Шелли (Percy Bysshe Shelley. 1792-1822)	41
Жон Китс (John Keats. 1795-1821)	43
Вальтер Скотт (Walter Scott 1771-1832)	46
Чарлз Диккенс (Charles Dickens. 1812-1870)	48
Уильям Мейкпис Теккерей (William Makepeace Thackeray. 1811-1863)	52
Шарлотта Бронте (Charlotte Bronte. 1816-1856)	55
Томас Майн Рид (Thomas Mayne Reid. 1818-1883)	56
Жорж Элиот (George Eliot 1819-1880)	58
Томас Харди (Thomas Hardy. 1840-1928)	60
Роберт Луис Стивенсон (Robert Louis Stevenson. 1850-1894)	62
Оскар Уайльд (Oscar Wilde. 1856-1900)	64
Редьярд Киплинг (Rudyard Kipling. 1865-1936)	66
Этель Лилиан Войнич (Ethel Lilian Voynich. 1864-1960)	68
Артур Конан Дойль (Arthur Conan Doyle. 1859-1930)	69
Жон Голсуорси (John Galsworthy. 1867-1933)	71
Уильям Сомерсет Моэм (William Somerset Maugham. 1874-1965)	72
Томас Стерне Элиот (Thomas Stearns Eliot. 1888-1965)	74
Жорж Бернард Шоу (George Bernard Shaw. 1856-1950)	77
Герберт Жорж Уэллс (Herbert George Wells. 1866-1946)	79
Жеймс Жойс (James Joyce. 1882-1941)	81
Девид Герберт Лоуренс (David Herbert Lawrence. 1885-1930)	84
Ричард Олдингтон (Richard Aldington. 1892-1962)	86
Олдос Хаксли (Aldous Huxley. 1894-1963)	89
БИБЛИОГРАФИЯ	92

